

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси  
(Кимё) йўналиши**

**“КИМЁ ФАНЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент - 2017

**Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2017 йил 24 августидаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа  
ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** **Низомий номли ТДПУ, к.ф.н., М.Ибодуллаева,  
кatta ўқитувчилар А.Тўраев, М.Имомов**

**Тақризчи:** **Гейделберг педагогика университети (Германия),  
профессор. Hans-Werner Huneke.**

*Ўқув -услубий мажмуда ТДПУ Кенгашининг 2017 йил 29 августдаги  
1/3.7- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	6
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	16
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	30
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	208
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	260
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	263
VII. ГЛОССАРИЙ .....	264
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	267

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Кимё фанлари бўйича замон талабларига жавоб берадиган назарий машғулотлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг билимлар доирасини кенгайтириб, уларда билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талабларни такомиллаштирилиш дастурнинг асосий мақсади килиб белгиланди.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Профессор-ўқитувчиларининг педагогик касбий билим ва кўникмаларини Давлат талаблари асосида чукурлаштириш, янгилаш ва таълим-тарбия жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш имконини берадиган замонавий билим ва кўникмаларни таркиб топтириш;

-“кимё фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курсида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- “кимё фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курсида ўкув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Кимё фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

-кимё ўқитишдаги фаолият билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари;

- замонавий физика ва астрономиянин долзарб масалаларини ўкув жараёнига тадбиқ этиш билан боғлиқ муаммолар;

- олий таълимда илфор педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- кимёни ўқитишга доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш;

-кимёни ўқитишдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

-кимёдан эгалланган фундаментал назарий билимлар асосида долзарб муаммолар бўйича амалий вазифаларни амалга ошириш учун лаборатория доирасида тадқиқотларни бажариш ва амалиётда қўллаш;

-кимё таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги, кимё таълимнинг узвийлиги ва изчилигини таъминлаш **малакаларини** эгаллаши лозим.

-кимё фанларни ўқитишда замонавий инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларидан уйғунлаштирилган ҳолда фойдаланиш;

-кимёни ўқитишга тизимли ёндашув асосида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш;

-кимёда таълим мазмунини эътиборга олган ҳолда таълим сифатини аниқлайдиган ўқув, амалий топшириқларини тузиш;

-педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиб таълим-тарбия жараёнини таҳлил этиш ва самарадорликни аниқлаш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Кимё фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Кимё фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Олий таълимда кимё фанларини ўқитиш методикаси” ва “Педагогик квалиметрия” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг мобил иловалар яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мобил иловалар яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

T/p	Модул мавзулари	Умумий соат	Жами аудитория соати	Назарий	Амалий	Мустакил тальлим
1.	Классик кимё соҳаларининг ривожланиш босқичлари ва тараққиёт тенденциялари.	4	4	2	2	
2	Ўзбекистон Республикаси ФА ва кимёвий илмий-тадқиқот институтларида олиб борилаётган изланишлар, қўлга киритилган ютуқлар, татбиқ этилган инновациялар.	4	4		4	
3	Хорижий мамлакатлар ва республикамиз олимлари томонидан фан тараққиётига қўшган ҳиссалари, ишлаб чиқилган инновацион лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти.	2	2		2	
4	Интернет сайтларида кимёвий фанлар соҳалари бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори	4	2		2	2
5	Координацион кимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари	4	4	2	2	
6	Биоорганик кимёнинг тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновациялар.	4	4	2	2	
7	Полимерлар кимёсининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари. Табиий ва синтетик йўл билан полимерлар синтези, қўлга киритилаётган ютуқлар, инновациялар ва амалий тадбиқи.	4	4	2	2	

8	Ўсимлик моддалари тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновациялар. Алкалойдлар ва уларнинг амалий аҳамияти.	4	4	2	2	
9	Нанокимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари. Нанокимёнинг истиқболлари ва муаммолари.	6	6	4	2	
10	Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари, истиқболлари, муаммолари ва инновациялари.	4	4	2	2	
11.	Инсон экологиясининг долзарб муаммолари ва амалга оширилаётган тадбирлар	4	2		2	2
<b>Жами:</b>		<b>44</b>	<b>40</b>	<b>16</b>	<b>24</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1- мавзу: Классик кимё соҳаларининг ривожланиш босқичлари ва тараққиёт тенденциялари.**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида кимёни ўрганишни ташкил этиш муаммолари. Кимёнинг фан сифатида шаклланиши. Классик кимё соҳаларининг ривожланиш босқичлари ва тараққиёт тенденциялари.

### **2-мавзу: Координацион кимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари.**

Координацион ва молекуляр комплекс бирикмалар, координацион бирикмалар назарияси ва кимёвий боғ тушунчаларининг ривожланиши, А. Вернер назарияси, ички ва ташқи сфералар, координацион кимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари

### **3-мавзу: Биоорганик кимёнинг тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновациялар.**

Биоорганик бирикмалар кимёси, кўплаб полифенол бирикмалар флавоноидлар, ёғ кислоталари ва аминокислоталар, антоцианлар,

лейкоантоцианлар, танинлар, госсипол, ферментлар, токсинлар моддаларни синтез килиш, биоорганик кимёнинг тараққиёт йўналишлари бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар, инновациялар

**4-мавзу: Полимерлар кимёсининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари. Табиий ва синтетик йўл билан полимерлар синтези, қўлга киритилаётган ютуқлар, инновациялар ва амалий тадбиқи.**

Полимер бирикмаларнинг ўзига хос хусусиятлари, табиий ва синтетик йўл билан полимерлар синтез килиш, илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, полимерлар кимёсининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари.

**5-мавзу: Ўсимлик моддалари кимёсининг тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновациялар.**

**Алкалоидлар ва уларнинг амалий аҳамияти.**

Фармако-токсикологик, кимёвий модификациялаш, потенциал доривор препаратлар, биологик фаол бирикмалар, ўстирувчи моддалар, гербицидлар, фунгицидлар, дефолиантлар, рекомбинант оқсиллар, алкалоидлар ва уларнинг амалий аҳамияти.

**6-мавзу: Нанокимёсининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари.**

Нанокимё, наноматериаллар ва синтез усуллари, нанозаррачалар классификацияси, нанозаррачаларнинг физик хоссалари, углеродли кластерлар: фуллеренлар ва нанотрубкалар, инерт газлар атомларидан тузилган заррачалар, фрактал кластерлар, молекуляр кластерлар, нанозаррачаларни олиш услублари, графитни лазер билан буғлантириш

**7-мавзу: Нанокимёсининг истиқболлари ва муаммолари.**

Нанозаррачалар, нанозаррачаларнинг ажойиб хоссалари ҳақида, нанотехнология истиқболлари, «Ақлли» материаллар, нанороботлар, технологияларнинг ривожланганлиги даражаси, қўллаш мумкин бўлган соҳалар

**8-мавзу: Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари, истиқболлари, муаммолари ва инновациялари.**

Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари, фармацевтик кимёнинг истиқболлари, муаммолари, фармацевтик кимё, унинг муаммолари ва инновациялари

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Кимё фанининг ривожланиш босқичлари ва тараққиёт тенденциялари.**

Кимё фанининг ривожланиш даврлари, тараққиёт тенденциялари, органик, ноорганик, физхимия, полимерлар кимёси ва координацион бирикмалар, аналитик кимё фанлари бўйича олиб борилган ишлар

### **2- амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси ФА ва кимёвий илмий-тадқиқот институтларида олиб борилаётган изланишлар.**

Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари томонидан маҳаллий хомашё асосида юқори самара берадиган ўғитлар, ўстирадиган воситалар, дефолиантлар, Ўсимлик моддалари кимёси институтида олиб борилаётган ишлар гербицидлар, фунгицидлар.

### **3-амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси ФА ва кимёвий илмий-тадқиқот институтларида қўлга киритилган ютуқлар, татбиқ этилган инновациялар.**

Инновацион ярмаркалар илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари илмий бўлинмалари инновацион ишланмаларини “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси, “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари

### **4-амалий машғулот: Хорижий мамлакатлар ва республикамиз олимлари томонидан фан тараққиётига қўшган ҳиссалари, ишлаб чиқилган инновацион лойиҳаларнинг мазмун–моҳияти.**

Республикамиз олимлари томонидан кимё фанининг тараққиётига қўшган ҳиссалари, ишлаб чиқилган инновацион лойиҳаларнинг мазмун–моҳияти.

## **5-амалий машғулот: Интернет сайтларида кимёвий фанлар соҳалари бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори.**

Кимёвий фаннинг мазмуни ва моҳияти. Илмий-тадқиқот институтлари ва университетларда қўллашга тайёр бўлган илмий технологиялар, интернет сайтларида кимёвий фанлар соҳалари бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори

## **6-амалий машғулот: Координацион кимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари**

ЎзМУ, ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти олимларининг координацион бирикмаларнинг синтезига доир илмий тадқикот ишлари, ўсимликлар ҳаётидаги муҳим модда хлорофилл ҳамда гемоглабин координацион бирикмалар хоссалари, комплекс бирикмаларнинг фармацевтикада кенг қўлланилиши.

## **7-амалий машғулот: Биоорганик кимёнинг тараққиёт йўналишлари**

Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти олимларининг турли касалликларга чидамли моддалар синтези, ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар, алкалоидлар, ошловчи моддалар.

## **8-амалий машғулот: Нанокомпозицион полимерлар материаллар.**

Наноматериалли полимерлар нанозаррачаларнинг тузилиши, углеродли нанотрубкалар ва нанотолалар, полимерлар кимёсининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари

## **9-амалий машғулот: Алкалоидлар ва уларнинг амалий аҳамияти.**

Ўсимлик моддалари кимёси ва Биоорганик кимё институтлари олимларининг ишлари, алкалоид асосида препаратлар олишнинг янги йўналишлари, тиббиётда турли касалликларни даволашда ишлатиладиган алкалоидлар

## **10-амалий машғулот: Нанокимёнинг истиқболлари ва муаммолари.**

Фуллерен ва нанотрубкаларни олиш, Графитни лазер билан буғлантириш.

## **11-амалий машғулот. Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари, истиқболлари.**

Инсоннинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятини оширадиган препаратлар, жигарнинг функционал ҳолатини қайта тиклайдиган препаратлар

## **12-амалий машғулот: Инсон экологиясининг долзарб муаммолари ва амалга оширилаётган тадбирлар.**

Ҳаётнинг айланиш таҳлили, инсон экологиясининг долзарб муаммолари ва амалга оширилаётган тадбирлар

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Координацион бирикмалар кимёси фани бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори
2. Полимерлар кимёси фани бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори
3. Биоорганик бирикмалар кимёси фани бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори
4. Органик кимё соҳаси бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори
5. Инсон экологиясининг долзарб муаммолари ва амалга оширилаётган тадбирлар

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi bўyicha daliillar va asosli argumentlarni taqdim qiliш, eshitish va muammolarni echimini topish қобилиятини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
	Кейс топшириқлари	2.5	1 балл
	Тест		0.5 балл
	Амалий топшириқлар		1 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишида баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўнижмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

### **“Ақлий хужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим оловчи қатнашиши шарт.

Куйида “Ақлий хужум” методининг тузилмаси келтирилган.



### **“Ақлий хужум” методининг тузилмаси**

#### **“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

1. Таълим оловчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим оловчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим оловчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурӯхланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

#### **“Ақлий хужум” методининг афзалликлари:**

- натижалар баҳоланмаслиги таълим оловчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;

- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.


**“Ақлий хужум” методининг камчиликлари:**

- таълим берувчи томонидан саволни тұғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшлиши қобилиягининг талаб этилиши.

**“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ** - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўкув материалини ўрганиш ёки берилған топшириқни бажаришга қаратилған дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



### **“Кичик гурұхларда ишлаш” методининг тузилмаси**

**“Кичик гурұхларда ишлаш” методининг босқичлари**

**қуидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурұхлар белгиланади. Таълим олувчилар гурұхларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурұхлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурұхлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурұхлар баҳоланади.

**«Кичик гурұхларда ишлаш» методининг афзаллиги:**

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;


- муроқотга киришиш қўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

**«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичida ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.


**“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ** – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу хар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча дикқат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



### Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сұхбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра сұхбати” методининг тузилмаси келтирилган.




## **“Давра сұхбати” методининг босқычлари қуидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан танишириади.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“ИШБОП ЎЙИН” МЕТОДИ** - берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-автори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга қўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гурухли ҳарактерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қиласди, сўнгра гурӯҳ билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гурӯҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади. Куйида “Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



### **Ишбоп ўйин” методининг тузилмаси**

**“Ишбоп ўйин” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди.

Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.

2. Таълим олувчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.

3. Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.

4. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.

5. Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.

6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хуносалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.

7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

**“РОЛЛИ ЎЙИН” МЕТОДИ** - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргалиқда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслароро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-автори муҳим аҳамият касб

этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



### **“Ролли ўйин” методининг тузилмаси**

#### **“Ролли ўйин” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзуу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хуласа қилинади.

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзуу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзуу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

Қўйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



### **“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси**

**“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**


1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргалиқда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласи.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

**“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўнкималарини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишилари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Куйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиши сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласдилар, уларни таҳлил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз варианatlарини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул варианatlарини танлаб олади.

**“ЛОЙИХА” МЕТОДИ** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиши, тадқиқот ўтказиши ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиши, амалга ошириш, текшириш ва хulosи чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиха ишлаб чиқиши якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиха ўкув гуруҳининг биргалиқдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш,

ташкыллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яраты оладиган бўлиши керак. Қўйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.



### “Лойиха” методининг босқичлари

#### “Лойиха” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиха иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади.

Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик групкалар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-Мавзу: Классик кимё соҳаларининг ривожланиш босқичлари ва тараққиёт тенденциялари.**

**Режа:**

1. Классик кимё соҳаларининг ривожланиш босқичлари
2. Классик кимё соҳаларининг тараққиёт тенденциялари

**Таянч иборалар:** Квант механикаси, квант кимёси, сифат ва миқдорий таҳлил, электрокимёвий ва термокимёвий усуллар, физик-кимёвий тадқиқот усуллари.

#### **1.1. Классик кимё соҳаларининг ривожланиш босқичлари**

Кимё хамма жойда бўлади




*1-расм. Кимёниг ўрганиши хусусиятлари, маркиби ва материянинг ўзгартириши*

Замонавий инсон тажрибаси, моддий оламга катта эътибор қаратилаётир. Биз атрофдаги дунё билан тез-тез машғул мулоқатда бўламиз. Замонавий кашфиётлар билан ўзимизни боқиши учун туғилган қунимиздан бошлаб ўлган кунгача кураш олиб борамиз, бошқа одамлар ёки ҳайвонлар билан мулоқот, ёки оддийгина биз нафас олаётган ҳаво ҳакида мулоҳаза, бизнинг эътибор моддий дунёниг турли томонларига қаратилган.

Аслида фақат моддий дунёга бутунлай бефарқ дин, фалсафа фанлари - айрим пастки ва мавхум математика – муҳим деб ҳисобланади. Негадир кимё хусусиятларини, таркибини ва конвертация илмий масала билан боғлиқ бошқа ҳар бир нарса ўрганиши.

Кимёнинг бир қатор ўз бўлимлари бор:

- Аналитик кимё моддаларни таркибини аниқлаш учун интилади.
  - Биокимё тирик (масалан, ДНҚ ва оқсиллар каби) топилган кимёвий ўрганиш ҳисобланади.
  - Ноорганик кимё углерод ва бошқа моддаларни ўз ичига олишни ўрганиши.
  - Органик кимё углеродга асосланган моддаларни ўрганиши.
- Кимё мураккаб ноёб хусусиятларга эга тирик организмлар, бу билан моддаларни ташкил килган элементларни, бутун майдонни ўрганишни, хосил қилиш учун имкон беради.
- Физикавий кимё модданинг таркибини ўзгартирумасдан ўлчаниш, хусусиятлари бор кимёвий жисмоний хусусиятларини ўрганиш ҳисобланади.



2-расм. Бу ош туз натрий хлориднинг тузилиши.

Кимёни ўрганиш учун бир қанча сабаблари бор. Буни урганишда тадқиқотлар учун табиий фанлар ёки гуманитар фанлардан бири устун бўлган. Хозир ҳайвонот дунёсини биокимё, биология тамойиллари ва психология фанларидан келиб чиқсан холда тушуниш керак. Замонавий тиббиётда инсон танаси кимёвий табиатга асосланган. Илм-фанда чексиз имкониятлар куп, талабалар кимёвий қоидалардан фойдаланиб ҳар хил моддаларни синтез

йулларини излаб топмокда. Кимё бу дунёда ҳамма нарсани, оддий тушунтириш учун қодирдир.


Нима учун темир занглайди? Нима учун пропан самарали, тоза ёниб ёқилғи сифатида ишлатилади? Қандай қилиб курум ва олмос кимёвий жихатдан үхшаш, ташқи кўриниши турли бўлади? Ушбу саволларга жавобни топиш учун дунёни англаш, кимёни тушуниш керак<sup>1</sup>.

Умумий кимё бошқа фанлар катори қийин, уни билиш учун кўпроқ идрок қилинади. Бу ҳислар учун бир нечта асос бор. Кимёни ўрганиш бир нарса учун ихтисослаштирилган. Аввалига, кимё ўрганиш янги тилни ўрганиш каби ҳисобланади. Бундан ташқари, баъзи тушунчалар абстракт бўлади. Шундай бўлса-да, тиришқоқлик билан бу фанни ўрганишда муваффақият козониш мумкин. Кимё катта экспериментал фан бўлиб, уни илмий тадқиқотлар лабораторияларида ўрганиш керак бўлади.

Бир тадқиқотни ўрганиш тизими ҳақида умумий кузатишлар олинган маълумотлардан иборат, бунда икки нарсани моддаларни сифат ва миқдорий жихатдан билиш керак. Кимёда турли ўлчов билан одатда стандартлаштирилган рамзлардан фойдаланилади, у ўз ичига кузатишни ёзиш учун тенгламалар ва рақамларни олади, жараёнини осонлаштиради. Кузатилган ҳодисалар тажрибаларда тугалланади, кейинги қадам учун илмий уринишлар ва маълумотлар қайд этилади. Йиғилган маълумотларга асослан тадқиқотчи кузатишлар олиб боради. Янада тажрибалар кўп жихатдан фараз ҳақиқийлигини синаб кўриш учун ишлаб имкон қадар ва жараён яна бошланади.

---

<sup>1</sup> General Chemistry, Wikibooks.org, March 13, 2013, P. 2-3



Бу расмда уч даражали кимё, ўрганиш ва уларнинг муносабатлари берилган.

Атомлар ва молекулалардан ташкил топган микроскопик дунё макроскопик дунёда кузатиш воқеалар билан шутулланади. Кимёгарлар бир кузатилган ҳодиса асосида атомлар ва молекулалар тушунтириш учун ўз билимларидан фойдаланадилар<sup>2</sup>.

Кимё - моддаларнинг тузилиши ва ўзгаришини ўрганадиган фан. Кимё бошқа фанлар қатори инсон фаолиятининг маҳсули сифатида вужудга келиб, табиий эҳтиёжларни қондириш, зарурый маҳсулотлар ишлаб чиқариш, биридан иккинчисини ҳосил қилиш ва ниҳоят, турли ҳодисалар сирларини билиш мақсадида рўёбга чиқди. Одамлар қадимда рудалардан металларни ажратиб олиш, турли хил қотишмалар тайёрлаш ва қўллаш жумладан, шиша тайёрлаш ва ундан турли мақсадларда фойдаланишни билганлар. Милоддан аввалги Мисрда кимёвий жараёнларга асосланган хунармандчилик ривожланганлиги маълум. Пишиқ чарм тайёрлаш, уни бўяш, рангли шиша олиш, ўсимликлардан дори-дармон ва хушбўй ҳидли моддалар тайёрлаш, сопол буюмлар ишлаб

<sup>2</sup> Raymond CHANG ,Williams College. GENERAL CHEMISTRY. 2008. P.26.

чиқариш йўлга қўйилган. Ўша даврларда кимёвий маҳсулотлар Хиндистон, Хитой ва Ўрта Осиёда ҳам ишлаб чиқарилган. Ўзбекистондан ўтган Буюк ипак йўли орқали милоддан аввалги 1-минг йилликнинг 2-ярмидан бошлаб, мамлакатга савдо-сотик билан бирга ҳунармандчилик ҳам кириб келди. Топилган жуда кўп тарихий буюм ва ёдгорликлар Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳолининг кимё ҳунаридан қадимдан бохабар эканлигидан дарак беради. Бухоро яқинидаги Пойкенд манзилгоҳидан VIII асрга тааллуқли кимё лабораторияси топилган. Лаборатория жиҳозлари ичидаги турли идишлар, шиша асбоблар, болалар сумаги учрайди.

Кимёнинг фан сифатида шаклланишини тадқиқотчилар Миср билан боғлашади. Савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маънавий алоқалар жуда ривожланган бу мамлакатда илм, фалсафий қарашлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги яхши ривож топган. Нил бўйидаги Искандария шаҳрида I асрда ёзилган кўпгина кимёвий маълумотлар, жумладан, кимёвий жиҳозларнинг кўринишлари, қўйдириш, пишириш, тоблаш, қуруқ ҳайдаш, эритиш, кристалланиш, ажратиш ва бошқа усуслар ҳақида маълумотлар келтирилади. Мазкур манбада оддий металлардан олтин олиш ғояси ҳам илгари сурилган бўлиб, мавҳум бу изланиш фаннинг ривожланишига маълум даражада тўсқинлик қилди, олимлар фикрини бошқа амалга ошмайдиган йўналишга буриб юборди. Искандария маълумотларидан фойдаланган араб олимлари тез орада бир нечта янги моддалар, жумладан, нитрат кислота, тузлар ва бошқаларни олишни кашф қилдилар. Мисрлик олимлар тилидаги Кимёга араблар "ал" қўшимчасини қўшиб машхур "Алкимё" га асос солдилар. Натижада кўпгина илмий асарлар, китоблар, мақолалар ва тажрибалар ифодалари пайдо бўлди. Кейинчалик бу сўз Европа мамлакатларида "Кимё" номи билан оммалашди. Муқаммад Хоразмий X асрда "Кимё" сўзи арабча "ҳамоякми", яъни "яширмоқ", "беркитмоқ" ни англатади, дейди. Турк олими Тошкўпирзоданинг фикрига кўра, мазкур сўз яхудийча "кимяҳ" дан олинган. Баъзи олимлар "Кимё" сўзи Мисрнинг қадимги номи "Хем" ёки "ҳаме"дан олинган деган фикрни илгари суришади. Бу сўз "қора" ёки "қорамтири"

маъносини англатиб, манбаларда "Кимё" "Миср фани" деган маънода келади. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса "Кимё" сўзи юононча "кимё" иборасидан келиб чиққан бўлиб, "суюқлик", "ёритилган металл"ни англатишига ишора қиласидилар. Аммо, қандай бўлишидан қатъи назар, мазкур фаннинг Шарқ мамлакатларида бир қатор ривожланганлиги, бу борада Ўрта Осиёлик олимларнинг хизмати катта эканлиги тарихий манбалардан маълум.

"Алкимё" асосчиси Жобир ибн Хайём металларнинг пайдо бўлишидаги олтингугурт-симоб назариясини олга сурган, яъни ер қаърида қуруқ боғланишдан олтингугурт ("металлар отаси"), нам буғланишдан эса симоб ("металлар онаси") пайдо бўлади деган фикрни айтади. Уларнинг турли хил нисбатларда бирикишидан олтин, кумуш, мис, темир, қалай, қўрғошин, шиша ҳосил бўлади. Шу аснода оддий металларни нодир металларга ўтказиш ҳақида маълумотлар берилади. "Элемент" тушунчасига кўра, олтингугурт - ёнувчанлик, симоб - учувчанлик, туз эса эрувчанликни билдиради. Шунга кўра, бу моддалар турининг кашф қилиниши асосий фикр бўлди. Олимнинг издошларидан бўлган Абу Наср Форобий ўзининг "Устоди Соний" асарида алкимё илмининг йўналишини маъқуллайди. Шарқ алломаларидан Абу Бакр ар-Розий "Сирлар китоби"да алкимё маълум бўлган моддаларни ўрганиш, асбоб-ускуналарни йигиш ва фойдаланиш ҳамда тажрибалар ўтказишни келтиради. Розий ўз асарида ўнгача маълум бўлган моддаларни таснифлаб, асбоб ва тажрибаларни маълум бир тизимга соглан. Абу Абдулло ал-Хоразмийнинг "Билимлар калити" китобида кимёга алоҳида бўлим ажратилиб, унда турли моддалар, асбоблар, тажрибалар тўғрисида мукаммал маълумотлар келтирилган. Абул Хаким ал-Хоразмий эса алкимё фани тажрибаларида қўлланилган тарозига аҳамият беради. Ал-Хазиний томонидан 1125-йилда ёзилган "Доно тарозу ҳақида китоб"да турли кўриниш ва тузилишдаги тарозиларда тортиш усуллари баён қилинганлиги манбалардан маълум. Абу Али ибн Сино "Ал-қонун" китобида ўсимлик, ҳайвонот, минераллар, тузлар, кислоталар, ишқорлар, металлар, оксидлар ва бошқа бирикмаларнинг 750 дан ортиқ турини ёзади. Уларнинг номи, хоссалари, ишлатилишини тўла

ифодалайди. Унинг "табошир кулчалари"дан (Индонезияда ўсадиган бамбукдан олиб кулчага қўшиб оёқ-қўли синган беморларга бериладиган кремний оксиди - инсон организмида тез эриб сингадиган модда) қанчадан-қанча одамлар шифо топган. Ибн Сино Жобирдан фарқли равишда металларнинг хусусиятини чукур ва мукаммал ўрганди, унинг хатоларини тузатди. Ибн Сино нафақат Жобирнинг, балки барча алкимёгарларнинг хатоларини илмий жиҳатдан асослаб берди. У оддий металлардан нодир металлар, жумладан, олтин олиб бўлмаслигини биринчи бўлиб амалда исбот этди. Француз олими М. Бертло, рус олими Б. Меншуткин, академик О. Соимовларнинг фикрича, Абу Али ибн Сино асарларида ҳозирги замон анорганик кимё фанининг ilk куртаклари намоён бўлган. Абу Райҳон Берунийнинг "Минералогия"сида моддаларнинг моддалик хусусиятлари ўз аксини топган. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида минералогияга оид 18 та, кимёга оид 31 та қўлёзма мавжуд. Булар араб, форс, эски ўзбек (турк) тилларида битилган "Хунарлар жавоҳири" китобидаги марварид, бўёқлар, сир, заҳарга қарши ишлатиладиган дорилар, атири-упа тайёрлаш усулларини ўз ичига олган манбалардир.

VIII-асрдан XVII-аср ўрталаригача давом этган алкимё бир томондан фанни ривожлантирган бўлса, иккинчи томондан унинг тез қадамлар билан ўсишига тўсқинлик қилди.

Инглиз кимёгари Р. Бойл кимёни ўрганишда янгича ёндошиш ва фақат тажрибалар ёрдамида олинган маълумотларга ишонишга унади. Унинг фикрича, кимёнинг мақсади жисмлар тузилишини аниқлаш, шундан сўнг уни элементларга ажратиб, таҳлилга ўтишдан иборат бўлиши керак. Бундай илғор илмий фикрлар пайдо бўлишига қарамай кимёнинг ҳақиқий йўлга тушишига яна бир аср керак бўлди. Немис кимёгари Г.Э. Штал (1659-1734) нинг флогистон назариясига қарши ўлароқ, М. В. Ломоносов 1756 йилда ёниш, яъни оксидланиш - оксидловчи модданинг ҳаво билан бирикишидан иборат эканлигини миқдорий тажрибалар асосида кўрсатиб берди. Француз кимёгари А. Лавуазе эса 1772-77-йилларда турли моддалар устида тажрибалар ўтказиб, улар ёнганида кислород билан бирикишини кўрсатди ҳамда кимёвий

реакцияларда моддалар оғирлигининг сақланиш қонунини исботлади. Мазкур қонун тасдиқлангаң, кимё сифат-тавсиф илмидан миқдорий билимга айланди. Эндиликда массанинг сақланиш қонуни деб аталувчи мазкур қонун муҳим аҳамият касб этади. Бир қанча газлар кашф қилиниши натижасида пневматик кимёга асос солинди. Флогистон назарияси тамомила рад этилди, кислородли ёниш назарияси ўз тасдифини топди. Натижада кўпгина назарий тасаввурлар ўзгарди, яъни кимёвий номенклатура ишлаб чиқилди. Мана шу даврда кимёнинг аналитик таҳлил йўли шаклланди.

XIX аср кимё фани тарихида назарий асосларни ишлаб чиқиш даври бўлди. Натижада атом - молекуляр таълимот майдонга келди. Инглиз олими Жон Дальтон 1803-йили модданинг атом тузилиши ҳақидаги тасаввурларга суюнган ҳолда тажрибалар ўтказди. Элементларнинг муайян бир миқдорда реакцияга киришуви уларнинг айрим заррачалардан, яъни бошқача айтганда атомлардан ташкил топганлигидан деб билди. Каррали нисбатлар қонуни деб аталмиш фикри асосида кимёвий элементларнинг бир-бири билан маълум оғирлик нисбатларида бирикишини кўрсатиб, атом оғирликларига алоҳида аҳамият берди. Нисбий атом оғирлик тушунчасини фанга киритиб, энг енгил элемент сифатида водород атоми оғирлигини бирга teng деб қабул қилди ва уни бирлик сифатида таклиф этди. Дальтон элементнинг атом оғирлиги сифатида мазкур элемент атом оғирлигининг водород атомига бўлган нисбатини олди. Италиялик олим А. Авогадро атом ва молекула тушунчасининг бир-биридан фарқ қилишини аниқлаб берди. У модданинг кичик заррачаси молекула, элементларнинг энг кичик заррачаси эса атом деб таърифлади. Лекин унинг бу фикри фақат орадан анча вақт ўтгач, тан олинди. Гей-Люссакнинг ҳажмий нисбатлар қонуни эътироф этилгач, Авогадронинг бир хил температура ва босимда олинган ихтиёрий газларнинг teng хажмларидаги молекулалар сони teng бўлиши ҳақидаги қонуни (гипотезаси) амалиётга киритилди. Француз физиги Ж. Б. Перрен (1870-1942) тажрибалари асосида ҳисоблаб топилган  $6,022 \cdot 10^{23}$  сони Авогадро сони деб аталди.

1852 йилда инглиз кимёгари Э. Франкленд фанга валентлик тушунчасини киритди. А. М. Бутлеров томонидан 1861 йил эълон қилинган тузилиш назарияси кимёнинг ривожида муҳим босқич бўлди. Мазкур назария асосида органик моддаларнинг молекулалардаги атомлар валентликларига мувофиқ бир-бири билан бирикиши, моддаларнинг хоссалари кимёвий тузилиши (таркиби)га боғлиқлиги, атомлар бир-бири билан қандай кетмакетликда бирикканлигини аниқлаш, кимёвий тузилиш формуласи бирикма хоссасини ифодалаши, молекуладаги ўзаро бириккан ва бирикмаган атомларнинг бир-бирига бўлган таъсирининг борлиги ётади. Назария янги моддалар синтез қилишни, уларнинг хоссаларини олдиндан айтиб беришни ва назарий жиҳатдан муҳим бўлган изомерия ҳодисасини илмий нуқтаи назардан исботлаб берди.

XIX асрда фандаги тарихий кашфиётлардан бири 1869 йил Д. И. Менделеев томонидан очилган кимёвий элементлар даврий қонуни ва системаси бўлди. Менделеев элементларни илмий асосда синфларга ажратди, улар орасидаги ички боғланиш қонуниятларини топди, ҳали номаълум бўлган элементлар мавжудлигини олдиндан башорат қилди. Уч номаълум элементнинг хоссаларини олдиндан айтиб бериб, уларга "екабор", "экаалюминий" ва "екасилиций" деган шартли номлар берди. Орадан 15 йил ўтар-ўтмас унинг башорати амалда тасдиқланди. Бу элементлар франциялик Лекок де Буабодран, швециялик Нилсон ва германиялик Винклерлар томонидан кашф этилди. Экаалюминийга Франциянинг эски номи Галлиядан олиниб "галлий" номи, экаборга "скандий" (Скандинавия номидан) ва экасилицийга "германий" деган номлар берилди. Менделеевнинг маълумотлари бошқа олимлар маълумотларига жуда яқинлиги билан илмий тасдиғини топди. Унинг яна 11 элементнинг тез орада очилишини назарда тутиб бўш катаклар қўйганлиги қонун ва унинг график ифодаси бўлган даврий системанинг катта илмий ғалабаси бўлди. Системада даврлар ва гурухлар шундай жойлаштирилди, бунда валентлик, атом массалари, атом радиусларининг ўзгариши ва хоссалари ўз ифодасини топди. Натижада илгари тасдиқланмаган кимёвий элементлар

системаларидаги хатолик ва камчиликларга барҳам берилди, атом массаларига тузатишлар киритилди, нодир элементлар ва асл газлар хоссалари тўғри талқин қилинди. Даврий қонун нафақат кимё учун, балки бошқа табиий фанлар, фалсафадаги миқдорнинг сифатга ўтиш қонуниятларини акс эттирувчи табиатнинг фундаментал қонуни бўлиб қолди. Бунинг исботи сифатида даврий қонун ва система асосида кимё қонунлари ва табиатнинг юзлаб бошқа қонунлари, жумладан, радиоактив элементларнинг кашф қилиниши, инглиз физиги Э. Резерфорднинг атом тузилиши моделини таклиф қилиши, Дания физиги Н.Борнинг атомларда электрон қобиқлари ва қобиқчалари кетма-кет жойлашувини топиши, атом энергиясининг ниҳоятда улкан кучидан фойдаланиш кабиларни кўрсатиш мумкин. Айни вақтда кимё фани Менделеев даврий қонуни ва системаси асосида ўқитилади.

XIX аср нинг 70-йилларидан бошлаб органик кимё тез ривожлана бошлади. Углеводородлар, спиртлар, алдегидлар, кетонлар, карбон кислоталари, галогенлар, нитробирикмаларнинг муҳим ҳосилалари олинди, хоссалари ўрганилди ва буларнинг маълум қисми саноат миқёсида ишлаб чиқарила бошлади. 80-йилларда тўйинмаган углеводородлар асосидаги синтезларга асос солинди, пурин моддалари, қандлар, табиий пигмент ва оқсиллар ўрганила бошланди. Натижада стереокимё тасаввурлари ривожланди. Бу даврда электрокимёвий (М. Фарадей) ва термокимёвий жараёнлар (Г. И. Гесс, М. Бертло), электролитик диссоциация (С. Аррениус), кимёвий реакциялар тезлиги (Я. Вант-Гофф) ўрганилди. Бунинг натижасида кимёвий термодинамика фанига асос солинди.

XIX аср охири ва XX аср бошлари физикада атом тузилишининг ўрганилиши, радиоактивлик ҳодисасининг очилиши, электроннинг амалиётдаги аҳамияти ўрганилиши ва квант кимёсини чукур назарий ютуқларидан фойдаланиш кимё фанининг оламшумул ютуқларидан бўлди. Масалан, табиий ҳодиса - Адриатика дентизининг фосфоресценсияланишини 1835-йилда ёқ француз физиги А. Беккерел сезганлиги маълум. Аммо орадан 60- йилдан ортиқроқ вақт ўтиб унинг набираси Анри Беккерел 1896 -йилнинг 1-мартида

уран ҳоссалари, бир оз кейинроқ эса ураннинг ўзи ҳам шундай хоссага эгалигини аниқлади. 1895-йили В. Рентген томонидан кашф этилган нурлар ҳам шундай хоссаларга эга эканлигини Беккерел кўрсатиб ўтган эди. Л.Складовская-Кюри бу нурларни радиоактив нурлар, нурланиш ҳодисасини эса радиоактивлик ҳодисаси деб атади. У бу ҳодисани шахсан ўзи торий элементида учратди. У.П. Кюри билан биргаликда уран минералларидан 2 та янги радиоактив элемент - полоний ва радийни ажратиб олишга муваффақ бўлди. Янги элементларнинг бири М. Складовская-Кюрининг ватани бўлмиш Польшанинг эски номи шарафига полоний деб номланади. Шундай кейин актиноидлар қатори тузилди. Радиоактив элементларнинг ярим емирилиш даври, яъни ҳар бир радиоактив модданинг ярмиси парчаланиши учун кетган вақтни белгиладилар. Э. Резерфорд, инглиз олим Ф. Содди, кейинроқ Ирен ва Жолио-Кюрилар радиоактивликни чуқур ўрганишди, Кюрилар сунъий радиоактивлик ҳодисасини тадқиқ қилишди. Ядро реакциялари ёрдамида даврий системадаги барча кимёвий элементларнинг сунъий радиоактив изотопларини олиш мумкинлиги ишлар кўламини физика билан бир қаторда кимёга ҳам олиб кирди. Натижада кимёнинг занжир реакциялари мукаммал ўрганилди ва амалий аҳамият касб этди. Хозиргача радиоактив изотоплардан 1500 дан ортиғи олинган. Сунъий радиоизотопларни ўрганиш айланишларнинг янги хилларини топишга имкон берди. Радиоактив моддаларнинг хоссаларини ўрганадиган, уларни ажратиб олиш, йигиш ва тозалаш усусларини ишлаб чиқадиган фан радиокимё номини олди.

Кимёнинг тез суръатлар билан ривожланиши натижасида электрон ва у ҳақидаги тушунчалар аниқланиб, квант кимёси ҳамда сунъий синтез қилинган трансуран элементлар кимёси шаклланди. Оқсиллар кимёсида мисли кўрилмаган янгиликлар очилди. Миллион атмосфера босимда олиб бориладиган кимёвий жараёнлар ўрганилди, сунъий олмос олишнинг назарий йўллари кўрсатилди, хилма-хил полимерлар синтез қилинди.

## **1.2. Классик кимё соҳаларининг тараққиёт тенденциялари.**

VIII аср охири ва XIX аср ўрталарида ғарб мамлакатларида ривож топа бошлаган кимё Россия орқали Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Тошкентда 1869-йил кимё лабораторияси ташкил этилди. Кейин шу ерда кўмирни газлаштирувчи мослама кўриб ишга туширилади, лабораториядаги хоналар газлаштирилади. Лаборатория ходимлари томонидан маҳаллий ва олиб келинувчи портловчи моддалар таркиби текширилади. Кўён хонлиги ва Бухоро амирлигига зарб қилинган тангалар ўрганилди. Турли ўсимликлардан ализарин бўёғини ажратиб олиш, чигитни тозалаш, толани пресслаш, сув ва тупроқни анализ қилиш, ўлкада саноатни ривожлантиришга зарур бўлган тоғ жинсларини тадқиқ қилиш, сабзавот экинлари таркибидаги шакар миқдорини аниқлаш, шиша учун керакли гилтупроқ ва қумтупроқ таркиби ҳамда сифатини аниқлаш, узумни бижгитиб спирт тайёрлаш, анор пўстлоғидан ошловчи моддалар тайёрлаш, цемент эритмалари ва тошқол олиш, дон ва дуккакли ўсимликлардаги крахмални аниқлаш, қамиш, ғўзапоя ва дарахтларнинг ўтинларидағи ёнилги бирликларини ҳисоблаш каби ишлари олиб борилди. 1913-йил январгача ишлаб турган мазкур лаборатория бажарган ишлари асосида Ўзбекистонда бир неча саноат тармоқларини ташкил қилиш мумкин деган хulosага келинади, лекин бу ишларга амалий ёндошилмайди.

1918-йил Тошкентда Туркистон университетининг ташкил этилиши ва унинг таркибида кимё факультетининг очилиши Ўзбекистонда кимё фанининг ривожида янги босқич бўлди.

Кимё ва унинг саноатига ёндош бўлган қурилиш, озиқ-овқат, нефт, сув ва бошқа тармоқлар ривожланиши бу ишларга ижобий таъсир кўрсатди. Маҳаллий аҳоли орасидан А. Шамсиев, З. Сайдносирова, М. Хакимов, М. Ниёзов, М. Азизов каби дастлабки кимёгарлар етишиб чиқди. Улар ёш кадрларни тайёрлашга катта қисса қўшдилар.

1920-йил Туркистон Республикаси Марказий халқ хўжалиги кенгашида саноат билан боғланган кимё бўлими ташкил қилиниб, унда лаборатория очилади. Лаборатория Республика халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун

зарур бўлган илмий муаммолар билан шуғуллана бошлайди. 1921- йил эса илмий-текшириш институтлари Кенгаши ташкил этилиб, унга проф. С.Н. Наумов раис қилиб тайинланади. Доривор препаратлар тайёрлаб, аналитик таҳлиллар олиб борилади. Ишлар натижаси Хилково (ҳозирги Бекобод) цемент заводи ва Ашхобод шиша заводининг ишга туширилишида қўл келади. Тез орада университетда техник кимё кафедраси очилади. Бу ерда Н. Л. Караваев, М. С. Элгорт, Д. А. Алексеев, Е. И. Познерлар томонидан анорганик ва физик кимё бўйича илмий-текшириш ишлари олиб борилади. В. А. Новиков билан Б. Г. Запромётвлар илмий ишлар қаторида маҳаллий кадрлар тайёрлаш билан ҳам шуғулланадилар. 1927- йил Ўзбекистон саноат-иқтисод илмий-текшириш институти (кейинроқ Ўзбекистон маҳаллий саноат илмий-текшириш институти) ташкил қилинади. Институт лабораторияларида керамика, боғловчи материаллар, целлюлоза-қофоз ва ёқилғи секторлари очилади.

30-йилларда фаннинг ривожига С. Н. Наумов, М. И. Усанович, А. П. Ростовский, С. М. Муқимов, И. С. Кансеполскийлар катта ҳисса қўшдилар. 1933-йил университетнинг кимё факультети қошида кимё тадқиқот институти ташкил қилинади. Институт лабораторияларида дикетоэфирлар кимёси, газ реакциялари кимёси, электр кимёси, аралашмайдиган суюқликлар кимёси, табиий ва синтетик коллоид системалар, алкиллаш реакциялари, кислота-ишқор назарияси, соз тупроқ асосида керамик материаллар ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси, чигитдан ёғ олиш каби муҳим илмий-текшириш ишларини ривожлантиришда тадқиқотчилар саноат билан ҳамкорликда ишладилар.

30- йилларда университетнинг кимё факультетида С. Юнусов, О. Содиқов, К. Ахмедов, Ш. Толипов, Қ. Усмонов, А. Султонов, Қ. Рустамов, Й. Тошпўлатов, А. Абдурасулова, Ф. Тожиев, А. Муртазоев, Қ. Раҳимов каби истеъоддли ёшлар етишиб чиқди. 2-жаҳон уруши йилларида шароит оғир бўлишига қарамай фан ривожига аҳамият берилди, тадқиқотлар камроқ бўлсада давом эттирилди. 40-йиллар бошида Иттифоқ ФА нинг Ўзбекистон филиали ташкил қилиниб, унинг таркиби А. С. Шамсиев раҳбарлик қилаётган кимё институти ҳам киритилди. С. Муқимов, Ф. Хўжаев ва фронтдан қайтган С.

Юнусов, К. Ахмедов, Ш. Толипов, А. Султонов, Қ. Рустамов, И. С. Кансепольский ва бошқа олиб борилаётган илмий-текшириш ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар Ўзбекистон ФАНИНГ илмий-текшириш институтлари таркиб топиши ва ривожида ҳам иштирок этишди. Уруш даврида Чирчиқ электр кимё комбинатининг бош мухандиси лавозимида ишлаган М. Набиев кимё саноатининг ривожига катта ҳисса қўшди, кейинроқ у минерал ўғитлар кимёси йўналишининг бош мутахассиси сифатида кўп йиллар фаолият кўрсатди. Халқ хўжалигининг энг асосий тармоғи бўлган пахтачилик ривожлантирилди, ўғитлар ва микроэлементларнинг янги хиллари топилди.

Умумий ва анорганик кимёда тузлар кимёси, гидролизи ва эрувчанлиги соҳасидаги муаммолар ҳал қилиниб, ерга солинадиган ўғитлар ҳамда уларнинг кимёси чуқур ўрганилди. Экинга солинадиган микроэлементлар кимёси М. Азизов томонидан ривожлантирилди, уларнинг анчагина комплекс бирикмалари синтез қилинди, булардан дори-дармон тайёрлашда фойдаланиш ҳам ўрганилди. Профессор Қ. Раҳимов нодир ва рангли металларнинг комплекс бирикмалари кимёси устида иш олиб борди. Полиметалли хом ашёлар кимёси ривожлантирилди, оғир металларнинг гетероциклик бирикмалари, уларнинг комплексонлари аниқланди. Сув-туз системаси чуқур таҳлил қилинди, экстраксия жараёнлари яхшиланди. Комплекс бирикмалар ва комплексонлар кимёси чуқур ўрганилди ҳамда халқ хўжалигининг турли жабҳаларидан кенг ўрин олди.

Академик Н. Парпиевнинг нодир ва ўткинчи металлар комплекс бирикмалари хоссаларини ўрганиш, янгиларини синтез қилиш ва амалиётда қўллаш бўйича ишлари диққатга сазовордир. Кремний, германий, титан, цирконий, гафний, молибден ва ванадий фторидларнинг водород фторид кислотаси билан таъсири ўрганилди. Юқори молекулали фторли комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари топилди, анион алмашишининг механизми таҳлил қилинди. Қатор комплексларнинг ИК-спектрлари, термографияси, электр ўтказувчанлиги, рентген-фазавий таҳлили амалга оширилди. Вольфрам ажратиб олиш иши йўлга қўйилди. Янги комплекс

бирикмалардан қишлоқ хўжалигида, тиббиёт ва фармацевтиканда фойдаланиш бўйича амалий ишлар қилинди.

Аналитик кимёдаги дастлабки ишлар академик Ш. Толипов раҳбарлигига олиб борилди. У шогирдлари билан бирга фторли бирикмалар кимёсини чуқур ўрганди, натижада қатор элементларни аниқлашнинг оғирлик, ҳажмий ва амперометрик усувлари ишлаб чиқилди. Бу ишлар "бўйсунмаган элемент" бўлган фторнинг саноат миқёсида ишлаб чиқарилишини йўлга қўйишида муҳим омиллардан бўлди. Анорганик моддаларнинг люминесцент таҳлили бўйича Р. Жиянбоева олиб борган ишлар ўз вақтида бутилфосфорнинг зарарли хоссаларини аниқлашда рол ўйнади.

Кимё фанининг шон-шуҳратини жаҳон миқёсига олиб чиқишида академик С. Юнусовнинг алкалоидлар кимёсини ривожлантиришга оид ишлари муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. 4000 дан ортиқ ўсимлик алкалоидлари тадқиқ қилиниб, улардан 600 дан зиёд муҳим алкалоидлар ажратиб олинди, уларнинг таркибий қисмлари, тузилиши ва хоссалари чуқур ўрганилди. 50 дан ортиғи тиббиётга жорий этилди, олинган оқсиллар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати учун таклиф этилди. Вилт касаллигига қарши қўлланиладиган препаратлар кашф қилинди. Профессор Ф. Кўчқоров ва унинг шогирдлари томонидан ацетилен кимёси ривожлантирилди. Академик И. П. Сукерваниқ, А. Абдурасурова ва бошқалар алкиллаш реакцияларини ўрганиб, фан ривожига ҳисса кўшдилар. Декарбониллаш бўйича Ё. Алиев тадқиқотлари у раҳбарлик қилган кимё институтида карбоксиллаш реакцияларини ўрганишда қўл келди. Органик катализ нефтни қайта ишлаш институти (ҳозирги А. Султонов номидаги Катализ институти)да ривож топди. Институтда кўпгина янги катализаторлар кашф қилинди, ароматик углеводородлар кимёси, қишлоқ хўжалиги ва ипакчиликнинг ривожланиши учун амалий ишлар олиб борилди.

Академик О. Содиков томонидан биоорганик кимё фанига асос солинди. Олим ташкил этган Биоорганик кимё институтида (1973 йил) ўсимликларнинг иккиласми метаболити, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги учун зарур препаратларни олиш усувлари, ҳайвонлар ва ўсимликлардаги оқсил табиатли заҳарларнинг

таъсир механизми ўрганилди. Илон, чаён ва бошқа заҳарининг сунъий аналоглари олинди, тақрибий қисмлари ҳамда хоссалари тадқиқ қилинди. Н-оксидлар, анабазин, дипиридил, пахикарпин, морфин, ситазин ва бошқа кимёси чуқур ўрганилди. Стереокимё, конформацион анализ, табиий бирикмаларнинг электрон тузилиши ва реакцияга бўлган хусусиятлари тадқиқ қилинди. Госсипол кимёси ўрганилди, ғўзапоядан турли маҳсулотлар олиш кимёси ва технологияси ишлаб чиқилди, вилтга қарши ишлатиладиган препаратлар кашф қилинди. Академик А. Абдувахобов синтез қилган феромонлар пахтачилик ривожига муҳим ҳисса қўшди. Академик Ш. Солиҳов раҳбарлигидаги олиб борилаётган институтлар, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва биокимё эҳтиёжларини қондиришга қаратилди.

Физик кимё 20-йиллар охирларида Д. Алексеевнинг портлаш жараёнлари кинетикасини ўрганиш билан бошланди. Кейинроқ Н. А. Колсовский. М. И. Усанович ва В. В. Удовенколарнинг термодинамика ҳамда физик-кимёвий таҳлил масалаларини бажариш билан давом эттирилди. Полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини текшириш (Қ. Усмонов), кимёвий реакциялар кинетикасини ўрганиш (Қ. Рустамов), электр кимёвий жараёнларни тадқиқ қилиш (А. Муртазоев) устидаги ишлар кенгайтирилди. Олимлар суюқ эритмаларнинг электр ўтказувчанлигини ўлчаш, рангли ва нодир элементлар ҳамда улар қотишмаларини электр кимёвий усулда чўқтириб ажратиш, электр капилляр ходисалари ўлчамини билиш билан шуғулландилар. Кислота-асос катализаторлари иштирокида ўтадиган қатор реакцияларнинг кинетик қонуниятлари ва механизми ўрганилди, ионитлардан фойдаланиш ишлари олиб борилди. Кўп атомли спиртлардан эритувчи сифатида фойдаланган ҳолда кўпгина реакциялар кинетикаси ва механизми ривожлантирилди.

Физик кимё билан чамбармас боғлиқ бўлган коллоид кимё устидаги тадқиқотлар Б. Г. Запромётов (30-йиллар), уруш давридан бошлаб эса академик К. Аҳмедов бошчилигидаги олиб борилди. Ўша даврларда гилтупроқ, табиий минерал бўёқлар, лойқа сувлар ва бошқа дисперс системалар; гидролизлар,

коллоид чўқмалар ҳисобланган коагулянтлар, коагел, ксерогеллар ўрганилди. 50-йиллардан бошлаб эса полимерлар физик кимёси ва термокимёсига оид табиий газлар ҳамда газ конденсатларидан сирт-фаол моддалар олиш, сувда эрувчан юқори молекулали бирикмалар синтез қилиш, уларнинг хоссаларини ўрганиш ишлари амалга оширилди. Лиофоб гидрозоллар, лиофилл полимерларнинг коллоид хоссаларини ўрганиш, уларнинг тузилишини бошқариш ва зарур хусусиятларни сингдириш, табиий минерал сорбентлардан амалиётда фойдаланишга доир анчагина ишлар диққатга сазовордир. К. Аҳмедов ўз шогирдлари (Э. Орипов ва бошқалар) билан ҳамкорликда "К-4", "К-9", "ПАА-1" каби препаратларни кашф қилиб саноатга тадбиқ этди. Эндиликда бундай препаратлардан бурғилашда, қишлоқ хўжалигида, йўл қурилиши ва чўллардаги учувчан қумларни муҳим ҳолатга ўтказиш ишларида фойдаланилади. Мана шундай ишлар натижаси ўлароқ чўл зоналарида экинзорлар барпо қилиш, шаҳар ва қишлоқлар қуриш иши осонлашди, сирт-фаол моддалардан фойдаланиш турли саноат корхоналари фаолиятини жадаллаштиришга, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга олиб келди.

Юқори молекула(полимер)ли бирикмалар кимёси урушдан кейинги йилларда ривожланди. 1946 йилдан бошлаб пахта целлюлозаси ва унинг турли эфирлари устида илмий изланишлар олиб борилди. Янги мономерлар синтез қилиш, уларни полимерлаш, тола чўзиш каби ишлар йўлга қўйилди.

Қ. Усмонов бошчилигига винил мономерлари  $\gamma$ -нурлари таъсирида қатор полимерларга пайвандланди, уларнинг хоссалари тадқиқ қилинди, олинган бирикмаларда физиологик фаоллик борлиги аниқланди. Бу ишларнинг натижалари олинган полимерлардан тиббиётда фойдаланишга йўл очди. Винилфторид ва бошқа фторид мономерларини полимерлаб олинган янги хоссаларга эга бўлган юқори молекулали бирикмалар синтез қилинди. Олинган сунъий толалардан корд, полиноз толалар, фортизанлар, сунъий ипак, ёнмайдиган, чиримайдиган, осон бўяладиган ҳамда электр токини яхши ўтказадиган полимерлар олинди. Итакон кислотаси, унинг қатор ҳосиллари, ионитлар, полиэлектролитлар ва бошқа моддалар академик М. Асқаров

томонидан ўрганилди. Полимерларнинг стабиллашув жараёнлари чуқур тадқиқ қилинди, сополимерлар синтезининг янги усуллари, ионланувчи полимерлар ва сополимерлар хусусиятлари тадқиқотлари ниҳоясига етказилди. Натижада қатор стабилизаторлар, тўлдиргичлар, қотирувчи моддалар ва плёнкалар саноатга тадбиқ этилди. Олинган плёнкалардан фойдаланиш ипак қурти боқишида катта самара берди.

Пахта ва ёғоч целлюлозаси кимёси академик Т. Миркомилов томонидан ривожлантирилди. Целлюлозани модификациялаб, олинган маҳсулотларнинг нурга чидамлилигини ошириш, ўтга чидамли қилиш, эзилиб ғижимланмайдиган бўлишини таъминлаш, механик жиҳатдан пишиқ, чиримайдиган, киришмайдиган ва бошқа ижобий хоссаларни ўзида мужассамлаштирган маҳсулотлар олиш устида тадқиқотлар олиб борилди.

Республикамида композицион материаллар кимёси академик С. Неъматов раҳбарлигига ривожлантирилди. Янги хоссаларга эга бўлган қоплама материаллар, сирлар, кремний органик суюқликлар керамик материаллар ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Бу материаллардан йўл қурилишларида, автомобиль, қишлоқ хўжалиги машиналари, турли бетон плиталари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилади.

Силикатлар кимёси ва технологияси соҳасида И. С. Кансепольский томонидан табиий қуйган тупроқ (глиеж)ларни цементга қўшимча сифатида қўллаш, цемент коррозицияси ва ўнга қарши кураш чораларини излашга доир тадқиқотлар олиб борилди. Фосфогипснинг калций алюминатлари билан реакциялари ўрганилди, маҳаллий хом ашёлар асосида сулфоалюминатбелитли цемент олинди, кам энергия сарфлаб цемент олиш технологияси ишлаб чиқилди (Т. А. Отакўзиев). Ишқорий-ер металлари силикатлари ва алюмосиликатлари ҳамда уларнинг галлий ва германийли аналогларининг юқори температураларда ўзаро бирикиши, турли шароитларда бир-бирида эриш қонуниятлари илмий жиҳатдан асослаб берилди. Саноат чиқиндилари ва иккиламчи хом ашёлардан фойдаланиб, халқ хўжалиги учун зарур шиша ва керамик буюмлар тайёрлаш технологиялари ишлаб чиқилди ва амалиётга

тадбиқ этилди (Н. А. Сирожиддинов, А. П. Эркахўжаева). С.С. Қосимова ва унинг шогирдлари томонидан янги таркибли, рангли, бўёқ ҳамда маҳсус оптик шишалар олинди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Академик С. Раширова ва унинг шогирдлари томонидан эркин радикалларни ютиб, стабиллаш хусусиятига эга бўлган функционал гурухчаларни ўз ичига олган мономерларнинг полимерланиш реакциялари ўрганилди. Чигитнинг униб чиқишини бошқарадиган ишда қўл келадиган полимер қопламалар кашф қилиниб, қишлоқ хўжалигига татбиқ этилди.

Кимё технологиясининг жараён ва ускуналари фани академик З. Салимова ва унинг шогирдлари томонидан ўрганилди. Чигитни қуритиш, ундан ёғ олишни интенсификациялаш, экстраксия, газлар адсорбцияси ва бошқа муҳим жараёнларни тадқиқ қилишда янги маълумотлар олинди. Бу маълумотлар асосида бир қанча корхоналар (Янгийўл, Учқўргон ёғ заводи) ишлари яхшиланди.

Республикамиизда кимё фанининг ривожланишида Ўзбекистон ФА таркибида ҳамда турли вазирликлар тармоқ институтлари сифатида фаолият кўрсатиб келаётган илмий-текшириш ва лойиҳа институтлари хизмати ҳам салмоқлидир. Кимё институти (ҳозирги Умумий ва ноорганик кимё институти), Ўсимлик моддалари кимёси институти, Полимерлар физикаси ва кимёси институти, Катализ институти, ЎзМУ, ТошТУ, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва бошқа олий ўқув юртлари кимё лабораторияларида олиб борилаётган илмий-текшириш ишлари мамлакатимизда кимё фанини юқори поғоналарга қўтаришда муҳим омиллардан бўлди.

Жаҳон кимёгар олимлари қаторида Ўзбекистонлик кимёгар олимлар ҳам кимё фани ва саноатининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистонда Фанлар Академиясининг Умумий ва анорганик кимё институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Биоорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳамда бир қатор илмий-тадқиқот лабораторияларида, олий ўқув юртларининг кимё факультетлари ва

кафедраларида кимё соҳасининг турли йўналишлари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ақмедов К.С., Парпиев Н.А., Солиқов Ш.Л, Юсупбеков Н.Р., Асқаров М.А., Неъматов С.Н., Абдуваҳобов А.А., Салимов З.С., Рашидова С.Ш., Обидова М.О., Миркомилов Т.М., Беглов Б.М., Искандаров С.И., Рустамов Х.Р., Тошпўлатов Й.Т., Толипов Ш.Т., Асланов Қ.А., Абдурасурова Р.А.., Махсумов А.Г., Шоҳидоятов Х.М., Тиллаев К.С., Мусаев У.Н., Юсупов Д.Й., Сирлибоев Т.С., Йўлчибоев А.А., Муфтахов А.Г., Аҳмеров Қ.А., Ҳакимов Г.Қ. ва бошқа таниқли кимёгар олимларининг олиб борган ва бугунги кунда амалга ошираётган илмий тадқиқотларининг натижалари Ўзбекистонда кимё фани ва саноатининг ривожланишида ва жаҳонга танилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

### **Назорат саволлари:**

1. Академик С. Юнусовнинг кимё соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини биласизми?
2. Ўзбекистонда кимё фани ва саноатининг ривожланишига қайси олимлар ўз ҳиссасини қўшган?
3. Замонавий кимё фанининг муҳим хусусиятларини айтинг.
4. Бугунги кимё фани қандай бўлимларга ажralди?
5. Кимё фани замонавий долзарб муаммоларни ҳал этиш учун қайси фанлар билан хамкорлик этмоқда (интеграцияланиш)?
6. Кимёвий тоза моддаларнинг олиниши бугунги кунда қандай амалга оширилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Raymond CHANG ,Williams College, GENERAL CHEMISTRY 2008. 26p.
2. General Chemistry, Wikibooks.org, March 13, 2013, P.2-3
3. Darrell Ebbing, Steven D. Gammon, General Chemistry 11th Edition, USA, 2016

4. A.K. Haghi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA,  
2011.

5. Н.А.Парпиев, А.Муфтахов, Х.Р.Рахимов Анорганик кимё назарий  
асослари, -Т. 2003

## **2-Мавзу: Координацион кимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари.**

### **Режа:**

1. Координацион ва молекуляр комплекс бирикмалар
2. Координацион бирикмалар назарияси ва кимёвий боғ тушунчаларининг ривожланиши

3. Координацион кимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари

**Таянч иборалар:** Комплекс бирикмалар. Аденд, Координацион сон.

Координацион бирикмалар назарияси. А. Вернер назарияси. Ички ва ташқи сфералар. Кимёвий тузилиш. Транс-таъсир қонуни. Лиганд. Марказий атом. Комплекс бирикмалар заряди.

### **2.1. Координацион ва молекуляр комплекс бирикмалар.**

Комплекс бирикмалар кимёси асосий тушунчаларни бир ёки бир неча мураккаб ионлар бўлган молекулалар ўз ичига олади. Бу бирикмаларни одатда ўтиш металлари, яъни бир марказий металл атомини бир кичик сон ёки ионлар ўраб туради. Комплекс бирикмалар геометрик, чизиқли, тетраэдрик, квадрат, планар ва саккиз қиррали бўлади.

Комплекс бирикмалар тузилишини электростатик кучлар жиҳатидан мураккаб ион металл атоми билан лигандлар томон ёндашув бир сабаб булиши билан тушунтирилади, марказий атомнинг табиатига боғлиқ бўлади.


Кристалл майдон назарияси оркали комплекс бирикмаларнинг тузилиши ва кўплаб мураккаб ионлар магнит хусусиятлари тушунтирилади.

Комплекс бирикмалар аралашмалари моддалар, ҳайвонлар ва ўсимликларда кўп муҳим рол ўйнайди. Улар, шунингдек, дори сифатида даволашда хам ишлатилади<sup>3</sup>.


Комплекс (координацион) бирикмалар табиатда кенг тарқалган бўлиб, қишлоқ хўжалигида, саноатда ва тиббиётда кўп қўлланилади. Масалан,

<sup>3</sup> Raymond CHANG ,Williams College, GENERAL CHEMISTRY, 2008, 684-бет

хлорофил-магнийни, гемоглобин эса темирни протеинлар халқаси билан ҳосил қилған комплекслардир.




Гемоглобин оқсил модда – глобин ва простетик группа – гемдан иборатдир. Гем эса протопорфирин билан координацион боғ воситасида боғланган Fe(II) ионини тутган комплекс бирикмадир. Гемоглабин молекуласи таркибига 4 та гем киради.



Табиатдаги энг муҳим моддалардан бири хлорофилл бўлиб, у гемоглабиндан марказий атом магний эканлиги билан ҳамда CH группаларидаи водород атомини алмаштирган радикаллари билан фарқ қиласи. Хлорофилл ўсимлик организмида фотосинтез жараёнини амалга оширишда жуда муҳим моддадир. Унинг таъсир этиш механизми устида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Аксарият ҳолларда фармакологик фаол комплекслар асосида олинган дориларда лиганд (комплекс ҳосил қилувчи марказий ионга боғланган молекула ёки ионлар) ва металл иони заҳарли хусусиятларини камайиши кузатилади. Масалан, ўта заҳарли гексацианоферрат  $[Fe(CN_6)]^{4-}$  ионида заҳарли хусусиятини йўқотади.

Координацион ва молекуляр комплекс бирикмаларни фарқлай билиш лозим. Таркибидаги металл иони бўлмаган нейтрал молекулаларни ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган мураккаб бирикмалар молекуляр комплекслар деб аталади. Йодни крахмалнинг гидрохинон билан ҳосил қилган комплекслари молекуляр комплексга мисол бўлади. Координацион комплекслар металл иони ва унинг атрофида координацион боғланган лигандлардан таркиб топган бўлади. Донор акцептор боғланишга асосланган координацион назариянинг асосчиси Швециялик олим Алфред Вернер 1919-йил Нобель мукофотига сазовор бўлган эди.




Лигандни марказий ион атрофида эгаллайдиган координацион ўринлар сони лиганднинг дентатлиги дейилади. Мисол:  $[Ag(NH_3)_2]^+$  -иккита монодентатлик лиганд;  $[Fe(C_2O_4)_3]^{3-}$  - учта бидентат лиганд.

Академик Гринберг таърифига мувофиқ – қаттиқ ва эриган ҳолда ҳам таркиби ўзгармас ва мураккаб бирикмалар комплекслар деб аталади. Адабиётларда турли хил бошқа таърифлар ҳам учрайди.

Узок вақт олиб борилган тадқиқотлар натижасида XIX асрнинг охириларида келиб, барча кимёвий бирикмалар икки туркумга бўлинди: буларнинг бири атомли (ёки содда) бирикмалар ва иккинчиси молекуляр (ёки мураккаб) бирикмалар номини олди. Кейинроқ биринчи хил бирикмалар биринчи тартибдаги бирикмалар иккинчиси эса юқори тартибдаги бирикмалар деб аталади.  $CuCl_2$ ,  $BF_3$ ,  $NH_3$ ,  $FeCl_3$  каби биринчи тартибдаги бирикмалар қаторига киритилди; уларнинг ҳосил бўлиши валентлик қоидасига бўйсунади. Юқори тартибдаги бирикмалар бирор содда бирикманинг бошқа содда бирикма билан ўзаро бирикиши натижасида ҳосил бўлади. Масалан, мис хлорид

эритмасига аммиак таъсир эттирганда бу икки содда бирикмадан молекуляр бирикма ҳосил бўлади:




Вақт ўтиши билан юқори тартибдаги бирикмаларнинг сони кўпайиб борди. Кейинчалик, юқори тартибли бирикмаларнинг нисбатан барқарори комплекс (координацион) бирикмалар деб аталди. Тасссэр 1798 йилда биринчи бўлиб комплекс бирикма ( $\text{CoCl}_2 \cdot 6\text{NH}_3$ ) ни ҳосил қилди. Комплекс бирикмаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, комплекс ҳосил бўлиш ҳодисаси айrim элементлардагина учрамасдан, балки Д.И. Менделеев даврий системасининг кўпчилик элементларига хос бўлган ҳодисадир.

Координацион бирикма шундай бирикмаки, унинг молекуласи ёки иони марказий ион ёки атомга эга бўлиб, буни бир неча ион ёхуд молекулалар, яъни лигандлар куршаб туради.

А.Вернер (1866-1919)нинг координацион назарияси (1893 й таклиф қилинган)га мувофиқ, комплекс бирикмалар молекуласида марказий ўринни одатда, марказий ион ёки комплекс ҳосил қилувчи деб аталадиган мусбат ионлар эгаллайди. У билан яқинида турган адендлар ёки лигандлар деб аталувчи манфий ионлар ёки нейтрал молекулалар координатланган, яони боғланган бўлади. Комплекс ҳосил қилувчи ионлар лигандлар билан биргалиқда комплекс бирикмаларнинг ички координацион сферасини ташкил қиласди.

Вернернинг координацион назариясидаги асосий ва қўшимча валентликлар табиатини аниқлашда Л.Полинг ҳамда Н.Сиджвикнинг айтган фикрлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиш мумкин. Н. Сиджвик комплекс бирикмалардаги марказий атом билан лигандлар орасида донор-акцептор ўзаро таъсир боғланишни ҳосил қиласди деган фикрга келади. Комплекс бирикмалардаги кимёвий боғланишни квант-механик талқин қилиш ҳам комплексларнинг донор-акцептор механизм бўйича ҳосил бўлиши ва валент боғланишлар методи асосида уларнинг тузилиши ва хоссаларини яхши тасвиirlайди. Масалан, хром (III) гексааквахлорид  $[\text{Cr}(\text{H}_2\text{O})_6]\text{Cl}_3$  комплекс

бирикмасининг ҳосил бўлишини кўрсак: комплекс бирикма кристаллари октаэдр шаклга эга. Комплекс бирикма ҳосил бўлишида  $\text{Cr}^{+3}$  ионида  $d^2sp^3$  гибридланиш содир бўлади.  $\text{Cr}^{+3}$  иони сув молекуласи билан таъсирлашиб,  $[\text{Cr}(\text{H}_2\text{O})_6]^{+3}$  ионини ҳосил қиласди. Сув молекуласи таркибидаги кислород атомининг тақсимланмаган электрон жуфтлари билан 6 та бўш гибридланган  $d^2sp^3$  орбиталлар орасида донор-акцептор ўзаро таъсир натижасида координацион боғланиш вужудга келади. Натижада октаэдр шаклидаги гексаквахром(III)  $[\text{Cr}(\text{H}_2\text{O})_6]^{+3}$  комплекс ион ҳосил бўлади. Октаэдр марказида  $\text{Cr}^{+3}$  иони тугунларида эса сув молекулалари жойлашади.



Ушбу комплекс ион ҳосил бўлишида марказий ионнинг гибридланиш жараёни, гибридланган орбиталларга лигандларнинг келиб боғланиши харакатлари, комплекснинг кристалл панжараси тузилиши анимация қилинса, бу бирикма ҳақида кўпроқ эслаб қолинади. Шунингдек, комплекс бирикмаларда кимёвий боғланиш табиати яъни, Вернернинг комплекс бирикмаларнинг тузилиши, Косселнинг электростатик тортилиш кучлари, Сиджвикнинг донор-акцептор механизми бўйича комплекс ҳосил бўлиш назариялари ва Полингнинг валент боғланиш методлари ҳам тушунтирилади.

Кўпчилик комплекс бирикмаларда ички сферадан ташқари, манфий ёки мусбат ионлардан иборат бўлган ташқи координацион сфера ҳам бўлади. Ташқи сфера ионлари комплекс ҳосил қилувчи билан ионоген боғланган бўлади, яъни комплекс бирикмалар сувда эриганда улар эркин ион ҳолида ажралади. Аксинча, комплекс ҳосил қилувчи ион билан игандларнинг боғланиши ионогенли кўрининшда бўлмайди, лигандлар марказий ион билан мустаҳкамроқ боғланган бўлиб, у билан деярли диссоциланмайдиган комплекс ион ҳосил қиласди. Комплекс бирикмалар орасида эритмаларини сув билан суюлтирилганда осон парчаланадиганлари билан бир қаторда, жуда мустаҳкам

комплекс ионлар ҳам бўлиб, уларни парчалаш учун махсус методлар қўллаш лозим бўлади.

Комплекснинг ички ва ташки сфераларида жойлашган ионлар орасида ионли боғланиш мавжуд. Комплекс ион ичидаги боғланиш, марказий ионнинг лигандлар билан бирикиши координацион ёки бошқача айтганда донор-акцептор боғланиш ҳисобига содир бўлади. Лиганд таркибидаги битта атомнинг боғланишлар ҳосил бўлишида иштирок этмаган электрон жуфти ҳисобига ҳосил бўладиган боғланиш донор- акцептор боғланиш дейилади.

Комплекс ионларни ҳосил қилиш ва уларни бузиш методларини билиш аналитик учун жуда муҳимдир. Бу комплекс ҳосил бўлишга шароит яратиш ёки уни ҳосил бўлишига йўл қўймаслик учун зарурдир; анализни бажариш жараёнида комплекс ҳосил бўлган бўлса, уни бузиш талаб қилинганда қандай қилиб парчаланишини билиш муҳимдир. Комплекс ионни бузиш учун, марказий ионнинг комплекс ҳосил қилиш қобилиятини ё минимумга олиб келинади, ёки қучсизлантириш керак, ёки бўлмаса комплекс ионнинг диссоциланишини кучайтириш лозим. Комплекс иони бўлган эритмага қандайдир реагент қўшилганда реакция маҳсулотлари сифатида қийин эрувчи ёки кам диссоциланувчи бирикмалар ҳосил бўлса, комплекс ион бузилиши мумкин.


Комплекслар – бу марказий атом (комплекс ҳосил қилувчи) ва лигандлар деб номланувчи ионлардан (ёки нейтрал молекулалардан) таркиб топган кимёвий бирикмалардир.

Комплекснинг барқарорлиги марказий ион билан лигандлар орасидаги кимёвий боғланиш табиатига, зарядига, радиусларига, айниқса, марказий ион заряди билан радиуси орасидаги нисбат ( $z/r$ ) га, эритувчи табиатига, температура, айни элементнинг Д.И.Менделеев системасидаги ўрнига ва бошқа омилларга боғлиқ. Бош гурухча элементларига нисбатан қўшимча гурухча элементлари барқарор бирикмалар ҳосил қиласди. Бунинг сабаби ионлар радиуслари яқин бўлган ҳолда ҳам, қўшимча гурухча

элементларининг ташқи валент қобиғидаги электронлари ядро зарядининг таъсиридан заиф ниқобланганлигидир.

Масалан,  $\text{Na}^+$  ва  $\text{Cu}^+$  ион радиуслари бир-бирига яқин ( $R_{\text{Na}^+} = 0,095$  в ва  $R_{\text{Cu}^+} = 0,093$  нм) бўлса, уларнинг ионланиш потенциаллари  $\text{Na}^+$  учун 495,8 кЖ. мол<sup>-1</sup> ва  $\text{Cu}^+$  учун 744, 8 кЖ . мол<sup>-1</sup> бўлиши,  $\text{Cu}^+$  ионининг электронга мойиллигини анча юқори эканлигини кўрсатади. Шу сабабли  $\text{Cu}^+$  лиганд электрон булутларини  $\text{Na}^+$  га нисбатан кучлироқ тортади ва боғ мустаҳкамлиги ортади.

Ионланиш потенциалининг радиусга нисбатини ионланиш заряд зичлиги деб аталади ва бу қиймат электростатик тортиши энергиясига деярлик тўғри пропорционал бўлади.  $\text{Mn}^{2+}$ ,  $\text{Fe}^{2+}$ ,  $\text{Co}^{2+}$ ,  $\text{Ni}^{2+}$ ,  $\text{Cu}^{2+}$  ва  $\text{Zn}^{2+}$  ионларнинг бир хил лиганд билан ҳосил қилган координацион бирикмаларнинг мустаҳкамлиги қўйидагича ўзгаради.



Комплекс ҳосил бўлиш реакцияларининг мувозанатини тавсифлашда эритмадаги ионлар доим сольватланган ҳолда бўлишини эътиборга олиш керак.

Комплекс бирикмалар табиатда кўп тарқалган. Масалан, ўсимликларнинг яшил қисмида бўладиган ва фотосинтезни амалга оширадиган модда-хлорофилл магнийнинг координацион бирикмасидир, тирик ҳужайраларни кислород билан таъминлаб турувчи модда-қон гемоглобини темирнинг координацион бирикмасидир. Жуда кўп минераллар, алюмосиликатлар координацион бирикмадан иборат.

### Комплекс бирикмаларнинг синфи

I. Комплекс ион заридига кўра: Катион  $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]^{2+}$ ; Нейтрал  $[\text{Pb}(\text{NH}_3)_2\text{Cl}_2]$ ; Анион  $[\text{Co}(\text{NCS})_6]^{3-}$ ;

II. Лиғанд турига кўра: Ацидокомплекслар  $[\text{HgJ}_4]^{2-}$ ,  $[\text{Fe}(\text{CN})_6]^{3-}$

Гидроксокомплекслар  $[\text{Zn}(\text{H}_2\text{O})_6]^{2+}$  пушти,  $[\text{Co}(\text{H}_2\text{O})_4]^{2+}$  кўк.

Амин комплекслар  $[\text{Ni}(\text{NH}_3)_6]^{2+}$  оч кўк,  $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]^{2+}$  ёрқин кўк.



III. Лиғанднинг металлга боғловчи (координацияловчи) атомларига кўра: О-лигандлик  $[\text{Fe}(\text{C}_2\text{O}_4)_3]^{3-}$ ; N-лигандлик  $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]^{2+}$

IV. Комплекс ҳосил қилувчи марказий металл ионлари сонига кўра:

Моно ядролик  $[Fe(NCS)_6]^{3-}$ ; Би ядролик  $Al_2Cl_6$


### Комплекс бирикма эритмаларидағи мувозанат

Комплексларнинг барқарорлик ва қарорсизлик доимийси. Бир неча босқичда борадиган комплекс ҳосил бўлиш мувозанатини кўриб чиқамиз.




Умумий ҳолда:  $M+nL=ML_n \quad F=1 \quad c=a$  бўлса,  $\beta=[ML_n][M]\cdot[L]^n$

**Таъриф:** мувозанатда ҳосил бўлган комплекс моляр концентрациясини марказий металл иони ва лиганднинг тегишли даражадаги концентрациялари кўпайтмасига нисбати барқарорлик доимийси дейилади.



Барқарорли доимийси катта бўлган комплекс турғун ва мустаҳкам бўлади. Мис ва кадмийнинг тетра аминлик комплексларининг барқарорлиги:



доимийсларини солиштириб барқарор комплексларни кўришимиз мумкин.

Қарорсизлик доимийси  $K_q$ . Комплекс ионнинг диссоциясини тавсифловчи катталик қарорсизлик доимийси (яъни барқарорлик доимийсига тескари қиймати) дейилади.



$$K_q[Ag(NH_3)_2]=7,2\cdot10^{-8} pK_q=7,21$$

$$K_q[Cu(NH_3)_4]=2\cdot10^{-13} pK=12,7; \quad K_q=[Cd(NH_3)_4]=10^{-7} pK=7$$

Қарорсизлик доимийси энг катта бўлган комплекс бошқаларига нисбатан бекарор, яъни қарорсиз ҳисобланади.

## **Лиганднинг фаол улуши. Комплекс ҳосил бўлишига таъсир этувчи омиллар**

Марказий ионга координацияланувчи протонларга лиганд анионмиқдорини унинг умумий концентрациясига нисбати лиганднинг фаол улуши дейилади ва (а) ҳарфи билан белгиланади.<sup>4</sup>

Лиганднинг фаол улуши унинг диссоциация доимийсига ва муҳитнинг pH қийматига боғлиқ. Лиғанднинг фаол улуши  $a = [L]/C_L$ ;  $[L] = C_L \alpha$  орқали ифодаланган барқарорлик доимийсидир.  $\beta^1 = [ML_n]/[M] \cdot [C_L]^{n \cdot \alpha}$

**Хелат комплекслар.** Бидентат лиганд марказий ионга омбир каби туташиб таркибидан металл ионига боғланган халқа ҳосил қилган омбурсимон комплекслар хелат бирикмалар дейилади. Мисол: Магний оксихинолин.

Хелат комплекс ҳосил бўлиш жараёнида марказий металл ионии бидентат лиганд ҳосил қилган халқага боғланиши – металлни бидентат лиганд билан **хелатланиши (халқаланиши)** деб аталади.

Хелат комплекс бирикмалари монодентат лигансли комплексларга нисбатан ғоятда барқарор бўлишини биринчи бор рус олимни М.А.Чугаев кўрсатиб берган. Хелатланиш натижасида комплекс барқарорлигини кескин ортиши хелацамарси дейилади.

### **Комплекс бирикмаларни ҳосил бўлишини тушунтирувчи назариялар:**

Комплекс бирикмаларнинг ҳосил бўлишини (аниқроги, комплекс бирикмаларда M-боғининг ҳосил бўлишини) тушунтирувчи қўйидаги уч назария мавжуд. **Валент боғланишлар усули, кристалл майдон назарияси ва молекуляр орбиталлар усули.** Бу назариялар комплекс бирикмаларда M---L боғларининг ҳосил бўлиши уларнинг тузилиши спектрал ва бошқа физик-кимёвий хоссаларини тушуниб олишда асосий ўринни эгаллади.

<sup>4</sup> Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006, P. 695

## **2.2. Координацион бирикмалар назарияси ва кимёвий боғ тушунчаларининг ривожланиши.**

Координацион бирикмалар кимёси жуда тез ривожланаётган фан соҳаларидан биридир. Бу фан анорганик кимё фанининг ривожланиши натижасида вужудга келди, у замонавий органик, таҳлилий, биологик ва физик кимё фанлари билан узвий боғланган. Бу фаннинг ютуқлари кимё технологиясида, биологияда, тиббиётда ва саноатнинг хилма-хил тармоқларида кенг қўлланилмокда. Комплекс бирикмалар ва координацион бирикмалар қўп холларда синоним каби ишлатилади, аммо умумий ҳолда комплекс бирикмалар тушунчаси координацион бирикмалар тушунчасидан кенгроқ маънони англатади.

1893 йили анорганик кимё журналининг З сонида швецариялик олим А. Вернер(1866-1919 йй.) "Анорганик моддаларнинг тузилиши ҳақида" номли мақоласини эълон килди. Бу мақолада у комплекс бирикмалар ҳақида оригинал ғоялар ва бутунлай янги тушунчаларни эълон қилди. Бу даврга келиб координацион бирикмалар назарияси яратилишининг асосий манбаи ва туртки бўлган фан ютуқлари қуидагилар хисобланади:

1. Органик кимёдаги стереокимёвий тушунчаларнинг аниқланиши;
2. С.Аррениуснинг электролитик диссоциланиш назарияси кимёда тасдиқланди;
3. Мойиллик ва унинг ўлчами ҳақидаги таълимот ривожланди.
4. Co, Pt, Cr, Ir, Cu, Ni, Fe ва бошқа металларнинг комплекс бирикмалари кимёси ҳақида жуда катта маълумотлар уларнинг таркиби ва тузилиши орасидаги боғлиқлик ҳақида тушунча берди.

А. Вернернинг фикрича, комплекс бирикмалар икки сферадан таркиб топган: Олим ҳалигача фанда маълум бўлмаган координацион сон ҳақида тушунча киритди. А. Вернер таъкидлайдики, оддий бирикмалар учун валентлик қандай катта маънога эга бўлса, комплекс бирикмалар учун координацион сон хам худди шундай аҳамият касб этади. Унинг яна бир муҳим кашфиёти-комплекс бирикмаларнинг фазовий тузилиши ҳақидаги ғоясидир. Ўз

назариясини асослаш учун Вернер кимёвий ва физикавий тадқиқот усулларини бирга олиб боришни қўллади. А. Миолати билан бирга комплекс бирикмаларнинг электр ўтказувчанлигини ўлчаш усули билан унинг ташқи сферасидаги ионлар сонини аниқлаш мумкинлигини исботладилар:

1. Комплекс бирикмаларнинг ички сфераси - ноэлектролит яъни электр токини ўтказмайди.

2. Комплекс бирикмалар эритмаларининг электр ўтказувчанлиги уларнинг ионларга диссоциланиши билан белгиланади.

Олимларнинг аниқлашича, Pt(IV) ва Co(III) ионларининг аммиакли комплекслари бир хил электр ўтказувчанликка эга экан, яъни улар изо-структур бўлиб, октаэдрик тузилишига эга. Шунга кўра улар комплекс бирикмалар учун электр ўтказувчанлик диаграммасини туздилар.

А. Вернернинг тарихий хизматлари шундаки, у Я. Вант-Гофф ва А. Леблонинг органик бирикмаларнинг тузилиши хақидаги назариясини координацион кимёда қўллаб, комплекс бирикмаларнинг фазовий тузилишини ўрганувчи - стереокимёни яратди. Шу назарияга кўра комплекс бирикмаларнинг изомериясини тушунтириди. Бу ишларнинг барчаси Бломстранд-Иергенсенларнинг занжирли назариясини чипакка чиқарди. Унинг ютуқлари бутун олимлар томонидан тан олиниб, 1913 йили Нобель мукофоти лауреати бўлди. 1922 йили П. Шеррер биринчи бўлиб  $K_2[PtCl_6]$  ва  $[Ni(NO_3)_6]Cl_2$  комплекс бирикмаларининг кристалл структураси расмини олиб, А. Вернернинг стереокимёвий назарияси тўғрилигини тасдиқлади.<sup>5</sup>

Россияда А. Вернернинг назариясини қабул қилиб, ривожлантирган олим Л.А. Чугаев (1873-1922 йй.) хисобланади. У 1906 йили "Комплекс бирикмалар соҳасидаги тадқиқотлар" номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Л.А. Чугаев яратган комплекс бирикмалар мактаби иккига бўлиниб, Ленинградда А.А. Гринберг, Москвада И.И. Черняев ўз йўналишларини ривожлантиридилар. А.А. Гринберг (1898-1966 йй.) асосан комплекс бирикмалар соҳасида ишлаган. Pt(II), Pt(IV) ионлари комплексларининг стереокимёсини

<sup>5</sup> P.L.Soni, Vandna Soni, Coordination Chemistry, United Kingdom. 2012. P.144

ўрганиб, уларда оксидланиш потенциали механизмини исботлади. 1926 йили И.И. Черняев (1893-1966 йй.) билан хамкорликда транс-таъсир қонуниятини яратиша ҳисса қўшган. И.И. Черняевнинг фикрича, комплекс бирикмаларнинг ички сферасидаги лиганд ўзига нисбатан транс-ўринбосарга таъсир этади.

### **2.3. Координацион кимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари.**

Ўзбекистонда комплекс бирикмалар кимёси илмий изланиш ишлари 1930 йилларда ТошДУнинг анорганик кимё кафедрасида бошланди. Дастреб бу соҳада Познер Э.И., Асомов К.А., Файзиев М.К., кейинчалик Шамсиев А.Ш., Рахимов Х.Р., Муфтахов А.Г., Нигай К.Г., Тимохина Н.И. каби олимлар самарали ишлаб, ўзбек кимёгар олимларининг ўзига хос йўналишини яратиша ҳиссаларини қўшдилар. 1943 йилда Ўзбекистонда Фанлар академияси ташкил этилди, унинг қошидаги Кимё институти (ҳозирги умумий ва анорганик кимё институти)да бу ишлар ривожланди (акад. Н.А. Парпиев мактаби). ТошФарМИда проф. М.А. Азизов раҳбарлигидаги илмий йўналиш шакллантирилди, булар координацион бирикмалар кимёсининг комплекс ривожланишига муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Азизов М.А. камқонлик касаллигига қарши "коамид", "феррамид" препаратларини яратди ва ҳозиргача улар дори-дармон сифатида ишлатилмоқда. Акад. Н.А. Парпиев Олмалиқдаги ўтга чидамли ва юқори ҳароратда суюқланадиган металлар комбинатида волфрам, ванадий, рений каби элементларни соғ ҳолда ажратишнинг саноат усулини жорий қилди.

Ўзбекистон Миллий университети ректори Г.Муҳамедов, Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази директори С.Раширова ва бошқалар илм-фан тараққиётини ривожлантириш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш максадида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишини ташкил этишини алоҳида таъкидлади. Бу борада яратилган кенг қўламли имкониятлар туфайли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар изчил ривожланмоқда,

яратилаётган янги технологияларни амалга татбиқ этиш орқали салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008-йил 15-июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рагобатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мамлакатимизда илм-фаннынг барча соҳалари қатори полимерлар кимёси ва физикаси йўналиши ҳам изчил ривожланмоқда. Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот марказида ўн иккита фундаментал, амалий ва инновация, йигирмага яқин хўжалик шартномалари асосида илмий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Олимлар ва мутахассислар қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, тиббиёт ва жамиятимизнинг барча тармоқларида қўлланиладиган замонавий полимер маҳсулотлар яратиш устида изланмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган УЗХИТАН препарати яратилди. Ушбу воситани аграр соҳада қўллаш натижасида ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини юксалтириш ва валотани тежашга эришилмоқда.

Фан ютуқлари тиббиёт соҳасида ҳам самарали ихтиrolарни яратиш имконини бераётир. Ана шундай муҳим ишланмалардан бири «СелАгрип» препарати шифобахш хусусиятлари жиҳатидан хориждаги аналогларидан асло қолишимайди. Ҳозирги кунда пойтахтимиздаги «Радикс» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган ва амалда кенг фойдаланилаётган ушбу препарат грипп касаллигининг олдини олиш ва даволашда самарали воситадир. Ушбу препаратдан ҳорижий мамлакатларда “Кагоцил” савдо белгиси остида фойдаланилаётир.

Конструкцион полимерлар асосида янги материаллар яратиш, қайта ишлаш усулларини такомиллаштириш ҳам илмий изланишларнинг муҳим йўналишларидандир. Бу борадаги тадқиқотлар нанотехнологияларни қўллаш учун маҳсус композицион полимер материаллар олиш имконини яратади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014-йил 8-июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда республика академик илм-фани ва олий таълим мининг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори бу борадаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда дастуриламал бўлаётир. Мазкур қарорга мувофиқ Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият юритмоқда ва етук олим ҳамда мутахассислар илмий-тадқиқот ишлари билан бир қаторда таълим жараёнида ҳам фаол иштирок этаётир.

Марказда таълим ва илм-фан ҳамкорлиги билан бир қаторда йигирмага яқин ишлаб чиқариш корхонаси билан алоқалар йўлга қўйилган. Халқаро илмий-амалий анжуман доирасида ёш олимларнинг илмий лойиҳалари тақдимоти ва олимлар ҳамда саноат корхоналари вакиллари иштироқида фан, таълим, амалиёт интеграциясига оид давра сұхбати ташкил этилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Координацион бирикмаларни синфларга ажратишида нима асос килиб олинган?
2. Координацион бирикмалар назарияси қачон ва ким томонидан яратилди?
3. Замонавий кимёвий боғ тушунчаларини изохланг.
4. А. Вернернинг координацион бирикмалар тузилиши назарияси қайси кимёвий қонуниятлар ютуқларининг негизида вужудга келди?
5. Электролитик диссоциланиш назарияси координацион бирикмалар кимёсида нимани тушунтиради?
6. Стереокимё асослари нимани ўргатади?
7. Комплекс бирикмаларнинг биринчи ва иккинчи сфераси деганда Вернер нимага ишора қилган эди?
8. Россиялик олимлар орасида А. Вернернинг назариясини ким биринчи қабул қилди?

9. Ватанимиздаги кимё сохасида ишлаган олимлардан қайси бирларининг ютуқларини айтиб бера оласиз?

10. Ўзбекистонда координацион бирикмалар кимёси фанига ким асос солди?

11. Кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш қандай муаммоларни келтириб чиқарди?

12. Вернер-Миолати қатори нимани тушунтиради?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Raymond CHANG ,Williams College, GENERAL CHEMISTRY, 2008, 684-695 бет

2. Paul T. Anastas, Julie B. Zimmerman. Innovations in Green Chemistry and Green Engineering. Hardcover, Springer. Germany, 2013.

3. A.K. Haghi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011.

**З-мавзу: Биоорганик кимёning тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновациялар.**

**Режа:**

- 1.Биоорганик бирикмалар кимёси
- 2.Биоорганик кимёning тараққиёт йўналишлари бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар
3. Биоорганик кимёда инновациялар

**Таянч иборалар:** ғўза целлюлозаси, ёғ кислоталари ва аминокислоталар, юқори молекуляр спиртлар ва углеводородлар, углеводлар, витаминалар, кўплаб полифенол бирикмалар флавоноидлар, антоцианлар, лейкоантоцианлар, танинлар, госсипол, ферментлар, токсинлар.

**3.1. Биоорганик бирикмалар кимёси.**

Биоорганик кимё фани ўтган асрнинг 60-70-йилларида ташкил топиб ривожлана бошлаган. Табиий биологик фаол бирикмаларнинг тузилиши ва функциясини ўрганиш, тирик организмлар фаолиятининг биокимёвий, биофизикавий ва молекуляр-генетик механизмларини ўрганиш, биологик фаол бирикмаларнинг таъсир механизмларини ҳужайра ва молекуляр даражаларда ўрганиш ва улар таъсир қиласиган самарали нишонларни аниқлаш, дори препаратлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг биохавфсизлигини диагностика қилиш ва уни баҳолаш учун тест-системалар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқиш ва биотехнология методлари ёрдамида кўрсаткичлари яхшиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратиш бутун дунё олимларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

1973 йилда Тошкент давлат университети “Табиий бирикмалар кимёси” лабораторияси, кафедраси ва ғўза целлюлозаси кимёси, технологияси Илмий-тадқиқот институтининг ғўза кимёси лабораторияси базасида бўлим ташкил этилган бўлиб, у 1977 йили ЎзР ФА Биоорганик кимё институтига айлантирилган.

Институт асосчиси ва унинг биринчи директори атоқли олим, академик Обид Содиқович Содиқовдир. Институт фаолиятининг дастлабки йилларидан

бошлаб ҳайвон оқсиллари ва пептидларини структуравий-функционал ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Биринчи марта ўрта Осиёда яшайдиган ҳайвонлар - *Latrodectus tredecimguttatus* va *Segestria florentina* қорақурт ўргимчаклари, *Vespa* va *Vespa germanica* арилари, hamda *Bufo viridis* яшил қурбақаси заҳарлари компонентларининг структураси ва функцияси ўрганилган.

Ғўза таркибидаги моддаларни комплекс кимёвий ўрганиш ўта самарали эканлиги аниқланган ва Ўзбекистоннинг ушбу асосий техник экинини қимматли моддаларга бой эканлиги кўрсатиб берилган. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида 100 дан ортиқ индивидуал бирикмалар, шулар қаторида органик, ёғ кислоталари ва аминокислоталар, юқори молекуляр спиртлар ва углеводородлар, углеводлар, витаминалар, кўплаб полифенол бирикмалар (флавоноидлар, антоцианлар, лейкоантоцианлар, танинлар, госсипол ва бошқалар) ажратиб олинган ва ўрганилган. Госсипол асосида 200 дан ортиқ ҳосиллари синтезланган бўлиб, уларни структуравий-функционал таҳлил қилиш натижасида уларнинг баъзилари ўсмаларга қарши, иммуномодулловчи, вирусларга қарши, интерферон ишлаб чиқарувчи ва бошқа фаолликларга эга эканликлари кўрсатиб берилган ва улар асосида оригинал маҳаллий доривор препаратлар яратилган.

Академик О.С.Содиқов ташаббуси билан институтда ғўзанинг асосий зааркунандаларининг феромонларини синтез қилиш бўйича ишлар бошланган. Ҳозирги вақтда институт Республикаиз пахтачилигини ҳосилни 15-20% га сақлаш имконини берадиган ғўза зааркунандасига қарши феромонли тутгичлар комплекти билан таъминлаб келмоқда.

Тадқиқотлар натижасида институт фаолиятининг марказий йўналишларидан бири хисобланган ўсимлик ва ҳайвонлардан ажратилган оксил-пептид биорегуляторларининг тузилиши ва таъсир механизми аниқланган, биринчи марта биорегуляторларнинг (дефолиант ва этиленнинг ғўза билан) ўзаро таъсир этиш механизmlари очиб берилган, бу эса ғўзанинг

дефолиация сабаблари ва бу жараёнларда биорегуляторларнинг ролини аниқлаш имконини берди.

Институт тематикасидаги асосий ўринни техник экинлар – ғўза, ёронгул, totim сумаха, анор, эйфорбиялардан биологик фаол моддаларни ажратиш бўйича олиб бориладиган фундаментал тадқиқотлар эгаллайди. Ушбу ўсимликлардан 120 дан ортиқ бирикмалар ажратиб олинган бўлиб, улар асосида вирус, ўсмага қарши, антигипоксик, қон тўхтатувчи, иммуномодулловчи ва бошқа таъсирларга эга самарали дори воситалари яратилмоқда.

Институт жамоасининг муҳим вазифаси биоорганик кимёning устувор соҳаларидаги илмий йўналишларига мувофиқ мос ҳолда фундаментал тадқиқотларни бажариш, мазкур тадқиқотлар асосида илмий-техника тараққиётининг принципиал янги имкониятларини аниқлаш ва мустақил Республикализнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшадиган натижаларга эришишдир.

О.С.Содиқов номидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Биоорганик кимё институти

ЎзР ФА академик О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти 1977 йили ташкил топган, 2012 йили унинг таркибига Биокимё институти ва Физиология ва биофизика институтининг илмий потенциали қўшилган. Институт бугунги кунда Биоорганик кимё соҳаси бўйича фаолият юритиб келаётган Ўрта Осиёда ягона илмий марказ ҳисобланади.

### **Илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари:**

- табиий биологик фаол бирикмаларнинг тузилиши ва функциясини ўрганиш;
- норма ва турли патологияларда тирик организмлар фаолиятининг биокимёвий, биофизиковий ва молекуляр-генетик механизmlарини ўрганиш;
- биологик фаол бирикмаларнинг таъсир механизмларини хужайра ва молекуляр даражаларда ўрганиш ва улар таъсир қиладиган самарали нишонларни аниқлаш;

- дори препаратлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг биохавфсизлигини диагностика қилиш ва уни баҳолаш учун тест-системалар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқиш ва биотехнология методлари ёрдамида кўрсаткичлари яхшиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратиш;
- маҳаллий ўсимлик ва ҳайвон хомашёлари асосида оригинал доривор воситаларни яратиш;
- ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экологик хавфсиз ҳимоя воситаларини яратиш;
- ўсимлик ва ҳайвон хомашёсидан иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлашнинг илмий ҳажмдор технологияларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш.

### **Институт фаолиятининг асосий йўналиши**

- тирик организмлар фаолиятининг молекуляр асослари, ўсимлик ва ҳайвон организмларидағи биологик фаол моддаларнинг ишлаш механизmlарини ўрганиш, ушбу асосда соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоқлари учун юқори самарали технологиялар ва препаратларни яратиш.

### **Фундаментал тадқиқотларнинг муҳим натижалари:**

- *Malvaceae* ўсимлиги ва анъанавий озуқа ўсимликларининг уруғидан ажратиб олинган биоцид пептидларнинг физикавий-кимёвий характеристикаси, микроб ва инсектицидга қарши фаолликлари систематик ўрганилди. Пептидларнинг Н-охиридаги аминокислота кетма-кетликлари ва ғўзанинг вилтга чидамлилик даражаси билан фарқланадиган турли навлари ва линияларидаги биоцид пептидларнинг миқдори, уларнинг фунгицид фаоллиги ва замбуруғ касалликлари билан заарланиши ўртасидаги боғлиқлик ўрнатилди. Ғўзаларнинг барча навларида 2С албуминларга кирувчи молекуляр оғирлиги 10635 Да бўлган полипептид мавжудлиги аниқланди. Турли навли ғўзаларнинг патогенларга чидамлилиги ва 2С албуминлар миқдори ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Ғўзага патоген юққанидан кейин ундаги ҳимоя оқсиллари - 1,3-а-глюканаза ва хитиназалар биосинтезининг тезлиги ва унинг

чиdamлилиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Ўзанинг янги навлари ва линияларининг вилтга чидамлилигини баҳолаш учун хитиназа ва 1,3-β-глюканаза миқдорини иммунофермент таҳлил қилиш йўли билан тест-система ишлаб чиқилди. Ўзанинг очиқ уруғли линиясидан целлюлоза синтезланишини сусайтирадиган оқсил ажратиб олинди. Ушбу оқсилининг целлюлоза биосинтезига таъсири ўрганилди ва бунда целлюлоза ҳосил бўлиши сусайганлиги аниқланди. Ажратиб олинган оқсил целлюлоза ҳосил бўлишида иштирок этадиган асосий фермент – глюкансинтетазанинг фаоллигини 94%га пасайтиради ва у чигитларнинг тукланишига жавобгар ген-ингибитор маркери сифатида қизиқиш уйғотади.

Комплексларнинг липид матрикс билан ўзаро таъсиrlашганида парчаланиши ҳисобига гossипол ва унинг ҳосилаларининг молекулалари липид фазага ўтиши кўрсатиб берилди. Маълум бўлишича, гossиполнинг сувда эрувчан комплекслари ва унинг ҳосилалари сувда эрувчанлиги сабабли вирусларга қарши фаолликка эга бўлган доривор воситаларни яратиш учун энг самарали ҳисобланади. Госсиполнинг деярли барча қуий молекуляр моддалари билан бирга бирикма ҳосил қиладиган ноёб ва универсал клатратоген бирикма эканлиги аниқланди, универсал хўжайнинларнинг клатратларига полиморфизм ҳодисаси ҳос эканлиги аниқланди; - гомоген ва гетероген муҳитларда карбоксиметилцеллюлоза ва целлюлоза сулфатининг структураланиши ўрганилди. Бириктирилган маҳсулотнинг структураси ва физикавий-кимёвий хоссаларига таъсири, бириктирилаётган агентнинг функционал гурухларининг табиати, унинг катталиги ва макромолекуланинг конформацион ҳолати кўрсатиб берилди, параметрлари молекуляр бошқариладиган полисахаридлар сулфатининг синтези қонуниятлари аниқланди, уларнинг физикавий-кимёвий параметрлари тавсифланди ва биринчи марта уларнинг микробларга қарши фаол эканлиги аниқланди.

Мултирезистент бактериялар, вируслар (гепатит С, лейкемия, ОИТВ-1) гликопротеинлари ва протеогликанларнинг модел структуралари асосида, сульфатланган моносахаридлар ва полисахаридлар (галактоманнан, целлюлоза,

пектин, арабиногалактан) мисолида компьютерда моделлаш йўли билан комплекслар ишлаб чиқилди. Бу комплекслар патогенларни комплекс ҳосил қилиш йўли билан ингибирланишини кўрсатади; олинган натижалар тажрибаларда исботланган;

Биринчи марта ўсимлик хомашёсидан фитопатоген фаолликка эга бўлган 20 дан ортиқ гомоген пептидлар ажратиб олинди. Уларнинг молекуляр параметрлари ва аминокислота кетма-кетликлари, ҳамда фитопатоген фаолликлари аниқланди. Ажратиб олинган пептидлар ғўзанинг трансген навларини яратишида маркер сифатида қизиқиш уйғотади. Биринчи марта очиқ уругли ғўзадан тола ҳосил бўлишини сусайтирадиган оқсил ажратиб олинди ва тавсифланди, ғўза толасининг ҳосил бўлишининг молекуляр механизмларининг жиҳатларидан бири очиб берилди.

Маълум бўлишича, хлорофилл флуоресценциясининг спектрал-кинетик характеристикалари атроф-мухит шароитларига қараб сезиларли даражада ўзгариб туради. Тупроқ шўрланиши натижасида хлорофиллнинг лазер билан индусиранган флуоресценцияси спектрларининг турли участкаларидаги интенсивликлар ўртасидаги нисбатнинг бузилиши, сув танқислигига эса флуоресценциянинг сўниш вақтининг доимийлиги ортиши кўрсатиб берилди.

Биринчи марта термитларга қарши ишлатиладиган ўзига чақиравчи-инсектицид тузоқларга қўйиш учун табиий ва синтетик атTRACTантлар - ҳашаротларнинг метаморфозига таъсир қиласидиган моддалар олинди.

### **Биокимё бўлими:**

- тиреоид гормонлар ҳужайраларнинг генетик аппарати ва аденилацилаза - САМФ ни бошқарувчи регулятор система орқали таъсир кўрсатиши аниқланди. Қалқонсимон без гормонлари ўсма ҳужайраларининг дастурлаштирилган ўлимини индусиралиши исботланди. Маълум бўлишича, қалқонсимон безнинг гормони - тироксин саратон ҳужайраларининг дастурлаштирилган ўлимини стимуллайди ва ўсмаларни ўсишини сусайтиради;

- қандли диабет касаллигини ривожланиш механизmlари ва ушбу жараёнда липидлар алмашинувининг бузилиши қандай рол ўйнаши ўрганилди;

- организмнинг органлари ва тўқималарига дори препаратларини аниқ бирманзилга етказишнинг оригинал методи яратилди;
  - эндокрин безлардаги ўсмаларни ўсишини бостирилишига масъул бўлган генларнинг ДНК структурасидаги ўзгаришлар аниқланди;
  - турли илон ва бўғимоёклилардан тоза ҳолда турли ферментлар, токсинлар, ўсиш регуляторлари ва бошқа биологик фаол моддалар ажратиб олинди ва уларнинг таркиби, хоссалари ва таъсирининг молекуляр механизmlари ўрганилди;
  - кобра илони заҳари таркибидан ажратиб олинган учта нейротоксинларнинг бирламчи структуралари аниқланди;
  - Марказий Осиё илонлари заҳари компонентларининг тромбларни парчалаш ва қон ивишини меъёрида ушлаб тура олиш хоссаларига эга эканлиги аниқланди;
  - қалқонсимон без саратони патогенези ва уни даволашда нервларнинг ўсиш омилиниң роли ва терапевтик таъсирлари ўрганилди;
  - оқсилларнинг аминокислота кетма-кетлигини компьютерда таҳлил қилишнинг оригинал методологияси таклиф қилинди, бу усул оқсилларнинг мазкур гуруҳидагина учрайдиган ноёб аминокислота фрагментларини аниқлаш имконини беради.
  - ҳозирги вақтда ўтказилган тажрибалар натижасида ўзбек миллатига мансуб кишиларга хос бўлган 28 та ирсий касалликларга мойил бўлган 62 та ген учун 150 дан ортиқ генетик маркерлар аниқланди.
  - мультифактор касалликларнинг ривожланиш хавфи билан боғлиқ бўлган энг кўп полиморфизмларни шакллантириш билан инсон геномида тиббий жиҳатдан аҳамиятли бўлган мутациялар (нуклеотидли полиморфизмлар) бўйича кўп мақсадларга қаратилган маълумотлар базаси яратилмоқда.

### **Биофизика бўлими:**

- Турли ион каналлари ва рецепторларни специфик модификация қилувчи табиий ва сунъий биологик фаол бирикмалар ёрдамида асаб ва мушак

хужайраларининг потенциалга боғлиқ  $\text{Na}^+$ - $, \text{Ca}^{2+}$ ,  $\text{K}^+$ -каналлари, синаптик мембраналар  $\text{Ca}^{2+}$ - каналлари, НМДА типидаги ацетилхолин и глутамат рецепторларининг структуравий тузилиши ва фаолияти механизмлари ҳақида янги маълумотлар олинди;

- бўғимоёклилар заҳаридан қўзгалувчан мембраналарнинг кальций ва хлор каналларининг функционал фаолликларини ўзига хос равища модуллайдиган янги токсинглар аниқланди ва тавсифланди;

- хужайралар ҳажмини бошқаришда турли типдаги ион каналлари иштирок этиши кўрсатиб берилди. Маълум бўлишича, ушбу жараёнларда асосий ролни функционал фаоллигини кальцийга боғлиқ жараёнлар ва кальций, калий ва хлорни ташувчи каналлар модуллайдиган маҳсус сув каналлари ўйнайди. Хужайраларнинг коллоид-осмотик лизис - бактериал инфекциялар келтириб чиқарадиган патологиялардаги асосий жараёнга чидамлилигини таъминлашда натрий-калий-хлор котранспортининг роль ўйнаши кўрсатиб берилди;

- глицират кислотаси ҳосилаларини кальций ионларининг салбий таъсирини камайтириши ва липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнларини бостириши орқали митохондрияларга протектор таъсир кўрсатиши аниқланди. Маълум бўлишича, ушбу бирикмаларнинг аниқланган протектор таъсирлари митохондриянинг  $\text{Ca}^{2+}$ га боғлиқ мегаканалини ингибирлаши билан боғлиқдир ва улардан токсик гепатитда гепатотоксингларнинг митохондрияларнинг  $\text{Ca}^{2+}$ га боғлиқ мегаканалига таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик учун фойдаланиш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Биоорганик кимё институтининг асосчиси ким, унинг олиб борган ишлари қандай?
2. ЎзР ФА академик О.С.Содиков номидаги Биоорганик кимё институти қачон ташкил топган?
3. Бу институтнинг таркибига 2012 йили қайси институтлар кирган?

4. Биоорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишларига нималар киради?

5. Ҳозирги вақтда ўтказилган тажрибалар натижасида ўзбек миллатига мансуб кишиларга хос бўлган ирсий касалликларга мойил бўлган нечта ген, генетик маркерлар аниқланди?

6. Биринчи марта ўсимлик хомашёсидан фитопатоген фаолликка эга бўлган нечта гомоген пептидлар ажратиб олинди?

7. Госсипол асосида неча хил ҳосилалар синтез килинган?

8. Госсипол асосида олинган моддаларнинг баъзилари биологик фаолликка эга, улар қандай мақсадларда ишлатилади?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Darrell Ebbing, Steven D. Gammon, General Chemistry 11th Edition, USA, 2016

2. Robert A., Hoffman Organic chemistry New Mexico State University, 2004

**4-мавзу: Полимерлар кимёсининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари. Табиий ва синтетик йўл билан полимерлар синтези, қўлга киритилаётган ютуқлар, инновациялар ва амалий тадбиқи.**

**Режа:**

1. Полимерлар бирикмалар кимёси, тараққиёт йўналишлари ва инновациялари
2. Табиий ва синтетик йўл билан полимерлар синтези
3. Қўлга киритилаётган ютуқлар, инновациялар ва амалий тадбиқи.

**Таянч иборалар:** Полимер, мономер, макромолекула, пахта целлюлозаси, табиий ва синтетик полимерлар, полимерланиш ва поликонденсалтаниш реакциялари

**4.1. Полимерлар бирикмалар кимёси, тараққиёт йўналишлари ва инновациялари.**

**Тарихий тараққиёти**

Биз полимерлар кимёсидан олдин қисқача бир неча белгиларини батафсил кириб таърифлашимиз ўринли бўлади. Энди полимерлар сифатида биз билан бўлган вақт бошланадиган тарихий ривожланишни биламиз. Улар ҳаётнинг асосини (қурилиш блоклари) ҳосил қиласди.

Хайвонлар, ўсимликлар - барча синфлар тирик организмлар полимерлардан ташкил топган. XX асрнинг ўрталарига полимерларнинг ҳақиқий табиатини тушуниш у қадар яхши эмас эди. Бу тушунча инсоннинг бунёдкорлик ва якуний тўлов бўлган ҳақиқий техноген материаллар бўлган пластмассаларнинг ривожлантириши билан келган.

Биз кейинги мунозараларда кўрамизки, полимер материаллардан фойдаланиш ҳар бир ҳаётимизнинг йўғрилган қиласди. Бу ғайри табиий ҳолда унинг барча ҳашаматли ва фаровонлик билан бугунги дунёни полимер материалларсиз тасаввур қилиш қийин.

1868 йилда пластмасса саноатининг бошланиши целлюлоза синтези деб эътироф этилади. Олимлар рақобатлашиб яна бир ишлаб чиқариш усулини излаб топишди. Жохн Уэсли Хуят (ҳам УС ) пахтадан тайёрланган камфор

билин нитрат кислотани аралаштириб, перохин (табий полимер)ни олди, у целлULOид деб номланган нитрат целлюлоза эди. Яхши электр саноати учун материаллар изоляциялашни 1862 йил Александр Паркес қидириб, ёзувдаги кашф аслида борлиги самарали бўлди. Хуят биринчи бўлиб мустақил кашфиёт целлюлоза нитрат учун пластификатор целлULOид олган, кейинчалик бу кашфиёт учун патент олишга мувофиқ бўлган.

Биринчи табий полимер целлюлозадан сунъий нитрат целлюлоза олинган. Орадан 41 йил ўтиб, доктор Лео Хендриск Баэкланд (1909 йилда ) пластик фенол -формалдегид ишлаб чиқарди. (Феноликлеринин) қумлардан идишларни силлиқлаш, темир ғилдирак каби турли материаллар манбаи ҳисобланади. Бошқа полимерларга 1920 йилда целлюлоза асетатдан (тиш чўткали, тароқлар, вилкалар қўллари, кўзойнак рамкалар); карбамид - формалдегид (тугмалар, электр аксессуарлари); полимер (винил хлорид ) (тахта, сим ва кабел изоляция, душ парда); ва нейлон (тиш чўткаси жунлари, пайпок, жарроҳлик тикув) олишга эришилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин қуидаги йил ( 1950 ) пластмассани янгиларини ва уларни ривожлантириб ўсишида катта ютуқларга гувоҳ бўлди. Италиялик олим Гиулио Натта ва Германиялик профессор Карл Зиэглер "Тартиб" полимерларни молекуляр тузилишини ривожлантириш орқали стерео - муайян катализаторлар полимерини олди, бу учун кимёгарлар Нобел - совринли мукофот қобилиятини олиб келди. Натижада, тикувчи – полимерлардан ясалган муайян полимерлар назорат чораси сифатида энди мавжуд хусусиятларидан мақсадлар учун фойдаланиш мумкин.

1950 йил пластмасса икки оиласларга киравчи асетал ва поликарбонатлар ривожлантириб кўрилди. Термопласт деб номланувчи пластик билан бирга нейлон, фенокси, полиамид , поли (фенилен оксида) ва полисулфон гуруҳига тегишли полимерлар муҳандислик, металлар каби материаллар хусусиятлари юқори таъсир куч ва иссиқликка барқарорлиги, кўпроқ анъанавий рақобат билан тўғридан-тўғри уларни жойлаштириш йўллари корилди.

Сўнгги йилларда янги ва арzon мономерларнинг янги полимеризасён методларни жорий этиш, тикувчи полимердан ясалган полимер таркиби ва мавжудлиги яхшироқ тушуниш натижасида мулк муносабатлар тушунчаси чиндан ҳақиқатга айланди. Бугунги кунда деярли ҳар қандай сифат элементлари билан якуний маҳсулотга керакли турли хил полимерлар яратиш мумкин. Баъзи мавжуд полимерлар илгари инсонга маълум анъанавий материаллар ҳар қандай фарқли ўлароқ хусусиятлари билан ноёб материаллар ўхшайди, лекин катта иқтисодий қадриятлар билан баъзи жиддий вакил материаллари мавжуд ва баъзида фақат сифатни такомиллаштиришни таърифлаш мумкин.

Полимер материаллар қаттиқ пластик эластомерлар, ёки кичик толалар шаклида ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин. Улар қаттиқ ва юмшоқ қопламалар ёки ёпиштирувчи бўлиши мумкин. Уларни иссиқлик билан эритиш мумкин ёки иссиқлик билан белгиланган бўлиши мумкин.

Полимерларнинг имкониятлари деярли чексиздир ва уларнинг иловалари ажойиб. Мисол учун, астрономлар томонидан ишлатиладиган сўз астрофизиклар, метеоритлар эрозияси мухитини кириб олиб ташлаш учун одатда бузилиб баён қилинади. Бунда узоқ масофага ракета ва космик транспорт воситалари метеоритларни техноген мухитга қайта кирмасдан кўриб чиқишилари мумкин. Баъзи органик полимерлар пластик материаллар одатда термик бекарор бўлса-да, жуда юқори ҳароратларда содир бўлади. Бинобарин, танланган пластмасса воситаларини ҳимоя қилиш учун ракета мотор қисмларини ишлатилган ҳаво ишқаланиши ва чиқинди газлар иссиққа чидамлигиги пластмасса деб номланувчи тушунчага асосланган. Бундан ташқари, ҳатто унинг қисмлари "пластик совут" борлиги натижасида бир оз тўхтатиш мумкин. (Сиёсий нотинч мамлакатларда бу энг ҳукumat ва компания ходимлари учун мажбурий кийим бўлиши маълум.) Бундан ташқари, хизмат қилиш учун етарли даражада мослашувчан пластик филмлар қаттиқ, бардошли ва бошқа нарсаларни ўраш учун қўллаб-қувватлаш учун ишлатилади.

Олдинда йилларда, янги полимер бўйича эмас, фақат кимёвий ва физик модификация мавжуд бўлганлар полимерлар ўсишда, балки ривожланишига барча кўрсаткичлар ўсиши давом этади. Бундан ташқари, такомиллаштирилган арzon маҳсулотлар техникаси ривожланиб келади. Бугун материалларнинг турли чиқиндилар ишлаб чиқаришини кўриб экологик муаммолар туғдираётганини, қотиши мақсади ва пластмассани аралаштириш ҳозиргача бўлган нарсалардан фойдаланиш мумкинлиги янада қайта муаммоларга олиб келмоқда.<sup>6</sup>

Полимерлар кимёси- полимер моддалар, уларнинг тузилиши, хоссалари ва кимёвий ўзгаришлари ҳақидаги кимё фанининг жуда муҳим ва катта бўлимиdir. Ҳар қандай фан каби полимерлар кимёсининг ҳам ўз тили, атамалари бор. Поли-кўп, мерос- ўлчам демакдир. Полимерларнинг молекуляр массаси жуда катта, улкан бўлади. Уларнинг аниқ илмий номи юқори молекулали бирикмалар. Унинг қисқароқ "полимер" деб аталувчи синонимик фан, техника ва хаётда кўп ишлатилади. Полимерлар молекуласи жуда катта молекуляр массага эга бўлгани учун макромолекула деб аталади. Полимерлар деб макромолекуласи занжирсимон тузилишга эга бўлиб, кўп марта қайтарувчи атомлар гурухлардан ташкил топган юқори молекулали бирикмаларга айтилади. Полимерларни мономер деб аталувчи қуйи молекулали моддалардан синтез қилиб олинади.

Полимер макромолекуласининг таркибига кирган ва унинг кўп марта қайтарувчи атомлар гурухини ташкил қилган "мономер" бўғини ёки оддий бўғин деб аталади. Бўғиннинг кимёвий брутто формуласи мономернига teng. Макромолекуладаги бўғинлар сони макромолекуланинг нечта мономерни кимёвий боғлаб синтез қилинганини билдиради. Шунинг учун макромолекулаларнинг бўғинлар сони "n" полимерланиш даражаси дейилади. (Полимерланиш- мономерлардан полимерларни синтез қилиш усулидир). Одатда, n=10,100,1000 ва ундан ҳам катта бўлиши мумкин.

---

<sup>6</sup> POLYMER SCIENCE AND TECHNOLOGY. Robert O. Ebewele, Boca Raton New York 2000. P. 15-17

Полимерлар макромолекуласининг энг муҳим хусусияти унинг занжирсимон тузилганлиги, яъни молекулани чизиқли узунлигининг кўндаланг ўлчамидан кўп марта (бир неча тартибга) катталигидир. Масалан, кўп ишлатиладиган ҳар хил полиэтилен тасмаларида макромолекулаларнинг узунлиги диаметридан 1000-10000 марта катта. Макромолекуланинг занжирсимон тузилганлигидан полимер моддалари қуи молекулали моддаларнидан бутунлай фарқланувчи хоссаларга эга бўлиб, улар қуийдагилар: макромолекулаларнинг занжирсимон тузилиши уларда эгилувчанлик хусусиятини барпо қиласи. Ана шу маълум чегарада илгарланма мустақил харакат қиласи. Бу хоссаси туфайли макромолекулалардан ташкил топган жисмлар янги юқори эластик ҳолатини намоён қиласи; узун ва занжирсимонлигидан макромолекулаларнинг ўзаро таъсирлашуви, боғлиқлигининг кучи жуда катта. Шу сабабли полимер моддалардан хилма-хил толалар ва тасмалар олинади; полимерлар эрувчанликда ҳам янги хусусият намоён қиласи. Улар тўғридан-тўғри эрий олмайди. Аввал бўкади, сўнг эрийди. Эритмасининг қовушқоқлиги бениҳоя катта бўлиб 1-2% ли эритмалар окувчанлигини йўқотади ва гелга айланади; полимерларнинг кимёвий реакцияларида оддий қуи молекуляр бирикмаларда учрамайдиган ҳоллар ҳам бор.

Макромолекулалар ва полимерларнинг тузилиш ва хоссаларига оид келтирилган хусусиятлари ноёбdir. Улар қуи молекуляр моддаларда бўла олмайди. Шулар сабабли полимер ҳолатни модданинг ноёб ҳолати деса бўлади. Шунинг учун ҳам, полимерлар кимёсининг алоҳида фан сифатидаги тадқиқоти, ўрганилиши ва ўқитилишининг сабаби тушунарлидир.

#### **4.2. Табиий ва синтетик йўл билан полимерлар синтези.**

Ўзбекистон полимерлар ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёларга бой. Газ ва нефть, капролактам, ацетилен, этилен ва акрилонитрил каби мономерлар шулар жумласидандир. Мамлакатимизда полиакрилонитрил, полиакриламид, поликапролактам (полиамид-6), карбоксиметилцеллюлоза, диацетилцеллюлоза

заводлари ишлаб турибди. Микро кристаллик целлюлоза (МКС) ишлаб чиқарыпти. Кейинги йилларда Шўртан газ-кимё мажмуасида полиэтилен ишлаб чиқарувчи ва Наманган, Фарғона, Янгийўл шаҳарларида ҳар хил мақсадли целлюлоза ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга тушди.

Ўзбекистонда полимер кимёсининг ишга туширилиши авваламбор буюк ўзбек полимер олими, академик В. А. Каргинанинг шогирди X. У. Усмонов билан боғлиқ. Ҳамдам Усмонович кимё фанининг термодинамикаси физикавий кимё фани бўйича кўп ишларни амалга оширган. Шу билан бир қаторда термадинамик методни, табиий полимерларни ишлатган ҳолда кимё соҳасида полимерлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Ўзбекистонда целлюлозанинг таркибини ўрганиш бўйича катта ишлар олиб борилган. Целлюлоза пахта толасининг 96% ини ташкил этди. X.Усмонов пахта толасини ўрганиш билан шуғулланган. 1950-йилда республикада биринчи табиий полимерлар лабораториясини ташкил этди. Унинг ташкилотчи олим сифатида олиб борган ишлари 1952–1956-йилларда қурилган ЎзРФА кимё институтини қурилишида яққол намоён бўлди. Шу йиллар давомида кимё институтининг ректори бўлиб ишлади ва институт базасида бир қанча лабораторияларни ташкил этди.

Полимерлар кимёсининг ривожланишида академик С.Ш. Рашидованинг ҳам хизматлари каттадир. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё ва физика институтининг раҳбари. Табиий ва синтетик полимерлар кимёси бўйича таникли олима. 1980-йилда у ёрқин илмий йўналиш бўлган полимер препаратларининг кимёвий формуласини ўсимликларни ҳимоя қилиш учун яратган. Ушбу изланишлар натижалари шунга олиб келди, полимерлар қишлоқ хўжалик ўсимликларида муҳим аҳамиятга эга экан. У илмий-тадқиқот институтида раҳбарлик қилиш билан биргалиқда полимерлар кимёсини кўпгина йўналишларини очишга сазовор бўлди. Ижодий ва ташкилий жиҳатдан ривожланиб борган кимё бўлими 1981-йилга келиб Ўзбекистонда кимё ва физика полимерлари институти миқёсига етди. Ушбу институтда табиий

полисахаридларни излаш, сувда қоришаған полимерларни, металл комплексларни синтезлаш ишлари амалга оширилди.

Институтнинг муҳим йўналишларидан бўлган радикал полимерлаш методи билан полимер синтез қилиш тадқиқоти асосий йўналиш бўлган. Ушбу тадқиқотларни Ўзбекистонда академик М. А. Асқаров раҳбарлиги остида иш олиб борилган. 90-йилларнинг биринчи ярмида шу институт “Кимё ва технология целлюлоза институт” билан бирлашуви тарихий воқеа бўлиб қолди. Ушбу бирлашув целлюлоза олишни ҳамда хомашё базасидан оддий ва мураккаб эфирлар олиш каби юксак натижаларга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Полимерлар кимёси ва физикаси институти Марказий Осиёда кимё-физика табиий полимерлар ва синтетик технологиялар бўлимида етакчи ҳисобланади. Айни вақтда ушбу институт қуидаги илмий тадқиқотлар билан шуғулланмоқда: синтез, кимёвий модификация, биологик фаол полимерларни табиий полисахаридлар-фитин, фитозан асосида излаш, целлюлоза ва уларни ишлаб чиқариш, полимер системасидаги наночастота ва наноструктураларни қолипга солиш.

Институт таркибида энг кўзга кўринган лабораториялар қуидагилар:

1. Полимер синтези лабораторияси – академик С. Ш. Раширова
2. Пахта целлюлозаси ва уни ишлаб чиқариш кимёвий технологияси лабораторияси – профессор А. А. Саримсоқов
3. Нано композициялашган полимер материаллари лабораторияси – профессор Н.Р. Ашурев
4. Физик-кимёвий методларини излаш лабораторияси – С.Н.Югай
5. Физик-кимёвий полимерларнинг назарий асоси лабораторияси – И.Н.Мургалиев

Бир хил таркибли масалан, этилен ва бутилен, кислород ва азон ҳар хил молекуляр массали бўлади. Терминнинг шундай мазмуни полимерлар ҳақидаги таасуротларга тўғри келмайди. Ҳақиқий синтетик полимерлар ўша пайтда ҳали маълум бўлмаган. Бир қатор полимерлар XIX асрнинг биринчи ярмида олинган эди, лекин ўша вақтда кимёгарлар полимеризация ва поликонденсацияни

үрганишга ҳаракат қилдилар. Улар кимёвий реакциянинг натижасида сақиçсимон моддалар ҳосил бўлишганлигини айтишди. Биринчи синтетик полимерлар ҳакидаги эслатмалар 1838 йилда тегишли деб биладилар. Бу соҳадаги 1-кашфиётлар тасодиф эди. Вино солинган идишларнинг деворлариға ёруғлик таъсирида сақиçсимон маҳсулот ҳосил бўлганлигини Франциялик Тат Рене томонидан аниқланган. Сақиçсимон модданинг хусусиятлари шу пайтгача маълум бўлган органик бирикмалардан фарқ қиласади. Лекин олим ҳосил бўлган бирикмага унчалик эътибор қаратмаган. Ҳозир биз бу бирикма поливинилхлорид эканлигини биламиз. 1839 йил Германияда Симонсон полистиролни синтез килган.

#### **4.3. Қўлга киритилаётган ютуқлар, инновациялар ва амалий тадқиқи.**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида полимерлар кимёси, физикаси ва технологиясининг долзарб масалаларига бағищланган илмий-амалий конференция бўлмокда. Унда илмий-тадқиқот ҳамда олий таълим муассасалари олимлари, ёш тадқиқотчилар ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори С.Рашидова илм-фан тараққиётини ривожлантириш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишини ташкил этишини алоҳида таъкидланади. Бу борада яратилган кенг кўламли имкониятлар туфайли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар изчил ривожланмоқда, яратилаётган янги технологияларни амалга татбиқ этиш орқали салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Олимларимизнинг изланишлари натижасида маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида композицион материаллар яратиш, полимер тизимларда нанозаррачалар ва наноструктуралар шаклланишининг илмий асосларини яратиш борасида салмоқли натижаларга эришилиб, эришилаётган

ютуқлардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланилмоқда. Фарғона фуран бирикмалари кимёси заводида қўлланилаётган янги технология бунга мисолдир. Корхонада карбоксиметил целлюлоза олишнинг янги технологияси жорий этилиб, йилига бир минг икки юз тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

«Шўртангазкимё» мажмуаси мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган илмий лойиҳалар ҳам келажакда маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулот олиш, иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантиришга хизмат қиласди.

Ишлаб чиқариш ва илм-фан фаолиятини мувофиқлаштириш ва илмий лабораторияларда яратилаётган ихтиrolарни амалга татбиқ этиш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг юксалишида муҳим омил бўлаётir, – дейди «Шўртангазкимё» мажмуаси техника гурухи раҳбари Руслан Маъдиев. – Буни бизнинг корхонамиз фаолияти мисолида ҳам қўриш мумкин. Ҳозирги кунда полимерлар кимёси ва физикаси соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар билан мутахассисларимиз қатор истиқболли илмий лойиҳалар юзасидан изланиш олиб бормоқдалар. Кичик молекулали полимерлар олиш борасидаги тадқиқотлар бунга мисолдир. Чиқиндидан иккиламчи маҳсулот олишга асосланган ушбу технология лак-бўёқ ва қурилиш саноатида ишлатиладиган воситаларни ўзимизда маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқариш ва валютани тежаш имкониятини яратади.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини янада кенгайтириш борасидаги долзарб вазифалар, нанотехнологиялар ва замонавий полимер материаллар яратиш истиқболлари, полимерлар синтези, тузилиши, хоссаларини ўрганишга оид илмий лойиҳалар самараларига багишлиланган маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Ўтказиладиган конференцияларнинг мақсади - бу фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт соҳалари талаблари билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш, натижаларни саноат миқёсида жорий этиш механизmlарини ишлаб чиқиш ва тамоман янги

хоссаларга эга бўлган полимер материаллар яратиш бўйича масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон олимлари ва мутахассислари кучларини бирлаштиришдан иборат бўлади.

Иқтисодиётнинг этакчи соҳалари корхоналарида жорий этилган ҳамкорликдаги ишларнинг натижаси келгусидаги инновацион юксалиш ва мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигининг ўсишига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманларда Ўзбекистон, Беларусь, Канада, Россия, Қозогистон ва Тожикистоннинг этакчи олимлари иштирок этади. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти фаннинг ушбу йўналишидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш, тадқиқотларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича нафақат минтақамизда, балки жаҳондаги йирик илмий марказлардан биридир. Институтда қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, атроф-муҳит муҳофазаси, тиббиёт каби муҳим тармоқларда қўлланилаётган қўплаб муҳим илмий кашфиётлар яратилди.

Жумладан, ўсимлик уруғларини капсулалашнинг экологик хавфсиз технологиялари, маҳаллий, импорт ўрнини босувчи қишлоқ хўжалиги препаратлари, пахта цеплулозаси асосидаги маҳсулотлар олиш йулга қўйилди. Автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, радиотехника, машинасозлик, электротехника саноати каби соҳалар учун янги композицион материаллар ишлаб чиқаришга эришилди.

Мамлакатимизда полиэтилен ишлаб чиқариш саноатининг салоҳияти тобора юксалмоқда. Полимер тизимларнинг нанокимё ва нанофизика тармоқлари жадал тараққий этиб, олимларимиз табиий ва кимёвий полимерлар

асосида нанокомпозитлар яратиш борасида изчил тадқиқотлар олиб бормоқда. Натижада кимёвий ва физикавий хоссалари юқори бўлган композицион полимер материаллар олишга эришилмоқда.

Ўзбекистонда инновацион ютуқлардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланишга давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани мамлакатнинг жадал тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқда, – дейди Беларусия Республикаси Гродно давлат университетининг машинасозлик инновацион технологиялари факультети декани, техника фанлари доктори, профессор Василий Струк. – Полимерлар кимёси ва физикаси институтида яратилаётган янги ихтиrolар машинасозлик соҳасини янада тараққий эттиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу соҳада олиб борилаётган фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари чуқур таҳлил этилади. Илмий ихтиrolарни саноатга жорий этиш механизmlарини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига мос, янги хоссаларга эга полимер материаллар яратиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлаш борасидаги долзарб масалаларга оид ишлар куриб борилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Полимерлар кимёси ва физикаси институти таркибида нечта лабораториялар фаолият олиб боради?
2. Полиэтилен тасмаларида макромолекулаларнинг узунлиги диаметри қанча булади?
3. Шўртан газ-кимё мажмуасида қайси полимер ишлаб чиқарилади?
4. Наманганд, Фарғона, Янгийўл шаҳарларида қандай полимерлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ишга тушган?
5. Ўзбекистонда полимер кимёсининг ишга туширилишига қайси олимнинг ишлари мақсадга мувофиқ хисобланади?
6. Полимерлар кимёси бўйича Ўзбекистонда қайси олимлар иш олиб боришган?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. POLYMER SCIENCE AND TECHNOLOGY. Robert O. Ebewele, Boca Raton New York 2000. P.15-17
2. Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006
3. Асқаров М.А., Исмоилов И.И. Полимерлар кимёси ва физикаси. Тошкент, Ўзбекистон, 2004.
4. Асқаров М., Исмоилов Р., Рўзиев Р., Тошев И. Полимерлар физикаси ва кимёси. Тошкент, ТУРОН-ИҚБОЛ, 2006.

**5-мавзу: Ўсимлик моддалари кимёсининг тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновациялар. Алкалоидлар ва уларнинг амалий аҳамияти.**

**Режа:**

- 1. Ўсимлик моддалари кимёсининг тараққиёт йўналишлари**
- 2. Тараққиёт йўналишлари бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновациялар.**
- 3. Алкалоидлар ва уларнинг амалий аҳамияти.**

**Таянч иборалар:** фармако-токсикологик, кимёвий модификациялаш, потенциал доривор препаратлар, биологик фаол бирикмалар, ўстирувчи моддалар, гербицидлар, фунгицидлар, дефолиантлар, рекомбинант оқсиллар

**5.1. Ўсимлик моддалари кимёсининг тараққиёт йўналишлари.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси (ЎзР ФА) акад. С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти – Ўрта Осиё доривор ўсимликлар флораси, доривор ўсимлик препаратлари ва биологик фаол қушимчалар (БФҚ), ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш илмий текшириш корхонасидир. Институтда қишлоқ хўжалик, доривор препаратлар ва БФҚ, ботаник, кимёвий, биологик, фармакологик, токсикологик, ўсимликларни технологик тадқиқотлари ва тажриба ишлаб чиқариш корхонаси ягона жамланмага бирлаштирилган.



3-расм.

Ўсимлик моддалари кимёси илмий тадқиқот институти қуйидаги бўлимларда мавжуд: илмий-текшириш институтлари; ўсимликларни ҳимоя қилиш; ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий моддаллар.

### **Тадқиқотларнинг асосий йўналишлари:**

- Табиий ва синтетик моддаларни кимёвий, фармако-токсикологик ва биологик ўрганиш, уларни кимёвий модификациялаш, потенциал доривор препаратлар олиш мақсадида биологик фаол бирикмаларнинг таъсир этиш механизмини, уларнинг тузилиши ва фаоллиги орасидаги боғлиқликларни аниқлаш;
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари: ўстирувчи моддалар, гербицидлар, фунгицидлар, дефолиантлар яратиш ва уларнинг ўсимлик ҳосилдорлиги ва зараркунандаларга чидамликлига таъсирини ўрганиш;
- Институтнинг тажриба-ишлаб чиқариш корхонасида янги самарадор технологияларни ишлаб чиқиш, яратилган дори препаратлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг субстанцияларини ярим саноат ва саноат қўламларида ишлаб чиқариш;
- Турли экспрессия тизимларида рекомбинант оқсиллар олиш. Тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун тест тизимлари яратиш.

### **5.2. Тараққиёт йўналишлари бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновациялар.**

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, ҳозир жаҳон фармацевтика саноатида фойдаланилаётган препаратларнинг эллик фоизга яқини табиий бирикмалар асосида яратилган. Безарар ва юқори самарадорликка эга бундай шифо воситаларига эҳтиёж кундан-кунга ортмоқда. Бу илм-фан фаолиятини янада такомиллаштиришни, илғор тажрибани оммалаштиришни, шифобахш гиёҳлардан табиий бирикмалар ажратиб олиш ва улардан амалда самарали фойдаланишга йўналтирилган технологияларни кенг тарғиб этишни тақозо этаётir.

Ўзбекистон Фанлар академиясида иш бошлаган табиий бирикмалар кимёсининг долзарб муаммоларига бағишлиланган илмий анжуманлар бўлиб

ўтмоқда. Тадбирда мамлакатимиз олимлари, кимёгар, фармацевт, фармакологлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари билан бир қаторда Германия, Япония, Хитой, Россия, Озарбайжон, Грузия ва Қозоғистондан ҳам мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Ш.Солиҳов мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида илм-фанинг барча йўналишлари, жумладан, табиий бирикмалар кимёси соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институти директори ўринбосари Тоҳир Дўстмуҳамедовнинг айтишича, кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу йўналишда яратилган ўндан ортиқ ихтиро ишлаб чиқаришга татбиқ этилган. Тиббиёт соҳасида қўлланилаётган “аллапинин”, “эқзистен”, “медамин” сингари препаратлар инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва умрини узайтириш, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган “рослин”, “учқун” каби стимуляторлар аграр тармоқни ривожлантириш ва юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда олимларимиз томонидан табиий бирикмалардан янги биологик фаол қўшимчалар ажратиб олиш, ўсимликлар ўсишини тезлаштирувчи юқори самарали стимуляторлар яратиш, табиий бирикмалар кимёси ва технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган ўттизга яқин давлат гранти ва бир неча халқаро лойиҳалар бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар яхши натижалар бермоқда. Илм-фанимизнинг бундай салмоқли ютуқлари хорижлик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилаётир.

Илгари тиббиётнинг барча йўналишлари сингари онкология соҳасида ҳам касалликлар кимёвий усулда олинган дорилар билан даволанар эди, – дейди Россия Фанлар академияси Цитология институти профессори Борис Маргулис. Табиий бирикмалар кимёси соҳасининг ривожланиши ана шундай хасталикларни ўсимликлардан олинган препаратлар билан даволаш истиқболларини очди. Бу эса илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда бу борада катта илмий-амалий

ютуқларга эришилаётганидан хабардормиз. Шу боис ўсимлик моддалари асосида яратилаётган янги ишланмалар билан яқиндан танишиш, илғор тажрибаларингизни ўрганиш ва ушбу йўналишда илмий алоқаларни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси ғоят ранг-баранг. Бу ҳудудда дунёнинг бошқа миintaқаларида учрамайдиган эндемик турлар жуда кўп, – дейди Марбург (Германия) университети фармацевтика факультети профессори Михаел Койзген. – Олимларингиз юрtingиз флорасининг ўзига хос хусусиятларини кенг ўрганиш юзасидан чукур илмий изланишлар олиб бормоқда. Бу жараёнда ҳалқаро ҳамкорликка кенг йўл очилгани фан тараққиётини янада юксалтириш ва унинг ютуқларидан жамият ривожи йўлида фойдаланишда муҳим омил бўлаётир. Ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, биз ҳам ўзбекистонлик ботаниклар билан ҳамкорликда илмий лойиҳаларни амалга ошироқдамиз.

Ўсимлик моддалари кимёсининг назарий ва амалий масалалари, табиий бирикмалар кимёси, технологияси ва фармакологиясининг истиқболларига оид ишлар тингланади ва муҳокама қилинади. Бу борада мамлакатимиз ва жаҳон илм-фани қўлга киритаётган ютуқлар, ечимини кутаётган долзарб вазифалар ва ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга доир масалалар хусусида фикр алмашилади.

Этил спирти - дунёда энг кўп синтез қилинувчи ва тиббиётда кенг қўлланиувчи маҳсулотлардан бири дир. Шу боис, этанолга бўлган талаб анча юқори. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси С.Юнусов номли Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари ширин жўхоридан этанол олишнинг янги усулини яратиши. Ушбу ихтиро спирт олиш учун жўхори ўсимлиги хом-ашёсига янги усулда ишлов беришдан иборат. Унда этанол олишнинг икки усули таклиф этилган ва айнан шу жиҳати билан муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида ўсимликнинг поя қисми ва донидан шакар моддалари чиқиши самараси кўпаяди.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти, Польша Халқ Республикаси Варшава давлат университетининг биология ва кимё марказлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетини мутахассислари ўртасида уч томонлама ўзаро ҳамкорлик ишларини олиб бориш тўғрисидаги битим масалалари кўриб чиқилди.

Табиат инсон яшаш фаолиятини яхшилаш учун кўп турдаги табиий ресурсларга эгадир. Хусусан, Ўзбекистон ўзига хос иқлими, тоғлик ҳудудлари, чўл-адирларига эга бўлганлиги сабабли мамлакатимиз ҳудудида ўсадиган кўп турдаги ўсимликлар дунёнинг кўп жойларида ўсмайди. Шу сабабли Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбекистон Миллий Университети ҳамда Польша Халқ Республикаси Варшава давлат университетининг биология ва кимё марказлари ўртасида фармацевтика соҳасини ривожлантириш, табиий ўсимликлардан фойдаланиб косметик маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадидаги уч томонлама ўзаро ҳамкорлик битимларини ишлаб чиқиш юзасидан келишув тадбири ташкиллаштирилди. Учрашувда ўзаро келажакдаги ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, биргаликда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бу борада Польша Халқ Республикасининг Варшава Давлат университети профессори "УзРепорт" АА мухбирига берган интервюсида шундай деди: менинг Ўзбекистон Давлат Миллий университети билан алоқам 1980 йилдан мавжуддир. Янги технологиялар асосида кимё маҳсулотларини, жумладан, косметика соҳасида янги турдаги маҳсулотларни олиш керак. Бу турдаги ўзаро ҳамкорлик давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, ўзаро лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этишга хизмат қиласи деб умид қиласман.

Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти директорининг фан бўйича ўринбосари Н.Абдуллаев ўз интервюсида шундай фикрни билдири: Бизнинг асосий мақсадимиз, табиий ўсимликлардан олинадиган биологик фаол моддаларни косметика йўналишида

амалиётга қўллаш. Косметикада табиий моддаларни қўлланиш муаммоси ҳозир биринчи ўринда туради. Чунки табиий моддалар хусусияти ва аҳамияти ўзига хосдир. Табиатдаги хар бир модда айнан бирон бир мақсад учун яратилган, хусусан ўсимликлар ҳам. Уларнинг хар бирини ўз биологик фаоллиги бор. Биз ушбу фаолликни аниқлаб, тўғри йўналишда ишлата билсак, халқ хўжалигига қўшган ҳиссамиз бўлади".

Ўсимлик моддалари кимёси институти мутахассислари қатнашчиларни институт ташкил этилиши тарихи, иш фаолияти, кимё ва биология соҳасида олиб борилаётган лаборатория изланишлари билан яқиндан таништиришди ҳамда институтни ривожлантиришнинг стратегия ва тактикаси юзасидан фикр алмашдилар. Келгусида биология ва кимё, фармацевтика ва бошқа турдаги медицина маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларини ривожлантириш каби соҳаларда давлатлараро мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида алоҳида эътибор қаратишга келишиб олинди.

### **5.3. Алкалоидлар ва уларнинг амалий аҳамияти.**

Биламизки, табиат инсон учун кўп инъомлар тайёрлаб қўйган. Булардан биттаси бизларнинг бекиёс бойлигимиз олтинимиз десак бўлади. Ўзбекистоннинг ҳудудида ўсадиган кўп турдаги ўсимликлар дунёнинг кўп жойларида ўсмайди. Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлими бор, тоғлик ҳудудлари бор, чўл-адирлар бор, қолаверса Ўзбекистонни ҳавоси тоза, мусаффо, ултърабинафша нурга бўлган таъсири бутунлай бошқача. Масалан, Сибирда ўсадиган ўсимликларга бўлаётган таъсир бошқача, бизда эса ўзгачадир. Шу боисдан, биз Польша билан ҳамкорлигимизни бошлаётган эканмиз, бизда талайгина имкониятлар бор, ўсимлик хом-ашёлар бор, мутахассислар бор, илмий асбоб-анжомлар етарли. Айниқса, фармацевтика соҳасида йўналишда изланишлар олиб борилса уларнинг келажаги порлоқ бўлади.

Бизнинг тажриба корхонамиз маҳсус кимёвий усууллар билан ҳозирги кунда бир йил ичida 50 тонна ўсимликни қайта ишлаб, шунинг ичидан амалиётга керак бўлган биологик фаол моддаларни чиқариб ишлатамиз.



Юнусов Собир Юнусович (1907.18.3, Тошкент, 1995.29.11) кимёгар олим. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (1952). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1959), кимё фанлари доктори (1949), профессор (1952). Мехнат Қаҳрамони (1969).

Ўрта Осиё университетини тугатган (1935). Уруш қатнашчиси (1941-43). Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти алкалоидлар кимёси лаб. мудири (1943-87), айни вақтда институт директори (1949-52), Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти (1952-62). Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти ташкилотчиси ва директори (1958-83), илмий консультант (1983-86), фахрий директори (1987-95), Ўзбекистон Фанлар академияси кимё-технология бўлими раиси (1986-87) бўлиб ишлаган.

Илмий ишлари: тетрагидроизохинолин ва фенантридин алкалоидларини тадқиқ қилиш, янги алкалоидлар тузилишини аниқлаш, улардан амалиётда фойдаланиш, ўсимликларда алкалоидлар ҳосил бўлиш механизмини, уларнинг ўсиш майдонларига қараб йиғилиши ва тўпланиши динамикасини ўрганишга оид.

Собир Юнусов - Ўзбекистонда алкалоидлар кимёси мактабининг асосчиси. Унинг раҳбарлигига 4 мингдан ортиқ ўсимлик тадқиқ қилиниб, уларнинг ярмидан кўпроғида алкалоидлар мавжудлиги аниқланди, 1000 дан ортиқ алкалоидлар ажратиб олинди, цитизан, галантамин, папаверин, протопин қаби муҳим алкалоидларнинг 100 дан ортиқ манбаи топилди. Тиббиёт учун амалий аҳамиятга эга 20 га яқин бирикма амалиётга тавсия этилди. Беруний

номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967). Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган (2002). Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтига унинг номи берилган.

**Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистонда алкалоидлар кимёси мактабининг асосчиси ким?
2. Бу олим раҳбарлигига нечтадан ортиқ ўсимлик тадқиқ қилинди?
3. Синтез килинган моддаларнинг таркибида кандай моддалар мавжудлиги аниқланди?
4. Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида кандай лабораториялар иш олиб боради?
5. Ўсимлик моддалари кимёси институтида нечтадан ортиқ алкалоидлар ажратиб олинган?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Paul T. Anastas, Julie B. Zimmerman. Innovations in Green Chemistry and Green Engineering. Hardcover, Springer. Germany, 2013.
2. A. Valavanidis and T. Vlachogianni GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING ATHENS, 2012. 117-120
3. Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006, 684

## **6-мавзу: Нанокимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари.**

### **Режа:**

- 1. Нанозаррачалар-фаннынг янги йўналиши**
- 2. Нанокимё, наноматериаллар ва синтез усуллари**
- 3. Нанозаррачалар классификацияси**

**Таянч иборалар:** Нанозаррача, нанометр, фуллеренлар ва нанотрубкалар

#### **6.1. Нанозаррачалар – фаннынг янги йўналиши.**

XXI асрда табиий фаннынг асосий йўналишларидан бири бўлган нанобилим ва нанотехнология фаол ва тез ривожланди. Асосий ҳодисалар, муносабатлар хусусиятларини ва кичик заррачаларни тасвирлаб нанометрларнинг ўлчамлари нанобилимларнинг очиш имкониятига йўл очди. Нанотехнология нанобилим асосида янги жараёнлар, материаллар ва қурилмалар ютуқларини очиб беради. Нанобилим ва нанотехнологияда фундаментал ва амалий муаммолар чамбарчас боғланган, назарий ва экспериментал физика, кимё, биология, материалшунослик ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилган.

Нанокимё нанотехнологиянинг муҳим бир қисмидир, чунки жуда кўп жараёнлар ва янги материаллар синтези атомлар, молекулалар, гурӯхлар ҳамда нанозаррачалардан бошланади. Нанокимё фани табиий типик тирик организмлар ва ноорганик хусусиятларни бирлаштиради.

Биламиз-ки, келажакда автомобиллар экологик тоза ёқилғи бўлмиш водородга ўтади. Ана шу водородни йифиш ва сақлаш муаммосини нанотрубкалар муваффақият билан ечадилар. Двигателлар учун керак энергия водород ( $H_2$ ) ва кислород ( $O_2$ ) ўртасида юз берадиган реакция ёрдамида олинади, бунда реакциянинг «чиқиндиси» сифатида  $H_2O$  (сув буги) ажralиб чиқади. Аввал мутахассислар бундай автомобилни чиқаришни режалаштиришни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Водород – энг енгил газ, шунинг учун бир неча килограмм водород катта баллонни талаб қиласди. Демак, ҳар бир автомобилист ўзи билан бирга катта баллонни олиб юриши керак, бу эса жуда нокулай. Палладий нанозаррачалари ёпиштирилган нанотрубкалар эса ўзининг хажмидан мингларча марта катта бўлган ҳажмдаги водородни сақлай олар экан, демак бу усул автомобилни янада қувватли, арzon ва экологик тоза қиласди.

Энди бироз фантазия қилиб кўрайлик. Биламиз-ки Қуёшда термоядро реакцияси натижасида энергия пайдо бўлади – иккита водород атоми бирлашиб гелий атомига айланади, бунда жуда катта энергия ажralиб чиқади. Шунинг учун Қуёшни водород ёқилғили термоядро ячейкаси деб аташ мумкин. Баъзибир мутахассисларнинг айтиши бўйича нанотехнология термоядро ячейкаларини ўта кичик ва арzon қилиши мумкин эмиш. Агар шу ғоя амалга ошса бармоқдай келадиган батарейкаларда миниатюр «қуёшча» ёниб туради, автомобиллар йиллар давомида водород билан заправка қилинмай юраверади.

Албатта, физик олим бу гапларни ўқиб – «бўлиши мумкин эмас, бу ғоя тирик фантазиянинг ўзи», дейиши мумкин ва унга ҳозир эҳтиroz билдириш қийин. Ҳақиқатан ҳам, термоядро реакцияси юз бериши учун водород плазмаси  $50 \div 100$  миллион градусга қизиши керак, бундай температурада водород

ядролари ўзаро тўқнашиб янги ядрони синтез қиладилар ва катта энергия ажралиб чиқади. Бармоқ батарейкасида синтез реакцияси қандай юз беради, унинг учун миллион градуслар керакми, ёки унда водород ядроларини тезлатишнинг бошқа йўллари топиладими? Нима бўлганда ҳам ғоя ажойиб ва у амалга ошса цивилизация хаётида революцион ўзгаришлар бўлиши турган гап.

**Фрактал кластерлар.** Агар объект ҳар тарафга қараб шоҳлаб кетган структурага эга бўлса у фрактал объект деб аталади. Қора куя, коллоидлар, аэрозол ва аэрогеллар бунга мисол бўла олади.

**Молекуляр кластерлар.** Кластерларнинг кўпчилигини молекуляр кластерлар деб аташ мумкин. Уларнинг тури ва сони жуда ҳам кўп. Биз биладиган биологик макромолекулаларнинг ҳам кўпчилиги молекуляр кластерлардир. Қўйида келтирилган таблицада нанокимё фанининг объектлари келтирилган:

Нанозаррачалар	Наносистемалар
Фуллеренлар	Кристаллар, эритмалар
Нанотрубкалар	Агрегатлар, эритмалар
Оқсил молекулалари	Эритмалар, кристаллар
Полимер молекулалари	Золлар, геллар
Ноорганик нанокристаллар	Аэрозоллар, коллоид эритмалар
Мицеллалар	Коллоид эритмалар
Наноблоклар	Қаттиқ жисмлар
Ленгмюр – Блоджетт плёнкалари	Юзида пленкага эга жисмлар
Газлардаги кластерлар	Аэрозоллар
Жисм қатламларидағи нанозарралар	Наноструктурали плёнкалар

### **Нанозаррачаларни олиш услублари**

Ҳар хил нанозаррачаларни олиш услубларининг жуда кўп турлари ихтиро қилинган. Бундан ташқари кўп услублар, заррачалар олинаётганда, уларнинг катталигини, шаклини ва тузилишини бошқариб (ўзгаририб)

туришга имкон беради. Ишлаш принциплари бўйича ҳамма услубларни икки катта гурухга бўлишимиз мумкин:

- диспергацион услублар ёки нанозаррачаларни макро жисмни майдалаб олиш
- конденсацион услублар ёки нанозаррачаларни атомлардан фойдаланиб ўстириш

Биринчи группага кирган услублар асосида битта принцип ётади – «тепадан пастга». Макро (ёки катта) жисмлар нанозаррача ҳолигача майдаланади. Бу энг оддий усул бўлиб, унда макро жисмлар ўзига хос «ховончадан» ўтадилар. Иккинчи группа бошқа принципга асосланган – «пастдан юқорига», ёки нанозаррачаларни алоҳида (ёлғиз) атомларни ўзаро бирлаштириб ҳосил қилиш. Бу принцип физикадаги «конденсация» жараёнига асосланган.

Маъноси бўйича, конденсация (лотин тилида сонденсатио – зичлашиш, қуюқлашиш) – бу жисмнинг совуш натижасида газ ҳолатдан конденсация қилинган (қаттиқ ёки суюқ) ҳолатга ўтишини билдиради. Бунга оддий мисол сифатида ойнага «пуф»лаганимизда унинг юзи «терлаб» қолишини келтиришимиз мумкин. Бу «тер» аввал кўзга кўринмайдиган кичик сув томчиларидан иборат бўлади. Агар хона температураси оғзимиздан чиқаётган пар температурасидан анча паст бўлса, у ҳолда пуфлаган сари микротомчилар ўзаро бирлашиб катта (кўзга кўринадиган) томчиларни ҳосил қила бошлайдилар.

Нанозаррачаларни олишда ҳам тахминан шунга ўхшаш жараён кузатилади. Макро (катта) жисм аввало қиздирилади ва парга айлантирилади. Шундан сўнг пар керакли катталикка эга нанозаррачалар ҳосил бўлгунча конденсация қилинади. Натижада яхлит бир катта жисм ультра дисперс порошокка айланади. Худди шунга ўхшаш жараён нанозаррачаларни ион эритмаларидан олинаётганда юз беради, фақат бунга пар эмас, суюқлик ишлатилади.

Бир нарсага эътибор бериш керак-ки, нанозаррачаларни олишда ташқи манбадан қуввати катта энергия оқими талаб қилинади, бу энергиянинг таъсирида нанозаррачалар номувозанат (метастабил) ҳолатда туғилади. Лекин шу пайтда энергия оқимини тўхтатиб қўйсак, система мувозанат ҳолатига интилади. Бунинг сабабини кўриб чиқамиз.

Монокристални эригунча ва парга айлангунча иситамиз. Сўнгра парни тез совутамиз. Совуш пайтида нанозаррачалар пайдо бўла бошлайди (бирор биз юзада), ва параллел равишда уларнинг катталиги ошаборади. Шу билан бирга нанозаррачалар тартибли ўрнашишни ва наноагрегатларга бирлашишни бошлайдилар. Агар бундай системани ўз –ўзига қўйиб қўйилса, наноагрегатларга бирлашган нанозаррачалар ўртасидаги чегаралар йўқолади ва улар бирлашиб микрокристалларга айланадилар. Агар микрокристаллар буғда узоқ вақт ушлаб турилса, уларнинг энг кичиклари ва дефекти борлари яна буғланиб кетадилар, йирик микрокристаллар бирлашиб бошланғич монокристалл ҳосил бўлгунча давом этади.

Монокристалл парга айланиб анчагина нанозаррачалар йигилгандан бошлаб то уларнинг катталиги 100 нм га етгунча кетган вақт ичида система номувозанат ҳолатда бўлади. Пайти келиб нанозаррачалар пайдо бўлиши тўхтаса, демак система мувозанат ҳолатга ўтган бўлади. Ана энди агар ҳосил бўлган нанозаррачаларни бир – биридан изоляция қилинмаса (ёки бир – бирига қўшилиб кетишининг олдини олинмаса ёки консервация қилинмаса) пайдо бўлган заррачалар яна қўшилиб аввалги яхлит жисмга айланиши мумкин. Биокимё, фотокимё ва радиацион – кимё услубда синтез олиб борилса нанозаррачаларнинг конденсацияси маҳсус шароитда турган эритмада юз беради, бу шароит нанозаррачаларни бир – бирига ёпишишдан ва эритма билан реакцияга киришишдан сақлайди.


Дисперсион услубда механик энергия оқими тўхтамас экан монокристалл бўлаклари бўлинаверади, уларнинг ўлчамлари кичиклашаверади. Энергия оқими тўхтамас экан, заррачаларнинг кўп қисми нанометрлар ўлчамида бўлади ва биз система нанохолатда турибди, деймиз. Энди агар

«ховончамизни» тўхтатсак, нанозаррачалар ўзаро бирлашишни бошлайдилар (сабаби – юзадаги боғлар компенсация қилинмаган) ва катта бўлабошлидилар. Бу жараён аввалги яхлит монокристалл пайдо бўлмагунча давом этади.

Демак, нанозаррачаларни ўзаро қўшилишининг олдини олмаса бўлмас экан. Бунинг учун системага қандайдир стабилизатор киритилиши керак. Одатда у оқсили, полимер ёки ПАВ моддаларининг молекуляр эритмаси бўлади. заррачалар агрегацияси бошлангандан маълум вакт ўтгач стабилизатор молекулалари ўсаётган нанозаррачаларни ўраб ёпишиб олади, бу эса унинг ўсишини тўхтатади. Стабилизаторнинг таркиби ва концентрациясини бошқариб, исталган диаметрли нанозаррачани олиш мумкин.

Лекин стабилизаторсиз олинадиган фуллерен ва нанотрубкаларнинг стабиллигини (турғуналигини) нима билан тушунтириш мумкин? Нега улар, нанометрли ўлчамга эга бўлсалар ҳам, бир – бирларига бирлашишга уринмайдилар? Ўзларининг ана шу ноёб ҳоссалари сабабли фуллеренлар, нанотрубкалар ва бошқа баъзи бир нанозаррачалар «сехрли» заррачалар ва уларнинг таркибига кирган атомларнинг сонини «сехрли сонлар» деб аталди. Масалан ишқори металлар учун бу сонлар – 8, 20, 40; углеродли кластерлар учун – 60, 70, 90 ва ҳ.к. «Сехрли» нанозаррачаларда ҳамма атомлар ўзаро қаттиқ боғланганлар, бу эса заррачаларга керакли стабилликни беради.

Жисмни механик харакат ёрдамида майдалашдан бошқа услублари ҳам бор. Масалан, нанозаррачаларни ингичка металл симларини портлатиб ҳам олиш мумкин, бунинг учун симдан катта қувватли ток импульси ўтказилади (22-расм).



### **Назорат саволлари:**

1. Нанокимё қандай фан?
2. Фуллеренлар нимаси билан қизиқиш уйғотмокда?
3. Нанозаррачаларни олиш услублари қандай бўлади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. A.K. Haggi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011
2. Garry G. Azgaldov. Applied qualimetry: its origins errors and misconceptions. Emerald Group Publishing Limited. 2011.
3. N.S. Merkulova, Linda M. Klabunde, Nanochemistry, Copyright 2013
4. Wolf E.L. Nanophysics and nanotechnology. An introduction to Modern Concepts in Nanoscience. Wein'eim: Wiley – VCh Publication, 2004. 300.
5. [www.nanonewsnet.ru](http://www.nanonewsnet.ru).

## **7-мавзу: Нанокимёниг истиқболлари ва муаммолари.**

**Режа:**

- 1.** Нанозаррачаларнинг ажойиб хоссалари ҳақида.
- 2.** Нанотехнология истиқболлари.

**Таянч иборалар:** Нанозаррачалар, «Ақли» материаллар, нанороботлар.

### **7.1.Нанозаррачаларнинг ажойиб хоссалари ҳақида.**

**Күмуш.** Кумуш нанозаррачаларнинг ажойиб хоссалари анчагина.

Энг аввало, кумуш заррачаларининг бактерицид ва антивирус активлиги жуда катта. Кумуш конларининг антимикроб хоссаларини инсоният кўп асрлар олдин билган. Агар сувни кумуш фильтрдан ўтказилса, бундай сувдан анчагина касал чақиравчи бактериялар йўқолади, шунинг учун бундай сув бузилмасдан, ранги ўзгармасдан узоқ йиллар сақланиши мумкин.

Бундан ташқари, бу сувда кумуш ионлари бўлади, улар заарли бактерияларни ва микроорганизмларни нейтрализация қиласди, бундай сув, албатта, одамнинг соғлигига яхши таъсир кўрсатади .

Тажриба шуни кўрсатадики, кумуш нанозаррачалари бактерия ва вируслар билан кумуш ионларига қараганда минг мартадан ҳам кўпроқ эффект билан курашар экан. Экспериментда нанозаррачаларнинг ўта кичик концентрацияси ҳам ҳамма маҳлум вирусларни (шу жумладан СПИД вирусини) ҳам ўлдиргани кўрилди.

Тибиётчилар яхши билишади, антибиотиклар нафақат вирусларни, улар заарар етказган ҳужайраларни ҳам ўлдиради. Лекин нанозаррачалар ундей эмас – улар фақат вирусларни ўлдирадилар, ҳужайрага эга таъсир кўрсатмайдилар. Сабаби нимада? Биламиз-ки микроорганизмларнинг қобиғи алохида хоссали оқсил моддасидан иборат бўлади. Бу оқсил моддаси бактерияни кислород билан таъминлаб туради, бу кислород эса микроорганизмдаги глюкозани оксидлайди (бошқача айтганда «ёқилғи» ёнади) ва энергия ажralиб чиқади. Ана шу ерда нанозаррача оқсил модасини «атака» қилиб ишдан чиқаради, натижада бактерия кислородсиз қолади ва энергия бўлмагач, ўлади. Агар вируснинг қобиғи (оболочки) бўлмаса, барибир,

нанозаррача уни ўлдиради. Лекин одам ва ҳайвонларнинг хужайралари «сифатли» девор билан (мембрана билан) ўралган, унга нанозаррача ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

Кумуш нанозаррачалари билан модификация қилинган газмол мато ўз – ўзини дезинфекция қиласидиган бўлиб қолади. Бундай материалга ўтирган ҳар қандай вирус ёки бактерия у ерда яшай олмасдан «жон» беради. Шуниси қизиқки, агар у ювилса, нанозаррачалар сақланиб қолар экан. Нанозаррачалар киритилган материал медиклар халатига, чойшабларга, болалар кийимига, оёқ кийимига ва бошқа кўпгина нарсаларга ишлатилса, уларга ҳеч қандай микроб қўрқинчли эмас.

Одамлар асрлар давомида кўп юқумли касалликларни, хусусан грипп, туберкулёз, минингит, вирусли гепатитни келтириб чиқарадиган инфекциялар ҳаво орқали ўтиши мумкинлигини тушунганлар ва уларга қарши кураш услубларини излаганлар. Афсуски, хоналаримиз, офислар ва айниқса одамлар кўп тўпланадиган жойлар (касалхоналар, жамоат ташкилотлари, мактаблар, болалар боғчалари, казармалар ва ҳ.к.лар) даги атмосфера касал одамлар нафас олганда чиқадиган патоген микроорганизмларга тўла бўлади. Традицион услублар муаммони тўла ечаолмаган; шунинг учун нанокимёгарлар бу муаммони ечишнинг яхши услубини таклиф қилдилар: юқорида келтирилган жойлар деворларини кумуш нанозаррачалари қўшилган бўёқлар билан бўяш керак. Тажрибалар шуни кўрсатди-ки, ана шундай бўёқ билан бўялган девор ва шипларда ҳеч қандай патоген микроорганизмлар яшайолмас экан.

Инфекциядан тозалашдан ташқари кумуш нанозаррачалар юқори ток ўтказувчанлик хусусиятига эга, бу хусусият ҳар хил ток ўтказувчи клейларни яратиш имконини беради. Бундай клей микроэлектроникада жуда кичик электрон деталларини бир – бирига улашда ишлатилиши мумкин.

Кумуш заррачалари ҳақида кўп гапириш мумкин, қаерда тозалик ва гигиенани сақлаш ҳақида гап борар экан, бундай заррачалар бебаҳо ёрдамчидурлар. Бу ерда яна бошқа нанозаррачалар ҳақида ҳам гапириш мумкин эди: рух оксиди ZnO, серпентин, SiO<sub>2</sub>, висмут, кобальт ва ҳ.к.лар. Уларнинг

ҳам ишлатилиш соҳалари жуда кенг: наноэлектроника, лазер физикаси, авиация, фармацевтика, қурилиш индустрияси, экология ва ҳ.к. Айтилганлар ҳақида Интернетда жуда кўп қизиқарли мақолаларни топиш мумкин. Шунинг учун яна битта ажойиб нарса – «ақлли» материаллар ҳақида тўхталамиз.

**«Ақлли» материаллар.** Нанокимёнинг асосий вазифаларидан бири – турли наноматериалларни синтез қилишdir. Бундай материалларнинг хоссалари, уларда нанозаррачалар бўлганлиги туфайли, оддий материалларнидан кескин фарқ қилади. Бунга оддий мисол: нанотехнология услублари ёрдамида олинган темирнинг мустаҳкамлиги оддий темирнидан 2-З марта, қаттиқлиги 50-70 марта, коррозияга чидамлилиги 1012 марта катта!

Уникаль хоссаларга эга бўлган наноматериалларнинг хилма – хиллиги одамни ҳайратга солади: ўта енгил ва ўта мустаҳкам наноқопламалар, улар истаган юзани ҳимоя қилаверади – самолётлар, станоклар, ўз – ўзини тозалайдиган газламалар, радиотўлқинларнинг заарли таъсирини олдини олиш.

«Ақлли» материаллар атроф муҳитда юз бераётган ўзгаришларга актив равища реакция беради ва ўзларининг хоссаларини шароитга қараб ўзгартиришлари мумкин. Ана шундай материаллардан бирини табиатнинг ўзи яратган: бу одамнинг териси. Одам терисида миллиардлаб сезгир датчиклар жойлашган ва улар мия билан боғланган. Ҳаттоқи ёпиқ кўз билан ҳам биз думалоқни квадратдан, хўлни қуруқдан, иссиқни совукдан осонликча ажрата оламиз, кесилган жойлари ўз-ўзини тиклай олади, одамнинг бўйи ўсган сари организмнинг янги жойларини ўзи қура олади ва ҳ.к.

Бундан ташқари одамнинг териси юқори температурада организмни иссиқдан сақлаш учун хизмат қиласиган тер чиқарадиган уникаль системага эга. Соғлом одамнинг бадан температураси  $36,6^{\circ}\text{C}$  га teng. Агар шу температура 2-3 градусга камайса одамнинг қуввати кетади, ўзини ёмон ҳис қиласи, хотираси пасаяди ва ҳ.к. Агар температура  $30^{\circ}$  дан камайса, соғлик учун хавф туғилади,  $27^{\circ}$  да одам комага тушиб қолади, юрак уриши ва нафас олиш қийинлашади. Агар организм температураси  $25^{\circ}\text{C}$  дан пасайса, критик

ахвол юзага келади – одам ўлади. Температуранинг ошиб кетиши ҳам одам ҳаётига хавф туғдиради.  $42^{\circ}\text{C}$  инсон учун критик температура ҳисобланади – бунда миядаги модда алмашинуви бузилади, одам хушидан кетади. Агар бу температура пасаймаса, мия жароҳатланади ва одам ўлади.


Шунга қарамасдан, одам  $42^{\circ}\text{C}$  дан анча юкори бўлган температурага ҳам чидай олади – бундай имкониятни унга теримизга «жойлаштирилган» тер безлари туғдириб беради. Атроф муҳитда температура ошиб кетса бизнинг теримиз бунга автоматик равишда бадандан тер чиқаришни тезлатиб жавоб беради. Тер томчилари уларга тегиб турган ҳаво қатламидан иссиқлик энергиясини ютиб буғланади ва натижада ҳавонинг одамга тегиб турган қисмларида температура нормал даражагача пасаяди.

Олимлар ҳам табиатдан ўрганиб, саноат объектларини юкори температурадан сақлаш учун «терлайдиган» металл кашф қилишган. Ўзига хос «ақлли» материал бўлган бу металл тешикларига мисс микрозаррачалари киритилган ғовак пўлатдир. Миснинг эриш температураси ( $\sim 1000^{\circ}\text{C}$ ) пўлатниги ( $\sim 1400^{\circ}\text{C}$ ) қараганда паст бўлганлиги учун, температура маълум критик қийматга етганда пўлат «терлай бошлайди» - ғовакдаги мис заррачалари кенгайиб ғовакдан ташқарига чиқа бошлайди, бунда улар ортиқча иссиқликни пўлат ичидан ташқарига олиб чиқади. Ҳаво совуса, мис ҳам совийди ва яна ғовак ичига сўрилиб кириб кетади ва материал ўзининг аввалги ҳолатига қайтади.

«Ақлли материаллардан» турли – туман «ақлли кийимлар» тикса бўлади. Бундай кийимлардан бири температуранинг ўзгаришига реакция беради; кун исиб кетса бу кийим ҳавони ўтказа бошлайди, совуб кетса зичлашади ва иссиқликни ташқарига чиқармай қўяди. Бошқаси тамаки ҳидини ўзидан ҳайдайди, яна бошқаси – спортсменларники, баданинг совутиб туради. Шундай костюм ва курткалар бўладики, уларни кийган одамнинг размерига мослаб ўзларини ўзгартирадилар, чивинларни ҳайдайдилар, носкилар эса оёқ ҳидини эмас, гуллар ароматини тарқатадилар, чемоданга буклаб тиқиб ташланган қўйлак умуман ғижим бўлмайди, майка материалига ўрнатилган нанодатчиклар

эгасининг юрак уриши, нафас олиши, қон босимларини текшириб туради, агар кишининг соғлигига хавф туғилса, бу датчиклар ўша ерга яқин тез ёрдам станциясига хабар беради ва одамнинг ҳаётини сақлаб қоладилар.

Яна бир ажойибот – «кўринмас одам». Нанотехнология одамнинг устки кийимиға шундай хусусият бериши мумкин-ки, натижада уни кийган одам кўринмай қолиши мумкин. Бундай кийимнинг ишлаш принципи жуда оддий: у наноматериалдан тикилган ва унга нановидеодатчиклар ҳамда нур тарқатувчи элементлар (наносветодиодлар) ўрнатилган бўлади. Орқада жойлашган видеодатчиклар ўша тарафдаги манзаранинг тасвирини қабул қилиб уни кийимнинг олди тарафига ўтказади ва бу тасвир яна қайтадан олдига қараб нурлатилади. Бошқача айтганда кузатувчига одамнинг орқасидаги манзара кўрингандай бўлади, лекин одамнинг ўзи кўринмайди. (Расм -23).



*Расм -23. Кўринмас костюмнинг ишлаш принципи.*

Бундай кийимларнинг биринчи намуналари намойиш ҳам қилинди, ғоянинг реал эканлигига ишонч ҳосил бўлди. Албатта, ҳозирчалик «кўринмас костюмнинг» камчиликлари кўп, лекин техника имкониятлари такомиллашиб яқин йилларда ҳақиқий «кўринмас одамлар» пайдо бўлса керак. Шубҳасиз-ки, бундай ютуқдан биринчи бўлиб ҳарбийлар фойдаланадилар ва унинг сирлари қаттиқ сақланса керак.


## **7.2. Нанотехнология истиқболлари.**

Нанотехнологик революция бутун дунё бўйича борган сари ўз темпини ошириб боряпти. Яқин 10 – 15 йил ичида бу йўналиш қўп мамлакатларнинг экономикасини, ишлаб чиқаришини, фан ва техникасини кескин равища ўзгаририб юборади, одамларнинг ҳаётида катта ўзгаришлар бўлади. Янги фан ва технологияларнинг ютуқларидан усталик билан унумли фойдаланиш қўп мамлакатларнинг стратегик вазифаси ва бошқалар устидан эришилган устунлиги бўлиб қолади. Шунинг учун бу соҳада ҳар бир мамлакат учун ўз ориентациясини ва ўз йўлини топиб олиши муҳим аҳамиятга эгадир. Нанотехнология – бу янги глобал технологик идеологиядир. Бу технологиядан келажакда инсоният нимани кутса бўлади? Бундай саволларнинг баъзиларига бугун ҳам жавоб берса бўлади, бошқалари эса вақтни ва уларни чуқур ўрганишни талаб қиласди. Ҳозир эса қўйидаги ҳулосаларни қилиш мумкин:

1. Нанотехнологияларни яхши ўзлаштириб уларни ишлаб чиқариш рельсларига ўрната олган мамлакатларнинг экономикаси олға қараб катта қадам ташлайди. Ишлаб чиқариш приоритетлари ва структурасида катта ўзгаришлар юз беради, демак ишчилар, мухандислар ва менеджерларнинг янги авлоди (янги формацияси) керак бўлади. Маҳсулотлар тез – тез ўзгариб (янгиланиб) туради, шу сабабли ҳамма (оддий ишчилар ҳам, раҳбарлар ҳам) мустакил равища ўз билимларини ошириб туришга мажбур бўладилар. XXI асрдаги олий таълим, шу сабабли, узлуксиз таълимга айланади, одам ўз ҳаётининг фаол қисмида таълим олишни тўхтатмасдан давом эттиради ва такомиллаштириб бораверади.

Олий таълимнинг янги парадигмаси билимнинг нимадан иборат эканлигини (русчада «содержание», инглизча «sontent») эмас, билимни олиш (ёки эгаллаш) технологиясини биринчи ўринга қўяди. Бу технология ривожланган давлатларда Е – леарнинг (Elestronis- леарнинг) деган ном олди. Қатор мамлакатларда билим ва юқори технологияларга асосланган экономика юзага келди, бу экономика заҳиралари чегаралangan газ, нефть ва ўрмонларга эмас, аксинча, фан ютуқларига асосланади.

2. 2020 – йилга бориб нанотехнологиялар маҳсулотлари бозори қўйида кўрсатилган диаграммадек бўлиши кутилмоқда:



3. Наноэнергетикада катта ўзгаришлар бўлади, янги принципларга асосланган двигателлар ишлаб чиқарилади ва натижада ҳавонинг ифлосланиши анча камаяди.

4. Атрофимизни ўраб турган нарсалар уларга микрочиплар ўрнатилиши натижасида интеллектуал ҳусусиятларга эга бўлиб қоладилар. Улар ўзгараётган шароитга мослашиш ва ишларининг режимини оптимал вариантда бажариш имкониятига эга бўладилар. Бошқача айтганда, кийимлар бадани яхшироқ исита бошлайдилар, хонадаги ҳарорат ва ёритилганлик одамнинг хоҳишига мослашадилар, автомобиллар оптимал маршрутни топиб юрадилар ва бошқа автомобиллар билан тўқнашишнинг олдини олишни ўрганадилар.


5. Дорилар, диагностика, даволаш бутунлай янги принципларга асосланади, фармацевтика ва тиббиётда кескин ўзгаришлар юз беради, даволаниш арzonроқ ва эффективроқ бўлади, бу эса инсоннинг умрини анча узайтиради, ҳаётини соғломроқ қиласди.

6. Ҳарбий техникада, аскарлар кийимида, терроризмга қарши курашиш услубларида катта ўзгаришлар юз беради, ҳаёт эса янада хавфсиз бўлади.

7. Сунъий интеллектга эга бўлган нанороботларни ўз – ўзини кўпайтириш услубида ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва атроф-мухитни, шу жумладан космосни роботлар ёрдамида ўзлаштириш бошланади.

8. Ишлаб чиқариш унумдорлиги ошиши туфайли одамларда бўш вақт кўпаяди, бу вақтни улар руҳий ривожланиш, таълим, спорт ва дам олишга ишлатадилар, инсон психологиясида, дунёқарашида катта ўзгаришлар бўлади, бу ўзгаришларни фалсафий таҳлил қилиш ва уларни ҳаётни яхшилашга қаратиш устида ишлар олиб борилади.


### «Наноробот» нима?



Кейинги пайтларда нанотехнологиялар ҳақида тез-тез эшитиб турибиз. Олимларнинг яқинда барча касалликларни нанороботлар даволаши ва инсон деярли абадий яшаши ҳақидаги фикрлари барчани ҳайратлантирум оқда. Мазкур саҳифамиизда нанороботлар ҳақида ҳикоя қилишга қарор қилдик.

Нанороботлар ёки наноботлар - ҳаракатланиш, ахборотларни ишлаб чиқиш ва узатиш, дастурларни бажариш функцияларига эга катталиги молекулага teng (10 нм.дан кичик) роботлардир.

Ўз нусхаларини яратишга, яъни ўзини-ўзи ишлаб чиқаришга қодир нанороботлар репликаторлар деб аталади.



Бошқа тушунчалар нанороботни нанокатталиқдаги обьектлар билан аник үзаро алокаларда бўла оладиган ёки нанокатталиқда обьектларни бошқаришга қодир машина сифатида таърифлайди. Шу сабабли ҳатто атомли-куватли микроскоп каби катта аппаратни ҳам наноробот деб ҳисоблаш мумкин, чунки у нанодаражада обьектларни бошқаришни амалга оширади. Бундан ташқари, ҳатто нанокатталик аниқлигига ҳаракатлана оладиган оддий роботларни ҳам наноробот деб ҳисоблаш мумкин.

«Наноробот» сўзидан ташқари «нанит» ва «наноген» ибораларидан ҳам фойдаланилади, бироқ жиддий инженерлик тадқиқотлари мазмунида биринчи варианти барибир техник жиҳатдан тўғри терминлигича қолади.

### **Технологияларнинг ривожланганлиги даражаси**

Ҳозирги даврда нанороботлар яратилиши илмий-тадқиқотчилик босқичида, олимлар нанороботлар баъзи компонентлари яратилиб бўлинди деб таъкидламоқдалар. Қатор халқаро илмий конференциялар наноқурилмалар компонентлари ва бевосита нанороботларни ишлаб чиқишига бағишлианди.

Ҳозирда молекуляр машиналарнинг баъзи содда намуналари яратилишига эришилди. Мисол учун, кимёвий намуналарда алоҳида молекулалар ҳисобини олиб боришга қодир тахминан 1,5 нм лик ишга солиш мосламасига эга датчик, яқинда Райс университети замонавий автомобилларда кимёвий жараёнларни бошқаришда фойдаланилиш учун наноқурилмани намойиш этди.

## **Қўллаш мумкин бўлган соҳалар**

Агар наномашиналар пайдо бўлса, биринчи ўринда тиббиёт технологияларида уларни фойдали қўллаш режалаштирилмоқда, бу ерда улар саратон касаллиги(рак) ҳужайраларини аниқлаш ва йўқотиш учун фойдаланилиши мумкин. Шу билан бирга, улар атроф-муҳитда заҳарли кимёвий моддаларни аниқлаши ва уларнинг миқдори даражасини ўзгартириши мумкин.

**Қўлланилиши мумкин бўлган соҳалар:**

- саратонни эрта ташҳиз қилиш ва дориларни саратон ҳужайраларига мақсадга мувофиқ етказиб бериш;
- биотиббиёт инструментарийлари;
- жарроҳлик;
- фармакокинетика;
- қанд касаллиги беморларини мониторинг қилиш;
- нанороботлар билан молекуляр йиғиш чизмаси асосида алоҳида молекулалардан қурилмани ишлаб чиқариш;
- кузатиш ва жосуслик воситаси сифатида ҳамда қурол сифатида ҳарбий соҳада қўллаш. Нанороботлардан баъзи фантастик фильмларда (Терминатор 2: Судный день, День, Когда остановилась Земля (фильм, 2008), Бросок кобры) намойиш этиладиган қурол сифатида фойдаланиш имконияти. Космик тадқиқотлар ва ишланмалар (мисол учун, фон Нейман зондлари).

## **«Нанороботлар» гепатит С вирусини енгдилар**

Тадқиқотчилар биринчи бор вируслар қўпайишини тўхтатишга қодир дастурлаштирилган нанозарраларни яратишга эришдилар. Флорида Университети олимлари томонидан яратилган «нанороботлар» лаборатория тест-синовларида организмни касаллантиришга улгурган гепатит С вирусини енга олдилар. Шу пайтгача мана шундай даволаш мумкин бўлмаган ва янги технология саратон ёки вирусли инфексиялар каби «бедаво» касалликларни даволаш учун катта истиқболлар очиб беради.

Олимлар жигарда гепатит С вируслари кўпайишини тўхтатиш учун мўлжалланган нанозарраларни яратдилар ва тест-синовларидан ўтказдилар.

Янги, нанозйме деб аталган препарат юзага икки асосий биологик компонентлар билан қопланган олтин нанозарраларидан ташкил топган. Биринчи компоненти - бу вирус РНКни парчалайдиган фермент. Иккинчи компонент - вирусли генетик материални нишонга йўналтирадиган ва унга ферментни йўналтирадиган катта молекула, ДНК-олигонуклеотид. Биринчи компонент ўз-ўзидан гепатит С ни аниқлаб хужум қилишга қодир, аммо икки моддалар комбинацияси нанозймени аниқ патогенга йўналтириш ҳамда уни йўқотишига имкон беради.

Лаборатория синовларида нанозйме ёрдамида даволаш организмда гепатит С вирус даражасини деярли юз фоизли пасайтиришга олиб келди. Бундан ташқари, ушбу даволаш ҳеч қандай иммун реакцияларини келтириб чиқармади, демак, заарли таъсирларни ҳам келтириб чиқармайди.

Даволаш янги методикасининг асосий устунлиги - нанозарраларни турли патогенларга хужумга созлаш имкони ҳисобланади. Назарий жиҳатдан, нанозймени исталган вирусга ва саратон хужайралари билан курашга мослаштириш мумкин. Организмнинг иммун тизими учун ўзгармас бўлиб қолиб нанозарралар вируслар ва заарли хужайраларни парчалайди ҳамда кўпайишига йўл қўймайди, организмни ҳозиргача бедаво бўлган инфексиялардан тозалайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Нанотехнология – бу янги глобал технологик идеологиядир. Бу технологиядан келажакда инсоният нимани кутса бўлади?
2. «Наноробот» нима?
3. Наномашиналар қандай соҳаларда кўлланилади?
4. Нанозарралар инсон организмида қандай функцияни бажаради?
5. Нанотехнология услублари ёрдамида олинган темирнинг мустахкамлиги, қаттиқлиги, коррозияга чидамлилиги оддий темирникидан неча марта катта?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. A.K. Haghi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011
2. Garry G. Azgaldov. Applied qualimetry: its origins errors and misconceptions. Emerald Group Publishing Limited. 2011.
3. Нанотехнология в ближайшем десятилетии под. ред. М. Роко; пер. с англ. Под.ред. Р.А. Андриевского. М. Мир, 2003 год. 295 стр.
4. Пул Ч., Оуэнс Ф. Нанотехнологии /пер. с англ. под. ред. Ю.И. Головина, М. Техносфера, 2004. 328 стр.
5. Wolf E.L. Nanophysics and nanotechnology. An introduction to Modern Concepts in Nanoscience. Wein'eim: Wiley – VCh Publication, 2004. 300.
6. WWW.nanonewsnet.ru.
7. WWW.cbio.ru.
8. WWW.nanonewsnet.com.

## **8-мавзу: Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари, истиқболлари, муаммолари ва инновациялари.**

**Режа:**

- 1. Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари**
- 2. Фармацевтик кимёнинг истиқболлари, муаммолари**
- 3. Фармацевтик кимё, унинг муаммолари ва инновациялари**

**Таянч иборалар:** Дори препаратлари, фармацевтика саноати

### **8.1.Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари.**

Сўнгги йилларда энг муҳим кимёвий ривожланган саноатлардан бири, бу Фармацевтика саноатидир, муҳим мавқега эга бўлган катта инновацион ғоялар асосида ўзгаришлар бўлмокда. Ривожланган мамлакатларда фармацевтика ва фармацевтика саноати илмий-тадқиқот институтларида килинадиган илмий ишлар натижасида бир вақтнинг ўзида янги юқори намунали дорилар ишлаб чиқарувчи корхоналар асосида ривожланмоқда.

Фармацевтика саноатида ишлаб чиқарилаётган кимёвий моддалар, яъни маҳсулотлар атроф-муҳит хавфсизлигига таъсир қиласлиги, инсон саломатлиги учун соғлиқни сақлаш қоидаларга риоя қилишилиги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Фармацевтика саноатидан яхши кўплаб интенсив фойдаланиш учун маълум нефт-кимё бошланғич материаллар, анъанавий синтетик йўналишлар анъанавий методларни, саноат жараёнлар учун юқори энергия талаблари бўлишини, тозалаш ва ишлаб чиқариш учун органик эритувчилардан тўғри танлашни тақазо киласди.



### Фармацевтика саноати фаолиятини схематик боғлиқлиги

Глобал миқёсда Фармацевтика саноати кимёвий энг даромадли саноат ҳисобланади, ишлаб чиқарылган дорилар қиймати (2008) ~ 740 миллиард \$. бўлиб, ҳар йили 5-6% ўсиб ортади.

Фармацевтика саноатида ушбу дорининг (бозор савдо) ярмидан кўпи АҚШ да (53,5%), Европа Иттифоқи мамлакатларида 28% ва Осиё-Тинч океани (Япония, Австралия) дорилар қиймати 18,5% да ишлаб чиқарилади. Беш мамлакатлардан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония ва Франция энг фармацевтика саноати ривожланган давлатлар ҳисобланади (глобал фармацевтика).

Дори маҳсулотлари ишлаб чиқариш натижасида фармацевтика саноати бошига кўпроқ чиқинди чиқаради. Бошқа кимё саноати (нефт-кимё, қўйма, кимёвий моддалар, полимер ва ҳоказо) маҳсулотларига нисбатан фармацевтика саноати органик синтетик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда камроқ чиқиндилар чиқаради.

Фармацевтика саноати органик синтетик жараёнлар билан боғлик ҳолатда дori ишлаб чиқариш, ажратиш ва уларнинг маҳсулотларини тозалаш учун турли хил органик эритувчилардан фойдаланилади. Органик маҳсулотларнинг маълум чиқинди қиймати ҳамда уларнинг заҳарли хусусиятлари бўлади.

Охирги ўн йилликда фармацевтикада кимёвий ғоялар тарғиб килувчи ва ишлаб чиқарувчиларнинг сони ортиши билан ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлиги ошди. Энг инвестициялари катта фармацевтика компаниялардан (Р & Д) бўлимлари янги дори учун илмий тадқиқот ва тараққиёт капиталининг улусидан фойдаланмоқда.

Сув манбаларини саноат чиқиндиларидан экологик ифлосланиши натижасида дори ва доривор маҳсулотлар учун нафақат, балки ишлаб чиқариш қоидалари изларидан чиққан. Фармацевтика саноатида ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қуиши учун кам заҳарли реагентлардан фойдаланиш, чиқинди сувлар ва қаттиқ чиқиндиларни камайтириш керак бўлади.

АҚШ дунёдаги энг катта фармацевтика компаниялари эга, дори ва тиббий маҳсулотларни 50% ортиқ ишлаб чиқаради.

Органик эритувчи фармацевтика саноатида муҳим масала ҳисобланади. Органик эритувчилардан ацетон ( $\text{CH}_3\text{COCH}_3$ ), этанол ( $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{OH}$ )лар кўп, кам заҳари бор метанол ( $\text{CH}_3\text{OH}$ ), 2-пропанол ( $\text{CH}_3\text{C(OH)}\text{CH}_3$ ), этил ацетат ( $\text{CH}_3\text{COOC}_2\text{H}_5$ ), изопропил ацетат, метил этил кетон ( $\text{CH}_3\text{COCH}_2\text{CH}_3$ ), 1-бутанол хамда бошқа кимёвий моддалар кам ишлатилади.

Циклогексан, н-гептан, толуол, метилгексан, сирка кислота ва этиленгликол уларнинг заҳарлилиги қарамай хам улар органик синтез ишлатилади.

Фармацевтика саноати бўйича кўплаб тадқиқотчилар ташаббуслари билан инсон саломатлиги учун заҳарли эритувчиларни алмаштириш керак бўлди.

Фармацевтика саноатида ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини янги ва инновацион техникасидан фойдаланиб, муҳим мавқега эга бўлган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва чиқиндиларни қайта ишлашни йўлга қўйиш керак.

Дори препаратларини яратиш ва уларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга кўмаклашиш фармацевтика саноати фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир<sup>9</sup>.


## **8.2.Фармацевтик кимё, унинг истиқболлари, муаммолари.**

Ўзбекистон фармацевтика саноати истиқтол ўйларида жадал ривожланиб бораётган тармоққа айланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998-йил 10-ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги фармонига мувофик соҳада самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксиз такомиллаштирилиб, янги технологиялар ўзлаштирилмоқда, мамлакатимиз фармацевтика бозорини сифатли дори-дармон билан таоминлашга оид амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти директори, техника фанлари доктори Шомансур Саъдуллаев Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирига институтда бу борада амалга оширилаётган инновацион фаолият натижалари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди: Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимиз олимларининг инновацион ишланмалари, улар томонидан яратилган илғор технологиялар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўзбекистоннинг бой табобот дунёси, хусусан, хорижда ўхшаши йўқ дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш имконини бераётир. Сўнгги 20-йилда институтимиз мутахассислари етмиш турдан ортиқ ўсимликни ўрганди, юзга яқин табиий бирикмаларни ажратиб олди. Дунёда илк бор тиббиётда "Аллапинин" антиаритмик препарати жорий этилиб, Ўзбекистон ва чет элда ҳаётий муҳим дори воситалари рўйхатига киритилди.

---

<sup>9</sup> A. Valavanidis and T. Vlachogianni GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING ATHENS, 2012. 117-120



### **8.3.Фармацевтик кимё, унинг муаммолари ва инновациялари.**

Фармацевтик кимё, унинг муаммолари ва инновациялари Ўзбекистонда фармацевтика соҳасида умумий қиймати 222.52 млн долларни ташкил қиласидиган жами 48 лойиҳа амалга оширилди. Улардан 23таси шу йилнинг ўзидаёқ яқунланади. Бу ҳақида Ўзфармсаноат давлат акциядорлик концернининг Тошкентда ўтказилган, фармацевтика соҳасига ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларига бағишлиланган матбуот анжуманида айтилди.

Асосан чет элдан импорт қилинадиган ва талабга мос дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича корхоналарни ташкил қилишга қаратилган лойиҳаларга биринчи даражали эътибор берилади. Булар сирасига юрак-томир касалликларини даволашга мўлжалланган милдронат фармацевтик моддаси асосидаги капсулали ва ампулали препаратларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш”; Доривор эритмалар, таблеткалар, малхамлар ва шамлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш”; Фармацевтик моддалар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” сингари лойиҳалар киради.



Охирги йилларда республика фармацевтика саноатига 300 млн долларлик инвестициялар жалб қилинганд бўлиб, улардан 100 млн доллари хорижий инвестициялардир. Фармацевтика соҳасида 48 та янги инвестицион лойиҳа амалга оширилади.

«Ўзфармсаноат» ДАК маълумотларига қараганда, бу йил республика дори- дармон саноатида умумий қиймати 222,52 млн. АҚШ долларига teng 48 янги лойиҳанинг амалга оширилиши белгиланган. Улардан 23 таси шу йил охиригача ишга туширилади. Хусусан, ушбу лойиҳалар асосида талаб юқори бўлган ва четдан келтирилаётган дори воситаларини ўзимизда ишлаб чиқариш кўзда тутилган.



Бугунги кунда мамлакатимиз фармацевтика саноатида 130 га яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан қарийб 90 таси “Ўзфармсаноат” ДАК тизимидағи корхоналардир. Сўнгги йилларда фарм саноатига 300 млн. АҚШ долларига тенг инвестициялар жалб этилди. Уларнинг 100 млн. доллари бу тўгридан тўгри хориж сармояларидир. Ўзбекистондаги мавжуд дори- дармон корхоналари капитали тузилмасида чет эллик ҳамкорлар улуши 36 фоизни, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссаси эса 64 фоиз ни ташкил этмоқда.

Кейинги йилларда мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиши натижасида 30 турдаги ва 96 фармакотерапевтик грухга мансуб маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарилиб, улар тиббий амалиётга татбиқ этилди. Ишлаб чиқариш ҳажми эса маблаг қўринишида 4,5 баробарга ўсди.

Бугун маҳаллий дори- дармон бозорида суюқ дори воситалари ва боголаш материаллари 100 фоиз ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Таблетка, иноексия, турли мазлар, антибиотиклар, иммунобиологик препаратларни 20 дан 40 фоизгача маҳаллий корхоналар етказиб бермоқда.

Маҳаллий бозордаги дори воситаларининг 82 фоизи «Ўзфармсаноат» ДАК тизимидағи корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, 2014 йилда улар томонидан 543,8 млн. сўмлик 619 млн. дона фармацевтик маҳсулотлар тайёрланган.

Дори воситалари экспорти ҳажми ҳам ижобий динамикани кўрсатмоқда. Хусусан, ўтган йили 9,3 млн. АҚШ долларига тенг дори дармонлар четга етказиб берилган.

Соҳанинг тез суръатлар билан ривожланишини таъминлаш мақсадида алоҳида йўналишдаги инвестицион лойиҳаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2014 йилда умумий қиймати 309,45 млн. АҚШ долларига тенг 31 янги лойиҳага старт берилган. Ўтган йил охирида белгиланган 13 та лойиҳа ўрнига 17 таси фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида юқори технологик корхоналар ишга туширилиб, уларда 1000 га яқин янги иш жойлари ташкил этилди.



Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган "PharmMedExpo Ўзбекистан" Халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси худди шу каби тадбирлар сериясининг якунини сарҳисоб қилмоқда. Нафақат охирги йилда, балки истиқлол даврида мамлакатимизнинг фармацевтика соҳаси сезиларли натижаларга эришди. Сўнги йиллар мобайнида фармацевтика корхоналарининг сони 124 тага, маҳаллий рўйхатга олинган дори-дармонларнинг сони эса 1000 тага етди, республикада айни вақтда 250 га яқин турдаги шахсий медицина техникиси ва диагностик ускуналар ишаб чиқарилмоқда, - деди Дори воситалари ва тиббиёт техникалари сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Исмат Азизов " PharmMedExpo Ўзбекистан" кўргазмаси очилишига бағишланган матбуот анжуманида.

Хозирда республиканинг 9 та фармацевтика корхоналари халқаро сифат сертификатига эга ва қолган компанияларни сертификатлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 20 дан ортиқ дори-дармонлар–миллий

олимларимизнинг оригинал ишловлари ҳисобланади. Фармацевтларимиз ва кимёгарларимизнинг эришувлари маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари экспортиning ҳар йили ўсишига ишонтиради. Фармкорхоналар маҳсулотлари аҳоли стандартига жавоб беради ва мазкур кўргазма ҳам маҳаллий, ҳам хорижий дори ва тиббиёт техникасини ишлаб чиқарувчиларга мустаҳкам ишли алоқаларни ўрнатишга кўмаклашади.

Дори воситалари – бу кимёвий формула ҳамда ахборот. Ахборот бўлмаса – дори ҳам илгари сурилмайди, - дейди Дори воситалари ва тиббиётга оид сиёsat маркази директори Мухаббат Ибрагимова. Соголиқни сақлаш ривожланишининг яхши кўrsatкичи дори бозорида маҳсулотларнинг 40%-маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнидир. Бунга Ўзбекистон Президенти катта эътибор қаратмоқда. Тиббиёт қишлоқ жойларда ва пойтахтда хизмат кўrsatiш бир хил даражада бўлишига интилмоқда ва бунинг учун қишлоқ касалхоналари замонавий ускуна ва дорилар билан жиҳозланмоқда. Фармсаноатни ва тиббиёт техникасини ишлаб чиқариш – бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жабҳаларда муҳим йўналиш ҳисобланади. "PharmMedExpo Ўзбекистан" Халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси бизнинг фармацевтика саноатимизнинг эришувларини намойиш этмоқда. 30 дан ортиқ иштирокчилар ўз маҳсулотларини Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Қозогистон, Украина, Сурия ва давлатлардан тақдим қилмоқдалар. Кўргазма ташкилотчиларидан бири - "Ўзфармсаноат" ДАК бугунги кунда 80 та корхонани бирлаштиради, мамлакатимизда фаолият юритаётган 124 та компаниядан 40 таси тайёр дори маҳсулотларини ишлаб чиқаради, 30 таси тиббиёт техникаси ва диагностик ускунани тайёрлаш билан шугулланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2011 йилда \$600 млн.ни ташкил қилди, 2016 йилга бориб ушбу кўrsatкични \$1 млрд.га етказиш мўлжалланган. Ўзбекистон фармацевтика бозори Марказий Осиё минтақасида энг катта ҳисобланади ва дори воситаларини экспортини кенгайтириш йўли билан янада ривожланишга йўналтирилган. Уларнинг 200 дан ортиқ номлари хорижда

рўйхатга олинган, бу фармацевтика воситалари соҳасида ишчи алоқаларни кенгайтиришга кенг имкониятларни очмоқда.

Тошкентда ўтказилаётган кўргазма нафақат янги тиббиёт технологиялар ва дори воситаларининг намойиши, бу биринчи навбатда ишчи алоқалар кенгаядиган, бозорнинг маълум сегментида илгари сурилаётган маҳсулотларга талаб ва таклиф шаклланадиган профессионаллар форуми хамдир. Кўргазмада кенг спектрдаги аноанавий ва янги фармакологик воситалар тақдим қилинган – офтальмологик дори воситаларидан то санитария воситаларигача, замонавий тиббиёт материаллари ва диагностик технологиялар намойиш қилинмоқда, шунингдек тиббиёт ва лаборатория саноати ускуналари тақдим қилинган. Кўргазмага Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзфармсаноат" ДАК, Хорижий фармацевтика компаниялари ваколатхоналари ўюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси расмий кўмак берди.

### **Назорат саволлари:**

1. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги фармонига қачон қабул қилинган ?
2. Маҳаллий бозордаги дори воситаларининг неча фоизи «Ўзфармсаноат» ДАК тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда?
3. Фармацевтик кимёning муаммолари нималардан иборат?
4. Фармацевтик кимёning ривожланиши бўйича янги инновациялари хақида қандай маълумотларни биласиз?
5. Ўзбекистонда фармацевтика саноати қайси мамлакатлар билан доимо алоқада бўлган?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.A. Valavanidis and T. Vlachogianni GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING ATHENS, 2012. 117-120
3. Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006.

## **IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот:**

**Кимё фанининг ривожланиш босқичлари ва тараққиёт тенденциялари.**

**Ишдан мақсад:** Бутун дунё кимёгар олимлари, жумладан Италиялик М. Джуа кимё тарихини қуйида келтирилган 5 та катта даврини ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Бутун дунё кимёгар олимлари, жумладан Италиялик М. Джуа кимё тарихини қуйида келтирилган 5 та катта даврга бўлишни таклиф килди.

**А. Кимёнинг алкимёдан аввалги даври.** Бу давр дунёда маданият бошланишидан тортиб то IV асрга қадар давом этган. Амалий кимё миллоддан қарийб 4 минг йил илгари Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой мамлакатларида ривожлана бошлияди. Амалий кимёвий билимлар Мисрдан қадимги дунёнинг турли қисмларига тарқалган «Кимё» сўзининг келиб чиқиши хақида иккита фикр бор:

биринчиси: «Кимё» - араб тилида «қора» деган маънони билдиради; бу сўз Нил дарёси бўйидаги қора тупроқли жойларда амалий кимё тараққий этганидан келиб чиқсан бўлса керак;

иккинчиси: «Кимё» сўзи юонча бўлиб, асл металлар ишлаб чиқариш технологиясини билдиради.

Ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида ижод этган табиатшунослар орасида дунёга танилган олимлар орасидан Бухоролик Абу Али ибн Сино (980-1034) тиббиёт соҳасида жуда кўп ишлар билан машхурдир. Унинг фикрича кимёвий билимлар оддий моддалардан олтин олишга эмас, балки доривор моддалар яратишга хизмат қилиши керак.

Хоразмда яшаб ижод этган Абу Райхон Беруний (980-1048) нинг «қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами» деган рисоласи ўша замондаги Марказий Осиё, Яқин Шарқ, хатто Европада хам маъданшунослик соҳасидаги энг йирик асар ҳисобланган.

**Б. Алкимё даври.** Бу давр IV асрдан XVI асрга қадар давом этади. Бу даврда яшаган кимёгарлар фалсафа тошининг сехрли кучларига ишониб, уни ахтарганлар: шу билан бирга узоқ умр баҳш этувчи элексир ва универсал эритувчи - алкагест каби моддаларни топишга интилганлар; улар турли афсоналарга ҳам қаттиқ ишонгандар.

**В. Кимёвий билимларнинг бирлашиш даври.** Бу давр ўз ичига XVI аср-XVIII асрларни олади. Бу вактда кимёда ядро - кимё (тиббиёт кимёси), пневматик кимё (газлар кимёси), флогистон назарияси, М. В. Ломоносов ва А. Л. Лавуазьенинг флогистонни рад этувчи системалар яратилган.

**Г. Миқдорий қонунлар даври.** XVII асрда кимёнинг асосий вазифларидан бири табиий металлар таркиби ва хоссаларини ўрганиш эди. XVIII асрда эса кимёвий элементлар ўзаро хоҳлаган миқдорда бирика оладими, ёки улар бир-бири билан бирикишида чекланишлар борми? деган муаммони ҳал этиш кимё фани учун асосий масала бўлиб қолди. Бу муаммони ҳал этишда бошланғич моддалар ва маҳсулотлар орасидаги миқдорий нисбатларни ўрганиш, илгари олинган маълумотларни кўриб чиқишига ва Ж. Пруст билан К. Бертолле орасидаги кўп йиллик мунозарани Пруст фойдасига ҳал этишига ва таркибнинг доимийлик қонунини таъриф этишига олиб келди. А. Л. Лавуазье кислород назарияси ҳамда таркибнинг доимийлик қонуни XIV аср бошланишида тараққий этган кимёвий таҳлил имкониятлари бошланғич моддалар билан бир қаторда маҳсулотлар таркибини мукаммал ўрганишни, металлар таркибини чуқур билишни, янги элементлар кашф этишни, уларнинг хоссаларини чуқур ўрганиш каби муҳим амалий ишларини ривожлантиришга сабаб бўлди. Бундай изчил йўналишга эга бўлган изланишлар натижасида муҳим маълумотлар тўпланди, анорганик моддалар турлари ва синфларга бўлиш усуллари шаклланди.

**Д. Кимёнинг ҳозирги замон даври.** Бу давр XIX асрнинг 60-йилларидан бошланиб ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Бу даврни «кимёнинг олтин даври» деб аташ мумкин. Бу вақт ичida кимёвий элементларнинг даврий системаси, стереокимё назарияси, атом тузилиши

яратилди, кимёвий боғланиш ва валентликнинг ҳақиқий маънолари ёритилди, кимё билан табий фанлар чегарисидаги соҳалар (масалан, физик кимё, биокимё, гиокимё, ноорганик кимё, биоорганик кимё, космо кимё, ядрокимё ва хоказолар) вужудга келди, синтетик кимё катта муваффақиятларга эришди, анорганик ва органик модда тушунчалари орасидаги кескин чегара йўқолиб, материяга тўғри фалсафий таъриф берилди.

Ўзбекистонда ва умуман, Марказий Осиёда кимёнинг кейинги йилларида тараққий этишини қуидаги беш даврга бўлиш мумкин.

**Биринчи давр** - бу революцияга қадар давр бўлиб, то 1920 йилгача давом этади. Бу давр ичида фақат ўлкани ўрганишга оид (табиий сувлар, қазилма бойликлар ва ёнувчи материалларни анализ қилиш) ишлар олиб борилди; чунончи Н.Тейх ташаббуси билан 1870 йилда Тошкентда биринчи кимё лабораторияси ташкил этилди. Кимё фани фақат гимназия ва билим юртида ўқитиларди.

**Иккинчи давр** 1920 йилдан 1933 йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади. 1920 йилда Ўрта Осиё давлат университети очилди. Бу давр ичида катта илмий ишларга тайёргарлик олиб борилди ва юқори иқтисосли кимёгарлар тайёрланди.

**Учинчи давр** 1933 йилдан 1941 йилгача давом этади. Бу давр ичида кимёнинг турли соҳаларида қўплаб илмий ишлар нашр этилди ва кимё саноати қурилишига киришилди.

**Тўртинчи давр** 1941-1945 йилларни ўз ичига олади. Шу даврда Марказий Осиёга вақтинча қўчиб келган кимё институтлари, кимё заводлари кимёгарлар билан маҳалий кимёгарлар орасида ҳамкорлик ва алоқа кучайди, улар амалий ишларни ҳамкорликда ҳал килишди. Бу давр кимё саноатининг кейинчалик тараққий этишига катта таъсир кўрсатди.

**Бешинчи давр** 1945 йилдан бошлаб шу кунгача давом этмоқда. Бу давр ичида Ўзбекистон кимёси йирик олимлар С. Ю. Юнусов, О. С. Содиков, И. П. Цукерваник, Х. У. Усмонов, К. С. Ахмедов, А. Султанов ва бошка олимлар раҳбарлигига катта-катта илмий текшириш институтларида, олий

мактабларнинг кафедраларида кимёвий изланишлар тарақкий этди. Айниқса, кимёнинг пахта учун зарур бўлган соҳалари чуқур ўрганилди. Марказий Осиёда кўплаб кимё заводлари барпо этилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Кимёнинг алкимёдан аввалги даврида кимлар томонидан қандай ишлар олиб борилган?
2. Алкимё даврида «фалсафа тоши» ҳақида фикрлар нималардан иборат?
3. Кимёвий билимларнинг бирлашиш давридаги ишлар нималардан иборат?
4. Микдорий қонунлар даврида қандай илмий ишлар қилинди?
5. Кимёнинг ҳозирги замон даврида кимё фанлари бўлимларида қандай ишлар олиб борилган?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. A.K. Haggi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011.
2. Stevanovic, M. Digital media in education system-review of international practice. Models of creative teaching. Available from <http://infoz.ffzg.hrINFuture>. New York, USA, 2011.
3. Garry G. Azgaldov. Applied qualimetry: its origins errors and misconceptions. Emerald Group Publishing Limited. 2011.

## **2-амалий машғулот:**

**Ўзбекистон Республикаси ФА ва кимёвий илмий–тадқиқот институтларида олиб борилаётган изланишлар.**

**Ишдан мақсад:** Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз илм-фани, етакчи илмий мактаблар, биринчи навбатда, энг йирик ва муҳим аҳамиятга эга ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини янада ривожлантириш

**Масаланинг қўйилиши:** Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз илм-фани, етакчи илмий мактаблар, биринчи навбатда, энг йирик ва муҳим аҳамиятга эга ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар янги тарихий воқеликларга мос келадиган фан-техника ва инновация соҳасида давлат сиёсатини изчил амалга ошириш учун ўзига хос рағбат бўлди.

### **Масаланинг қўйилиши: Полифеноллар лабораторияси**

Полифеноллар лабораторияси 1953 йил ташкил топган. Лаборатория асосчиси академик А.С. Содиқов. 1960 йилдан 1996 йилгача Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси А.Р. Беруний номидаги фан ва техника соҳасидаги Давлат мукофоти лауреати, кимё фанлари доктори, профессор А.И. Исмоилов лаборатория мудири бўлган.

1996 йилдан буён лабораторияга кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ихтирочи Д.Н. Далимов раҳбарлик қилмоқда.

### **Илмий йўналиши**

Полифенол (шулар қаторида госсипол), терпеноид (дитерпеноидлар, тритерпеноидлар) табиатига эга бўлган қуи молекуляр биорегуляторларни ажратиб олиш ва тузилишини аниқлаш, кимёвий модификация, тузилиш-функционал таҳлил, мақсадли синтез қилиш. Улар асосида кенг таъсир

доирасига эга бўлган дори воситаларини яратиш ва тиббиёт амалиётга татбиқ этиш. Хусусан:

- глициризин, глицирет кислоталари ва улар ҳосилалари супрамолекуляр кимёси фундаментал асоси, уларнинг физик кимёвий хоссаларини ҳар хил шароитларда ва тузилишининг ўзига хослигини ўрганиш.

- янги биологик фаол бирикмалар олиш мақсадида глициризин, глицирет кислоталари ва улар ҳосилаларини кимёвий ва супрамолекуляр модификациялаш, уларнинг физиологик фаолллигини ўрганиш, олинган маълумотларни тузилиш-функционал нуқтаи назардан таҳлил қилиш,

- глициризин, глицирет кислоталари ва уларнинг ҳосилалари асосида кенг таъсир доирасига эга дори воситаларини яратиш.

- госсипол (ғўзанинг специфик пигменти) ва унинг ҳосилалари кимёсининг фундаментал асослари, физик-кимёвий хоссалари ва тузилишининг ўзига хослигини ўрганиш.

- янги ҳосилаларини олиш мақсадида госсиполни кимёвий модификациялаш, уларнинг биологик фаолллигини ўрганиш, олинган натижаларни тузилиш-функционал нуқтаи назардан таҳлил қилиш.

- госсипол ва унинг ҳосилалари асосида кенг таъсир доирасига эга дори воситаларини яратиш.

### **Келажакга режалаштирилган ишлар**

Глициризин кислотаси, унингmonoаммонийли тузи, глицирет кислотаси янги ҳосилалари, госсипол ва уларнинг сувда эрувчан комплекслари синтези ва уларнинг тузилиш-функционал таҳлили.

Уларнинг сувдаги эритмалари физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, глициризин кислотаси, госсипол ва бошқа полифеноллар супрамолекуляр ҳосилалари асосида яллиғланишга, рак шишига қарши ва гемостатик фаолликка эга препаратларнинг янги дори шаклларини (гел, суппозитори, капсула, суртмалар) ишлаб чиқиши. Уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш учун меъёрий техник ҳужжатларни ишлаб чиқиши.

### **Илмий алоқалар**

- Россия ТФА Д.И. Ивановский номидаги Вирусология институти;
- Россия ТФА Н.Ф. Гамалей номидаги Эпидемиология ва микробиология ИТИ;
- Ўзбекистон ветеринария ИТИ;
- ЎзР эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ;
- ЎзР Тиббиёт академияси;
- ЎзР Тошкент Фармацевтика институти;
- ДАК “ЎзХимфарм.

**Халқаро грантлар :** - СРДФ (США, 2002); - ИНТАС (2003); - ИНТАС-УЗБЕКИСТАН (2006-2008); - СТСУ (2006).

### **Физик кимёвий тадқиқотлар лабораторияси**

Институт ташкил топгандан буён мавжуд бўлган оптик-аналитик гурухи асосида 1982 йилда Физик кимёвий тадқиқотлар лабораторияси очилган. Лабораторияда тадқиқотлар ўтказиш учун физик-кимёвий усувларнинг кенг комплексидан фойдаланилади, мисол тариқасида магнит спектроскопия усувлари (ЯМРва ЭПР), оптик спектроскопия усувлари (ИК, УБ ва спектрофотометрия), флуорисцент спектроскопия, рентген структуравий таҳлил, дифференциал сканерловчи калориметрия усули, полярография, қўшқатламли липидли мембраналардан ўтказувчанлик хусусиятларини ўрганиш усули, кондуктометрия ва бошқа биофизик усувларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Лабораториянинг асосий илмий йўналиши биологик фаол моддаларнинг, уларнинг комплексларини, ва физиологик фаол моддаларни хужайралар билан таъсирилашиб хусусиятларини ўрганишдан иборат. Мазкур илмий йўналишлар икки гурӯҳ орқали бажарилади.

### **Биологик мембраналар билан физиологик фаол моддаларни ўзаро таъсирини ўрганадиган гурӯҳ**

#### **Илмий йўналиш**

Ҳайвонлардан ва ўсимликлардан ажратиб олинган физиологик фаол моддаларни, турли дори воситаларини биологик ва сунъий мембраналарни

структурасига таъсири ўрганилади. Бунинг учун комплекс физик-кимёвий усуллардан фойдаланилади (ЭПР, ЯМР спектроскопия, флуорисцент спектроскопия, ДСК, қўшқатламли липидли мембраналар техникаси, кондуктометрия, компьютер дастурлари ёрдамида хисоблаш усуллари ва молекуляр моделлаштириш усуллари). Тадқиқотлар объектлари сифатида ўсимлик ва ҳайвон оқсиллари ва пептиidlари, краун-эфирлар, табиий полифеноллар ва уларнинг ҳосиллари ҳам супрамолекуляр комплексларидан фойдаланилади.

### **Режалаштирилган ишлар**

- прион-пептиidlарни липидли мембраналар билан таъсирашишини чуқурроқ ўрганиш. Пептиднинг патологик формасига ўтиш сабабларини аниқлаш.
- янги полифенол моддалларни ва терпенларни ҳамда турли супрамолекуляр комплексларни ўрганиш ва таъсир қилиш механизмини аниқлаш.
- комплексли физик-кимёвий усуллар ёрдамида антимикроб пептиidlарни моделли ва биологик мембраналар билан таъсирашишини ўрганиш.

### **Илмий хамкорлар**

- Institute of Horticulture, Volcany Center, Israel;
- Molecular Biophysics Departure, Medical Foundation of Buffalo, NY, USA;
- Lodz University, Poland;
- Universitet Autonoma de Barcelona, Spain.

### **Фармакология лабораторияси**

ЎзР ФА Биоорганик кимё институти Фармакология лабораторияси ўсимлик хомашёси ва ҳайвонлар организмидан олинган биологик фаол моддаларни тадқиқ қилиш соҳасидаги етакчи марказлардан бири ҳисобланади. Лаборатория ходимлари РФ Ленинград Санитария-гигиена тиббиёт институти "профессори П.П.Денисенко раҳбарлигига, 2-Тиббиёт институти профессори Ефимов, Россия ТФА Н.Ф.Гамалей номидаги эпидимиология ва микробиология

Институти, А.В.Вишневский номидаги Жарроҳлик институти "Фармакология ва умумий токсикология" кафедрасида малака оширган.

Фармакология лабораторияси 1973 йилда Биоорганик кимё бўлими қошида ташкил этилган. Лабораториянинг биринчи мудири профессор Носиров Санжар Ҳайдарович 1994 йилгача раҳбарлик қилган. Унинг раҳбарлигида фармакология ихтисослиги бўйича 20 нафардан ортиқ фан номзодлари тайёрланди, ўша даврда амалга оширилган муҳим тадқиқот натижалари мужассамлашган 2 та монография чоп этилди. Мазкур лабораторияда тиббиёт фанлари докторлари Курмуков Анвар Фофурович, Тўлаганов Рустам Тўлаганович, тиббиёт фанлари номзодлари Кашкова Элвира Константиновна, Хазбиевич Ирина Степановна, Кашапова Лариса Шараповна, Емилянова Лидия Сергеевна каби йирик мутахассис олимлар фаолият кўрсатган. Лабораторияга 1994 йилдан бошлаб тиббиёт фанлари доктори Эсонбоев Чингиз Элдорович, 2002 йилдан тиббиёт фанлари номзоди Мирзаев Юрий Рахмонович раҳбарлик қилди. 2010 йилдан ҳозирги кунгача лабораторияга кимё фанлари номзоди иммунолог-кимёгар олим Иноғомов Ўткир Қудратуллаевич раҳбарлик қилиб келмоқда.

**Фармакология лабораторияси қуйидаги бўлимлардан иборат:**

1. Умумий токсикология;
2. Махсус токсикология;
3. Умумий фармакология;
4. Махсус фармакология;
5. Виварий.

## **Илмий йўналиши**

ЎзР ФА Биоорганик кимё институти фармакология лабораториясининг асосий илмий йўналиши ўсимлик хомашёси ва ҳайвонлардан олинган оқсил-пептид моддалари ва полифенол бирикмаларининг гемопоез, гемостаз, иммун ва антиоксидант тизимлари, марказий ва периферик асаб тизимлари, қоннинг биокимёвий кўрсаткичларига таъсир механизmlари, стресс ҳолати, қон ўйқотиш, нурланиш, яллиғланиш, гепатит, қандли диабет, гемостаз ва гемопоез бузилишлари, қариш жараёни, дерматит, тромбозлар, онкология, гипоксия каби турли моделларида ирсиятга таъсирини ўрганишдан иборат.

### **Фармакология лабораториясининг асосий вазифалари:**

1. Ўсимлик хомашёси ва ҳайвонлардан олинган биологик фаол бирикмаларнинг хоссаларини аниқлаш, уларнинг таркиби ва фаоллигини қиёсий таҳлил қилиш.
2. Илгари ўрганилган препаратларнинг янги фармакологик хоссаларини аниқлаш.
3. Бирикмалар ва дори шаклларининг фармако-токсикологик хусусиятларини клиник амалиётда қўлланишидан олдин ўрганиш

### **Илмий алоқалар**

- Грузия ФА фармококимё институти;
- АҚШ Миссисипи Университети фармация мактаби.

### **Назорат саволари:**

1. ЎзР ФА Биоорганик кимё институти Фармакология лабораториясининг илмий йўналиши ҳамда асосий вазифалари нимадан иборат?
2. Физик кимёвий тадқиқотлар лабораториясининг биологик мембраналар билан физиологик фаол моддаларни ўзаро таъсирини ўрганадиган гурӯхнинг илмий йўналиш ва режалаштирилган ишлари ҳакида маълумотлар беринг?
3. Полифеноллар лабораториясининг илмий йўналиши, режалаштирилган ишлари ва илмий алоқалар ҳакида маълумотлар беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Paul T. Anastas, Julie B. Zimmerman. Innovations in Green Chemistry and Green Engineering. Hardcover, Springer. Germany, 2013.
- 2.A. Valavanidis and T. Vlachogianni GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING ATHENS, 2012. 117-120
- 3.Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006, 684

### **З-амалий машғулот:**

## **Ўзбекистон Республикаси ФА ва кимёвий илмий-тадқиқот институтларида қўлга киритилган ютуқлар, тадбиқ этилган инновациялар.**

**Ишдан мақсад:** Ўзбекистон Республикаси ФА ва кимёвий илмий-тадқиқот институтларида қўлга киритилган ютуқлар, тадбиқ этилган инновацияларни жорий этиш

**Масаланинг қўйилиши:** Полифеноллар лабораторияси энг муҳим натижалар

Госсиполнинг 300 га яқин янги ҳосилалари синтез қилинган ва унинг алкил- арил-, гетерилиминларининг хиноид шаклида бўлиши, госсиполнинг метиленфаол бирикмалар билан конденсацияси маҳсулотлари бензоид, госсиполнинг азо- ҳосилалари ва иминлари эса қўпчилик ҳолда хинон-гидрозо шаклида бўлиши исботланган.

- госсипол ҳосилаларининг тузилиш-функционал таҳлили уларнинг биологик фаоллиги ўзаро реакцияси типига киритилган ўринбосарларнинг табиатига, дорини юбориш схемасига, дозасига ва модданинг ҳужайра билан таъсиралишишига боғлиқлиги қонунияти мавжудлиги кўрсатилган.

- глициризин, глицирет кислоталарининг 200 га яқин янги ҳосилалари синтез қилинган, шулар қаторида биологик фаол моддаларнинг қатор супрамолекуляр комплексларии ҳам олинган.

- глициризин кислотаси ва унинг монотузларининг гел ҳосил қилиши, температура ва модданинг концентрациясига боғлиқлиги ўрганилган ва кўрсатилган. Супрамолекуляр комплекслар сувли эритмаларининг қовушқоқлиги молекулаларининг табиатига боғлиқлиги, мицелла ҳосил бўлишида водород боғлар ва гидрофоб ўзаро таъсиrlарнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Илк марта глициризин кислотаси моноаммонийли тузининг монокристали олиниб, рентген тузилиш таҳлили ёрдамида аммоний гурухининг молекуладаги ўрни масаласи батамом ечилди.

## **Натижаларнинг амалиётда қўлланиши**

Глициризин кислотаси ва унинг ҳосилалари асосида маҳаллий таъсир этувчи қатор гемостатик, яллиғланишга қарши ностероид дори воситалар (Глилагин, Лаговин, ГЛАС, Мегаферон ва бошқалар) яратилган ва улар ўз таъсири бўйича қўлланилаётган аналогларидан анчагина устун. Глилагин, Лаговин, ГЛАС препаратлари субстанциялари ва дори шакллари учун меъёрий техник хужжатлар ишлаб чиқилган, клиник синовлари муваффақиятли ўтказилган. Мегаферон субстанцияси учун меъёрий техник хужжатлар ишлаб чиқилган;

- госсипол ва унинг ҳосилалари асосида вирусга қарши (3% ли госсипол линименти), герпесга қарши (3%, 1% ли мегосин суртмаси), иммуносупрессив (0,1г батриден таблеткалари), хламидийга қарши (0,1г гозалидон ва 0,05г суппозиторий таблеткалари), гепатитга қарши (0,05г Рагосин таблеткалари) тиббий преператлар яратилди ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этилди;
- янги иммуномодулятор (0,1г мебавин таблеткаси) ишлаб чиқилди;
- антигерпетик таъсирга эга болалар ва катталар учун суппозиторийлар, антиоксидантлар ва бошқалар учун клиник олди ва клиник синовлар ўтказилмоқда.

### **Физик кимёвий тадқиқотлар лабораториясидан олинган натижалар**

ДСК, БЛМ ва флуорисцент зондлар усуллари ёрдамида ўсимликлардан ажратиб олинган тионинсифат ва липид ташувчи оқсилларнинг мемранага таъсирининг механизмлари аниқланган.

- краун эфирларнинг бир ва икки валентлик металлар билан комплекс хосил қилиш хусусиятлари ўрганилган. Уларнинг баъзи хосилаларининг мембраналарда канал хосил қилиш хусусиятлари мавжуд эканлиги аниқланган.
- госсипол ва унинг баъзи ҳосилалари мембраналарга сингиш хусусиятига эга эканлиги аниқланган.

- госсипол ва унинг ҳосилаларини сувда эрийдиган супрамолекуляр комплекслари мембраналар билан таъсирашганда комплекслар парчаланиб, полифенол моддалар мембранага сингиши аниқланган.

- ЯМР ва ЭПР усуллари ёрдамида госсипол билан ДФПГ ўртасида турли эритувчиларда кечадиган реакциянинг хусусиятлари ўрганилган. Реакция компьютер дастурлари ёрдамида моделлаштирилган.

- липидли мембраналар билан Алцгеймер касалигига тааллукли прион-пептидларни таъсирашиши ўрганилган.

### **Олинган натижаларнинг амалий қулланилиши**

Прион-пептидлар, ва бошқа полифенол табиатга эга қуи молекуляр моддаларнинг мембраналар билан таъсирашиши

- қуи молекуляр мембрана фаол модаларнинг комплекс усуллар ёрдамида ўрганиш олдиндан белгиланган хусусиятларга эга моддаларни танлаш имконини беради.

- олинган натижалар методик қўлланмалар сифатида қуи молекуляр дори воситаларини мақсадли модификациялаш имконини беради.

### **Фармакология лабораторияси эришилган муҳим натижалар**

Лабораторияда Лагохилин асосида олинган гемостатик препаратларнинг таъсири механизми ва унинг 5 та дори шакли парентерал ҳамда маҳаллий усулларда клиник амалиётда қўлланилишдан олинган фармакотоксикологик хусусиятлари ўрганилиб, улардан бир қисми клиник синовлардан ўтди.

1. Ўсимлик хомашёси ва ҳайвонлардан олинган 7 та оқсил-пептид препаратларининг фармакотоксикологияси бўйича тадқиқотлар ўтказилди ва уларнинг таъсири механизmlари аниқланди. Эритропорез стимулятори - анемиянинг ҳар хил турларида қўлланиладиган Эритим препарати ҳамда Тимогел клиник синовлардан муваффақиятли ўтди. Ўсмага қарши Биокор препаратини клиникада қўлланилишга рухsat берилди.

2. Ҳар хил ташувчиларнинг (ПВП, глициризин кислотасининг моноамин тузлари, коллаген, КМЦ) Лагохилин, АСК, Преднизалон, Тимоптин препаратларининг заҳарлилик, эрувчанлик, фаоллик ва узоқ вақт таъсири этиш

хусусиятларига таъсири ўрганилди. Улар асосида 10 тадан ортиқ дори шакллари - эритмалар, геллар, гемостатик салфеткалар, гемостатик пленкалар, гемостатик таблеткалар, яллиғланишга қарши ностероид воситалар, антиагрегант, иммуномодуляторлар кўринишларида ишлаб чиқилган ва бу борадаги ишлар давом этирилмоқда.

### **Натижаларнинг амалиётга тадбиғи**

2003-2014 йиллар давомида қўйидаги 24 та препаратнинг клиник амалиётда қўлланилишдан олдин фармако-токсикологик хусусиятлари ўрганилди ва тадқиқот натижалар бўйича маълумотлар Ўзбекистон Фармакология Кўмитасига тақдим қилинди: гриппга қарши - Рутан, Госситан, ГЛАС, Раметин; спидга қарши - Гетасан, Пунитан, Эуфорбин; яллиғланишга қарши ностероид воситалар - ГЛАС ва Глицирамм таблеткалари, Апикасалвин, Афлан линиментлари; яра битирувчи ва қўйишга қарши Тимогел препарати ва Седана линименти; гемостатиклар Глилагин таблеткалари, Лаговин эритмалари, Глилагин линименти, Глилагин ва Гемогубка пленкалари; антигипоксант Проведин таблеткалари, тубекулезга қарши Биомарин, Тугосин препаратлар; Эритим антианемик препарати, Кардин кардиопрепарати, песга (витилиго) - қарши препарат. Юқорида санаб ўтилган препаратларнинг 10 таси клиник синовлардан ўтган.

Фундаментал тадқиқотлар:

1. Ҳар хил хасталикларга кўра зарурый хусусиятларга эга, мақсадга йўналтирилган иммуномодуляторлар яратиш бўйича изланишлар олиб бориш, препаратнинг таосир механизми, иммун тизимидағи "таъсир нуқтаси"ни аниқлаш.

2. Хасталикларнинг инсон ирсиятига таъсири ва хромосома бузилишларини препаратлар ёрдамида коррекциялаш.

Амалий тадқиқотлар: иммуномодуляторлар ва антикоагулянтларнинг клиник амалиётда қўлланилишидан олдин фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш ва тери касалликларини даволашда фойдаланиладиган юмшоқ дори шакллари ишлаб чиқиши.

### **Назорат саволлари:**

1. Полифеноллар лабораторияси энг муҳим натижалар, натижаларнинг амалиётда қўлланиши хакида маълумотлар беринг?
2. Физик кимёвий тадқиқотлар лабораториясидан олинган натижалар, олинган натижаларнинг амалий қулланилиши хакида маълумотлар беринг?
3. Фармакология лабораторияси эришилган муҳим натижалар, натижаларнинг амалиётга тадбиги хакида умумий маълумотлар беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. A.K. Haghi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011.
2. Stevanovic, M. Digital media in education system-review of international practice. Models of creative teaching. Available from <http://infoz.ffzg.hrINFuture>. New York, USA, 2011.

#### **4-амалий машғулот:**

### **Хорижий мамлакатлар ва республикамиз олимлари томонидан фан тараққиётига қўшган ҳиссалари, ишлаб чиқилган инновацион лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти.**

**Ишдан мақсад:** Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти асосини инновацион фаолияти

**Масаланинг қўйилиши:** Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти асосини инновацион фаолият ташкил этади. Тарих шундан далолат берадики, инсон ўзининг ақл-заковати билан дастлабки меҳнат қуролларини ўйлаб топишдан, алгоритм ва нанозаррачалар, замонавий инновацион компьютер, супер микроэлектрон, биологик, қуёш ва бошқа юқори технологияларни кашф этишгacha бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан дунё тараққиётнинг янги босқичи, яъни глобаллашув даврига кирди. Бу ички ва халқаро бозорларни кенгайтириш, технологик инновациялар - компьютер техникаси, приборлар микроминиатюризациясини яратиш, янги алоқа воситаларини ривожлантириш зарурати, 90-йилларда эса бугун миллиардлаб фойдаланувчиларга эга интернетнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бугунги глобаллашув жараёни рақобатни кучайтириб, янги маҳсулотлар яратиш даврини қисқартириди ва компанияларни янги инновацион маҳсулотлар (технологиялар, материаллар, машиналар, техника, транспорт ва коммуникация воситалари, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотлар)ни жадал ишлаб чиқишига мажбур этди.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, хусусий тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик, кичик ва ўрта инновацион бизнеснинг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш инновацион фаолиятни кенг ривожлантиришнинг муҳим шартлариdir. Шуни таъкидлаш керакки, дунёning ривожланган давлатларида янгиликларнинг қарийб ярми ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес фирмалари томонидан амалга оширилмоқда. Чунончи, АҚШ Миллий илм-фан фонди маълумотларига кўра, кичик

фирмаларда ҳаётта татбиқ этилаётган янгиликлар сони сарф-харажатлар бирлиги бўйича ўрта ва йирик фирмаларга қараганда анча кўпдир. Бундан ташқари, кичик фирмалар янгиликларни жадал ўзлаштириш ва истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам йирик фирмаларга қараганда тахминан учдан бир баробар илгарилааб кетган.

Университет ва техника институтлари ишлаб чиқариш компаниялари ва фирмалар билан биргалиқда патентланган ишланмада ўз иштироки улушкини белгилаб тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга оширгандагина илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни катта самара беради. Европа патент идораси томонидан берилган барча халқаро патентларнинг 85 фоизи айнан шундай ҳамкорликдаги ишланмалар улушкига тўғри келиши ҳам бежиз эмас.

АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва бошқа қатор ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес инновацияларга мойиллиги билан ажralиб туришини кўриш мумкин. Ўтган асрнинг 90-йилларида ушбу мамлакатларда минглаб компаниялар ташкил этилди. Уларнинг аксарияти бугунги кунда жаҳон ишлаб чиқаришида етакчи фирмаларга айланди (“Samsung”, “Microsoft”, “Pfizer”, “Hitachi” ва бошқалар). Бу, ўз навбатида, миллионлаб янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятини яратди ва саноат ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришга кучли туртки берди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар томонлама ривожланган инновацион тизимга эга мамлакатлардагина инновация жараёнлари самарали амалга оширилиб, технологиялар ва бошқа илмталаб маҳсулотлар тижоратлаштирилмоқда. Бу жараёнда давлатнинг иштироки, иқтисодиётнинг реал сектори ва етакчи компанияларнинг инновация фаолиятини кўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Зоро, илм-фан давлатнинг техник тараққиёти ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган ушбу интеграция механизмининг асосини ташкил қиласди.

Президентимизнинг 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан кўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги

фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги “Илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарори илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш соҳасидаги дастлабки асосий ҳужжатлардир. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон илм-фанини бошқариш ва молиялаштиришни давлат томонидан тартибга солиш, унинг саъй-ҳаракатларини устувор соҳаларга йўналтиришга қаратилган ислоҳотлар давом эттирилди.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарор мамлакатимизда илмий лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш ва илмий лабораторияларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш тизимини яратиш, корхоналарда модернизациялаш ва янги технологиялар фондини ташкил этиш, шунингдек, республика инновацион ярмаркаларини ўtkазишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда ёш мутахассисларни тайёрлаш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида илмий муассасалар моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Илмий муассасаларда катта авлод вакиллари билан бир қаторда ҳар томонлама пухта билимга эга, бир неча чет тилларни биладиган ёш олимлар ва тадқиқотчилар ҳам кенг кўламли тадқиқотлар олиб бормоқда. Улар замонавий илмий ва лаборатория жиҳозлари, материал ресурслари билан таъминланган. Ёш олимлар томонидан олинган муҳим фундаментал натижалар амалий илмий-техник ва инновацион ишланмаларни кенг ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилаётir ва асосан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ҳамда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китобида таъкидлаганидек, республика фани қудратли интеллектуал салоҳиятни яратган, у ҳаётимизнинг қўлгина соҳаларида амалда қўлланмоқда, Ватанимизнинг миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги илм-фанда асосий устувор соҳалардан биридир. Бугун ер, сув ресурслари ва биологик хилма-хиллиқдан оқилона фойдаланиш ҳамда унинг ўрнини тўлдириш тизимини такомиллаштириш, самарали агротехнологиялар, генетик ресурслар ва илгор илмий ютуқлардан унумли фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларининг сермаҳсул нав ҳамда зотларини яратишга қаратилган илмий ишланмаларга талаб юқори.

Бугун пахта етиширадиган мамлакатларда 60 фоиздан ортиқ ген-модификациялаштирилган ғўза навлари етиширилмоқда ва уларнинг биологик ҳужайраларига бегона инсектоксин ген киритилмоқда. Мамлакатимиз олимлари ўсимликлар модификацияси учун маъқул бўлган, яъни бевосита ғўзанинг ўзига зарур генни “қўшиш” ёки “ўчириш” механизмини ишлаб чиқди. Бунда ҳужайралар тузилмасига бегона генлар қўшилмайди. Ушбу технология жонли тизимнинг ҳар қандай гени учун универсал бўлиб, уни бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликлари генини модификациялаштириш учун қўллаш мумкин. Технология Ўзбекистон (улуши 70 фоиз) ва АҚШнинг халқаро қўшма патенти билан ҳимояланган, шунингдек, дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатида патентлаштирилган. Сўнгти йилларда янги “Порлок” нави учун уруғ материаллари олинди ва ишлов бериш учун етарлича юқори сифатли пахта ҳосили тўпланди. Пахта толасини мамлакатимиз тўқимачилик саноатига тезроқ жорий этиш ва ушбу толадан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу лойиҳа мамлакатимиз енгил саноатининг брендига айланишига ишончимиз комил.

Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари томонидан маҳаллий хомашё асосида юқори самара берадиган ўғитлар, ўстирадиган воситалар, дефолиантлар ва бошқа кимёвий препаратлар олишнинг янги технологияси ишлаб чиқилди. Улар айни пайтда саноатда ўзлаштирилди ва қишлоқ хўжалиги эҳтиёжини тўла таъминламоқда, шунингдек, экспортга ҳам етказиб берилаётir.

Кремний асосида фотоўзгартичлар яратилиши ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш приборсозлик соҳаларида ҳам салмоқли ютуқларга эришилди.

Илм-фаннинг юксак интеллектуал салоҳияти ва юқори технологияли ишланмалар инновацион иқтисодиётни ривожлантириш асоси ҳисобланади. Ўзбекистонда илм-фанни бошқариш тизимининг ислоҳ этилиши фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш, янги ишланмаларни жорий этиш ва улардан амалиётда фойдаланишга қаратилган инновацион ишларни ривожлантиришнинг амалий механизмини яратиш имконини берди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари амалий тадқиқотларни жорий этиш ва уларнинг натижаларини тижоратлаштириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги яқин алоқани таъминлашнинг муҳим механизмларидан бирига айланди.

Ушбу инновацион форум инновацион ривожланиш жараёнларини жадаллаштиришдек муҳим вазифани ҳал этишда саноатчилар, олимлар, тадбиркорлар, молиячилар саъй-харакатларини бирлаштиришга ёрдам берәётir. 2008-2015 йилларда ўтказилган ярмаркалар натижалари бунинг ёрқин тасдиғидир. Ушбу ярмаркаларда тўрт мингдан зиёд инновацион ғоя ва ишланмалар, технологиялар намойиш этилиб, умумий қиймати 110 миллиард сўмдан зиёд бўлган уч мингдан ортиқ шартнома имзоланди. Натижада мамлакатимизда қиймати бир триллион сўмдан ортиқ бўлган янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Жорий йилги VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва

лойиҳалар республика ярмаркасида саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари ва илм-фан каби беш йўналиш бўйича 600 дан ортиқ инновацион лойиҳалар намойиш этилди. Ярмарка якунидаги умумий қиймати 25 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 780 га яқин шартнома имзоланди. Айни пайтда кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг инновацияларга қизиқиши ортганини таъкидлаш жоиз. Форумда улар томонидан 15,7 миллиард сўмлик (ёки умумий ҳажмнинг 61 фоизи) 610 шартнома (умумий миқдорнинг 78,6 фоизи) имзоланди.

Ўтказилган VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг яна бир муҳим ютуғи шундаки, унда ёш олим ва талабаларнинг 70 лойиҳаси намойиш этилди. Бу умумий илмий экспонатларнинг 9 фоизини ташкил қилди. Улар ярмаркада ген муҳандислиги, ҳужайра технологиялари, фармацевтика, биотехнология, нанотехнология ва робот техникаси, қуёш энергиясидан фойдаланиш ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича инновацион ишланмаларни намойиш этди. Бу ярмарка доирасида “Ёшларнинг инновацион ғоялари” республика танловини ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш имконини берди. Танлов ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ўтган инновацион ярмаркалар илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари илмий бўлинмалари инновацион ишланмаларини “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси, “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг вилоят бошқармалари ва бошқа йирик саноат корхоналарида жорий этишни фаоллаштируди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг

бошқа секторларига инновацион ишланмаларни жорий этиш борасида ижобий натижаларга эришилаётганига қарамасдан, кашф этиш ва ихтирони ўзлаштириш, уни тиҗорийлаштириш ва якуний маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз ичига олган инновацион жараённинг барча босқичларини бирлаштирадиган узлуксиз тизимни янада изчил ривожлантириш зарур.

**Назорат саволлари:**

- 1.Хорижий мамлакатлар олимлари томонидан кимё фани тараққиётига қўшган ҳиссалари хакида маълумотлар беринг?
- 2.Республикамиз олимлари томонидан фан тараққиётига қўшган ҳиссалари хакида умумий маълумотлар беринг?
- 3.Хорижий мамлакатлар ва республикамиз олимлари томонидан ишлаб чиқилган инновацион лойиҳаларнинг мазмун—моҳияти хакида маълумотлар беринг?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Paul T. Anastas, Julie B. Zimmerman. Innovations in Green Chemistry and Green Engineering. Hardcover, Springer. Germany, 2013.
- 2.A. Valavanidis and T. Vlachogianni GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING ATHENS, 2012. 117-120

## **5-амалий машғулот:**

### **Интернет сайтларида кимёвий фанлар соҳалари бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори.**

**Ишдан мақсад:** Инновацион ишланмаларни тажриба-саноат синовидан ўтказиш, уларни меъёрий ҳужжатлар билан расмийлаштириш, бизнес режа тузиш ва бошқа чораларни амалга ошириш ишларини якунлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Айни пайтда мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот институтлари ва университетларда қўллашга тайёр бўлган илмий технологиялар мавжуд. Қатор инновацион ишланмаларни тажриба-саноат синовидан ўтказиш, уларни меъёрий ҳужжатлар билан расмийлаштириш, бизнес режа тузиш ва бошқа чораларни амалга ошириш ишлари якунланмоқда. Ушбу ишланмалар Давлат бюджетидан ёки кўпроқ иқтисодиётнинг асосий манфаатдор тармоқлари ва етакчи корхоналари томонидан молиялаштирилиши муҳимдир. Уларни тижоратлаштириш учун эса инновация ғояларини илгари сурадиган ихчам воситачи ташкилотлар, жумладан, мослашувчан, олимларимиз томонидан яратилган инновацияларни таклиф этиш ҳисобидан тармоқларни инновацион ривожлантириш бўйича кўплаб вазифаларни ҳал этадиган ишлаб чиқариш тузилмалари эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган кичик воситачилик фирмалари ташкил этиш зарур. Улар олимларимиз томонидан яратилган инновацияларни ривожлантириш ҳисобига тармоқларни инновацион ривожлантиришга доир кўплаб вазифаларни ҳал қиласди. Кичик ва ўрта бизнеснинг юқори технологияли корхоналарининг инновацион жараёнда иштирок этиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш учун қўшимча иш ўринлари ташкил этиш имконини беради.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида олимлари ва илмий жамоалар томонидан жаҳонда ўзига хос аҳамиятга эга илмий натижалар қўлга киритилди. Физика соҳасида янги ярим ўтказгичлар ва наноматериаллар, юқори ҳароратга чидамли сопол материаллар ва буюмлар яратилди. Супрамолекуляр кимё соҳасида полиморф комплекслар тузилиши ва вужудга келиши ўртасида алоқа ўрнатадиган янгилик кашф қилинди. “Шпрингер” (Лондон) нашриёти

томонидан инглиз тилида 10 жилдли “Табиий бирикмалар” маълумотномаси тайёрланди ва нашр этилди. Ушбу маълумотнома ўз моҳиятига кўра, ўсимлик моддалар кимёси соҳаси олимлари ва амалиётчилари учун энциклопедия ҳисобланади. Мамлакатимиз олимлари томонидан тиббиёт соҳаси учун оригинал технологиялар асосида самарали дори воситалари ва юқумли касалликларни аниқлашнинг ташхис қўйиш-тест тизимлари ишлаб чиқилди.

Катта иқтисодий самара берадиган энг яхши миллий ишланмаларни тижоратлаштиришни жадаллаштириш учун янги инновацион тузилмалар (илмий-ўкув ва идоралараро марказлар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар, старт-ап фирмалар ва бошқалар), шунингдек, уларни амалга оширадиган корхоналарни ташкил этиш керак. Инновацион жараённинг жадаллашуви савдо бозори учун курашишда қўшимча афзалликлар беради. Зоро, бугун инновацияларни бошқалардан кўра тезроқ жорий қилганларгина муваффақиятга эришади.

Мухтасар айтганда, мавжуд меъёрий-хуқуқий, ташкилий-иктисодий, молиявий, солик, инфратузилма, моддий-техник ва ахборот шартшароитларини янада ривожлантириш, давлат аҳамиятига молик инновацион вазифаларни амалга ошириш ва инновацион иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш мақсадида кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга оид сиёsatни амалга ошириш зарур.

### **Назорат саволлари:**

1.<http://www.referat.ru>; [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru); [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru); [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu) интернет сайтларида кимёвий фанлар соҳалари бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори хакида маълумотлар беринг?

2.[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz), [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz) интернет сайтларида кимёвий фанлар соҳалари бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори хакида умумий маълумотлар беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006, 684
- 2.A.K. Haghi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011.
3. Stevanovic, M. Digital media in education system-review of international practice. Models of creative teaching. Available from <http://infoz.ffzg.hrINFuture>. New York, USA, 2011.

### **6-амалий машғулот:**

#### **Координацион кимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари:**

**Ишдан мақсад:** Ишқор ва ишқорий-ер металлари калий, натрий, кальций, магний, эритмада аква ионлар ҳолатининг учраши.

**Масаланинг қўйилиши:** Одам организмида 3% атрофида металлар борлиги маълум. Ана шу металллар инсон ҳаёт фаолиятини тўла таъминлайди. Ишқор ва ишқорий-ер металлари калий, натрий, кальций, магний, эритмада аква ионлар ҳолатида учрайди. Улар қон лимфа тўқималардаги суюқликларда нерв имъпулслари ҳаракатини таъминлайди.

d-элементларининг органик лигандлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмалар организмдаги оксидланиш–қайтарилиш жараёнларида катализатор сифатида иштирок этади. Бу металлардан одам организмида энг кўп тарқалгани темирдир. Лигандлар табиатига қараб темир +2 оксидланиш даражасига эга бўлган каталаза ва оксидазага ўхшаш комплекс ферментлар ҳосил қилган.

Ўсимликлар ҳаётидаги муҳим модда хлорофилл ҳам тузилиши жиҳатидан гемоглабинга ўхшаб кетади, лекин бу бирикмада комплекс ҳосил қилувчи ион  $Mg^{2+}$  ҳисобланади.


Саратон касаллигига хавфли ўсмаларнинг ўсиши платина (II) комплекс бирикмалари секинлаштиришини аниқланган ( $Pt(NO)_2Cl_2$ ). Ирридийнинг комплекс бирикмаларидан  $(NH_3)_2(IrCl_6)$  ҳам саратон касаллигига фойда беради.

Олтиннинг тиоспиртлар билан ҳосил қилган комплекс бирикмалари эса сил ва мохов касаллигини даволашда қўлланилади.


Комплекс бирикмалар ҳолатида жуда кўп дори моддалар маълум. Улардан витамин В<sub>12</sub> ферамид, каомид, кризанол, темир, (III) глисерафосфати, темир (II) лактати ва бошқа комплекс бирикмалар ҳолатидаги дориларга киради. Айниқса, анемия касаллигида ишлатиладиган ферамид марказий илмий лабораторияларда ишлаб чиқилган.

Комплекс бирикмалар фармацевтик таҳлилда кенг қўлланилади. Неслер реактиви, висмут бирикмаларини темир бирикмаларини аниqlашда ишлатилади. Комплекс бирикмалар ёрдамида платина металлари олтин, кумуш, мис, хром, никел, ва кобальт, олинади ва тозаланади. Сийрак-ер элементларини ажратишда улар жуда қўл келади.

Тирик мавжудотларнинг бир неча миллион йиллик тарихи мобайнида тирик оламда кимёвий активликка эга биологик системалар бунёдга келган. Бу системаларнинг қўпчилиги металлорганик бирикмалар жумласига киради. Организмда учрайдиган энг оддий бирикмалар эса металларнинг α-аминокислоталар билан ҳосил килган комплекслардан иборат.



Бу хилдаги комплексларнинг баркарорлиги металл табиатига караб куйидаги тартибда ўзгаради:



Ана шундай аминокислотали комплекслар организмда оддий тузлар билан биргаликда металларнинг организм кисмларидахи характеристида ва мураккаб моддалар ҳосил булиш жараёнида иштирок этади.

Ферментлар тирик организмда содир бўладиган кимёвий реакцияларни тезлаштирувчи биологик катализаторлардир. Хозиргача маълум булган ферментлар сони 2000 мингдан ортик. Уларнинг хаммаси оксил

табиатли ва бошка турдаги моддалар кофермерларидан таркиб топган ўзаро кимёвий боғларсиз бирлашган комплекслардан иборатdir.

Ферментларда унумли ва танлаб таъсир килиш хусусияти юкори, уларда шароитга караб активлиги ўзгарувчан хусусиятлар мавжуд. Ферментлар таъсир киладиган модда (субстарт) ларнинг кимёвий ўзгариши оддий реакцияларга нисбатан  $10^8 - 10^{12}$  марта тезлашиши мумкин.

Ферментларнинг танлаб таъсир этишини одам сўлак безида ишлаб чиқариладиган амилаза организмида қрахмал гликоген ва уларга якин бўлган полисахаридларга гидролиз реакциясини тезлаштиришда хужайраларда полисахаридларнинг йигилишини таъминлайди. Лекин бу фермент сахарозани парчаланишига таъсир этмайди.

Одатда фермент молекуласи таркибиغا бир неча металл атоми кириши мумкин, улар ферментларнинг ўзгармас таркибий кисмини ташкил этади. Бундай металл атомлари фермент билан субстрат орасида комплекс ҳосил килади; бу ҳолат субстрат билан ферментнинг актив маркази орасида боғловчи восита булиши купчилик тадқиқотларда аникланган, ҳозиргача эркин холатда ажратиб олинган металл ферментлар сони 50 тадан ортади. Металл ферментлар таркибида Ca, Mn, Fe, Cu, Zn, Cr ва Mo борлиги аникланган. Баъзан актив ферментлар таркибида Со иони учрайди, лекин у Зн ионини алмаштириши мумкин, бунда ферментнинг активлиги ўзгармай колади. Металл ферментларида кўпинча рух, темир ва мис учраб туради. Таркибида рух булган металл ферментлар сони 20 дан ортик бўлсада, улардан факат иккитаси яхши ўрганилган. Биринчиси-карбоангидраза; унинг молекуляр массаси 30 мингга якин; бу ферментнинг битта молекуласи таркибига битта рух атоми киради. Бу фермент кизил кон танаачалари таркибида учрайди. У гидрокарбонат ионининг дегидратланишида ва CO<sub>2</sub> нинг гидратланиш реакциясида катализаторлик ролини бажаради.

### **Назорат саволлари:**

1. Комплекс бирикмалар соҳалари бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновациялари ҳақида маълумотлар беринг?
2. Ферментлар тирик организмда содир буладиган кимёвий реакцияларни тезлаштирувчи биологик катализаторлардир, улар ҳақида умумий маълумотлар беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Robert A., Hoffmann Organic chemistry New Mexico State University,2004  
Darrell Ebbing), Steven D. Gammon, General Chemistry 11th Edition, USA, 2016
- 2.Jonathan Clayden, Nick Greeves, Stuart WarrenOrganic Chemistry, 2nd  
Edition Oxford University Press, United Kingdom, 2012

## **7-амалий машғулот:**

### **Биоорганик кимёнинг тараққиёт йўналишлари.**

**Ишдан мақсад:** Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти олимлари турли касалликларга чидамли ва маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган, юқори ҳосил берадиган эртапишар картошка навини яратиш

**Масаланинг қўйилиши:** Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти олимлари турли касалликларга чидамли ва маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган, юқори ҳосил берадиган эртапишар картошка навини яратиш устида иш олиб бормоқда. Картошканинг инфекциялар юқмайдиган сара уруғлик нави олингани олимларимиз томонидан қўлга киритилган сўнгти ютуқлардан биридир. Бунинг натижасида бирламчи уруғчилик муаммоси ҳал қилинди. Келажакда мамлакатимиз уруғлик картошкани четдан олиб келишдан воз кечиш баробарида уни экспорт қилиши ҳам мумкин. Картошкачилик хўжаликлари эса юртимизда етиштирилган сифатли уруғлик материали билан ишончли таъминланади. Институтда яратилган ва картошканинг 150 хил навини ўз ичига олган биотехнологик коллекция бугунги кунда Фанлар академиясининг ноёб обьекти ҳисобланади. Ушбу навларнинг баъзилари таркибида темир ва рух моддасининг юқори миқдорда мавжудлиги билан ажралиб туради.

Ўсимликларнинг биологик фаол моддалари банки яратилиб, унда аксариятидан келажакда дори-дармонлар тайёрлаш мумкин бўлган беш мингдан зиёд шундай моддалар сақланмоқда. Биологик фаол бирикмаларнинг ушбу банки дунёдаги кўплаб ана шундай банклардан бири бўлиб, мамлакатимизда янги фармацевтика воситаларини яратиш учун истиқболли инвестиция лойиҳасига асос бўлиб хизмат қиласи. Айни пайтда халқаро меъёрлар ва ишлаб чиқариш шартларига мувофиқ, ушбу дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уларни халқаро патентлар билан ҳимоялаш зарур. Бу экспорт ҳажмини сезиларли равишда ошириш ва қўшимча валюта маблағларини жалб этиш имконини беради.

Анор – баландиги 1,5-2 метр бўлган бута. Тиббиётда анорнинг меваси, мева пўсти ҳамда пояси, йирик шохлари ва илдиз пўстлоғи ишлатилади. Пояси ва йирик шохларининг пўстлоғи баҳорда шилиб олинади. Илдиз пўстлоғини тайёрлаш учун уни баҳорда кавлаб олинади, тупроқдан тозалаб, сув билан ювиб, пўстлоғи шилинади. Анор меваси тўлиқ этилиб пишганда йигилади. Пўстлоқлар ва мева пўсти очиқ ҳавода қуритилади.

Пўстлоғи таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, смола ва бўёқ моддалар, мевасида органик кислоталар, қандлар, витаминалар, С витамини бор. Анор халқ табобатида қадимги шифобахш воситалардан ҳисобланади. Абу Али Ибн Сино мева пўстини қон тупуриш, милқдан қон оқишини тўхтатиш, тишни мустаҳкамлаш учун ҳамда меҳда касалликлари (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш), яралар ва бошқа касалликларни даволашда, шунингдек сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатган.

Ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддаларнинг таъсир механизмлари ҳам ўрганилади. Бунда бир қатор дитерпеноид алкалоидлар юрак ҳужайралари  $\text{Na}^+$ -каналларига таъсир этиб, унинг фаоллигини сусайтириши қайд этилди. Натижада эса  $\text{Na}^+$ -каналлари фаоллигини сусайтириши юрак ҳужайралари кўзғалувчанлигини пасайтириб, бу жараёнлар асосида дитерпеноид алкалоидларнинг антиаритмик ҳусусиятга эга эканлиги аниқланди. Шу билан бирга ушбу синфга кирувчи бальзи алкалоидлар турли хил юрак касалликлари асосини ташкил этувчи юрак ҳужайраларидаги  $\text{Ca}^{2+}$  ли зўриқиши ҳолатларида юрак ҳужайралари саркоплазматик ретикулуми  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлари фаолиятини сусайтириши қайд этилди.

#### **Назорат саволлари:**

1. Сўнги йилларда ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар ҳақида маълумотлар беринг?
2. Биоорганик кимёнинг тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида умумий маълумотлар беринг?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.P.L.Soni, Vandna Soni, Coordination Chemistry, United Kingdom, 2012
- 2.E.Charles, Jr.Carraher, Polymer Chemistry, Ninth Edition, USA, 2013

## **8-амалий машғулот:**

### **Нанокомпозицион полимерлар материаллар.**

**Ишдан мақсад:** “Нанозаррача” ва “Нанотехнология” ибораси сўнги 10 - 15 йил ичида илмий фан ва технологияда кенг кўламда қўлланилиши.

**Масаланинг қўйилиши:** “Нанозаррача” ва “Нанотехнология” ибораси сўнги 10 -15 йил ичида илмий фан ва технологияда кенг кўламда қўлланилмоқда. “Нано” – сўзи ўлчам ( $10^{-9}$ м) илмий ва замоновий адабиётда кенг фойдаланилади. Нанозаррача нима у? Одатда, унинг ҳажми бир неча нанометрда юз нанометргача ҳажмни ташкил этади. Лекин буни аниқлаш етарли даражада мураккаб. Нанозаррача тушунчаси фақат ҳажм эмас балки, кичик заррачалардан ўзига хос хусусиятли, турли хил тузилишли, ката ҳажмдаги материалларни пайдо бўлиши билан ҳам ифодаланилади.

Полимер материалнинг таркиби уларнинг кимёвий тузилишидан аниқланади, фақат бу билан эмас, бизни ўраб турган пластмассали материалларнинг кўпчилигина фақат полимерлардан, балки қўшимча моддалар, тўлдирувчилар, пластификаторлар, стабилизаторлар ва материалга керакли таркибини бериш учун ишлатиладиган рангларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам пластмассали бирикмалар кўп тармоқли полимерли материаллар хисобланади. Полимер композит кўп таркибли материаллар матрицили полимерлардан ва тўлдирувчилардан иборат. Материалларнинг охирги таркибига таъсир кўрсатувчи юза қисмли бўлимлардан иборат.

Сўнги вақтларда полимер моддалар орасида алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда – анокомпозиторли полимерлар. Уларнинг асосий хусусиятлари заррачанинг ҳажми бир неча 10 дан 100 нанометргача ва тўлик ноёб комплекслик хусусиятига эга. Гап шундаки, заррачаларнинг ҳажми қанчалик кичрайса, унинг юза қисми шунчалик тез катталашади. Шунга мос равишда унинг фазаси ҳам катталашади. Полимер композиторлари одатдаги юқори сифатли тўлдирувчи материаллар таркибини аниқлашда маҳсулотларни энг кичик даражалилари олинган. Нанокомпозитли полимерларни олишни асосий йўналишлари аниқланган. Нанотўлдирувчилар олиш, нанокомпозиторларини

олиш усуллари қайтадан ишламоқда ва бозор истеъмолчилари томонидан материаллар ҳақида янги фикрлар билдирилмоқда.

Наноматериаллар олишни асосий муаммоларидан бири одатда наноматериалли полимерлар нанозаррачаларнинг тузилиши ноёб юқори реактивликка эга, ўз-ўзидан йўқотилган хусусиятларини қайтада тиклаш қобилияти мавжуд. Шунинг учун наноматериаллар олишда стабилизаторлик (барқарорлаштириш) муаммосини ҳал қилиш керак. Ҳозирги кунда нанокомпозицион полимерларни тўлдиришни бир неча турлари бор. Булардан бир нечта турларни кўриб чиқамиз: Қатламли алюминосилкат – (глина) табиий ноорганик тузилмалар монтмориллонит, гекторит, вермикулит каолин, сапонин ва бошқалар киради. Ҳажмлари ноорганик қатламларда узунлиги 100 нанометр ва кенглиги 1 нанометргача бўлган нанометр. Глина материалга янгича ноёб хусусиятлар беради. Масалан, оз миқдорда нанозаррача алюминасиликатни полимер матрицасига қўшганда, унинг моддий кучини ошириш имконига эга. Шуни унутмаслик керакки, бу ерда жуда кичик заррачаларнинг ҳам кўп миқдорини ўзида намоён қиласи. Нанозаррача қўшиш нафақат механик хусусиятларни яхшилайди, иссиқликка чидамлилиги яъни юқори ҳароратда хусусиятини сақлаб қолади ва ҳароратни 100°C га оширишга имкон яратади. Нанокомпозитлар паст ёнувчаникка эга. Бу қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш учун муҳим. Уларнинг асосий хусусиятларидан бири паст буг ва газ ўтказувчаникти таъминлаб бериб, ўраш материаллари сифатида ишлатилади.

Углеродли нанотрубкалар ва нанотолалар – чўзилувчан цилиндр шакл тузилишли 1 диаметрда 1 неча 10 нанометргача узунлиги бир неча сантиметрли, бир ёки бир нечта олти бурчакли ясси қайрилган ва тугаш жойи ярим шар шаклида. Углеродли нанотрубкалар қаттиқ жуда мустаҳкам ва чидамлиликка эга. Улар иссиқликка чидамли ваакумда 2800°C гача, электр токини ўтказиш хусусиятига эга мис симларига нисбатан 1000 марта яхши ўтказади ва олмосга қараганда иссиқликни 2 марта яхши ўтказади. Шу билан бирга улар янги давр электрон қурулмаларнинг асоси бўлиши мумкин. Кичик

ҳажмли ва янада мустаҳкам аввалгиларига қараганда фойдалироқ углеродли нанотрубкалардан ташқари биздаги маълумотлар бўйича 10лаб ҳар хил нанотрубкалар яратилган.

Металларда шунаقا хусусият борки уларнинг заррачалари тартибли жойлашади. Металл таркибли полимер нанокомпозитлар қимматли комплекс таркибига эга. Одатий ҳажми металл кластерлари 1 дан 10 нанометргача. Унинг катта ва юза қисмига тўғри келади. Бундай нанокомпозитлар супер паромагнитизм ва каталитик тузилишни намоён қиласиди. Шунинг учун уларни ярим ўтказгичлар оптик валюмнестик асбобларда ишлатилади. Юқори ва паст молекуляр бирикмалар полимер тузилишли наноструктурали бирикмалар ҳар хил табиий ва синтетик полимерлар ва сополимерлар олишда фойдаланилади.

Олинган полимер – полимерли аралашмалар уларнинг асоси биологик, актив, синтетик ва табиий полимерлар тўлиқ ва юқори сифатли полимерлар ҳисобланади. Полимер аралашмаларнинг структуравий шаклланиши эътиборни тортади. Кўпчилик полимерларнинг асосий муаммоси шундаки, улар термодинамикаси билан бир-бирига тўғри келмайди. Шунин гучун композицияли шаклланишнинг асосида полимер аралашмаларда катта заррачаларнинг ташкил топиши уларнинг агрегацияларига боғлиқ.

Блок сополимерлар ҳар хил иловалар учун керакли. Янги тузилишли ва кўп тармоқли материалларни ўз ичига олади. Блок сополимер морфологиясини тармоқларини ўрганиш ва олдиндан айта олиш, бугунги кунда долзарб муаммоларнинг пойдевори ҳисобланмоқда. Кейинги вақтларда блок сополимерларнинг эритмалари ҳам катта қизиқишларга сабаб бўлмоқда. Эритмалар таркибига гидрофоб ва гидрофил бирикмалар киради. Ҳозирги вақтда нанокомпозит пластмассалар асосан автомобил қурилмаларда ва материалларни ўрашда ишлаб чиқарилади. Лекин уни ўрганиш давомида ва қайта ишлаш мобайнида унинг масштаби кенгайиб бошқа янада қўпроқ соҳаларда тадбиқ қилинмоқда.

Нанокомпозиторлар билан иш юритган корхоналар: Basell USA, Lanxess, GE Plastics, Honeywell Polymer, Hybrid Plastics, Hyperion Catalysis,

KabelwerkEupen AG, Mitsubishi Gas Chemical Vompany, Nanocor, Noble Polymer, polymer Supply, PolyOne, Putsch Kunststoffe GmbH, RTPCompany, Ube, Unitika, YantiaHailiInd& Commerce of China.

Нанокомпозицияли материаллардан бутун дунёда кенг қўлланила бошланди. Бу кўрсаткич йилдан йилга ошмоқда. Шу билан бирга нанотўлдирувчилар олиш муаммоси ечилди ва арzonлашди. Нанозаррачанинг майдаланиши технологияда ўрганилмоқда ва охирги маҳсулотнинг таннархи пасаймокда.

#### **Назорат саволлари:**

1. Хозирги кунда нанокомпозицион полимерларни тўлдиришни неча турлари бор?
2. Полимерлар кимёнинг тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида умумий маълумотлар беринг?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006, 684
- 2.A.K. Haghi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011.
- 3.Stevanovic, M. Digital media in education system-review of international practice. Models of creative teaching. Available from <http://infoz.ffzg.hrINFuture>. New York, USA, 2011.

## **9-амалий машғулот:**

### **Алкалоидлар ва уларнинг амалий аҳамияти.**

**Ишдан мақсад:** Алкалоидлар-ўсимликларда, камдан-кам ҳолларда ҳайвонот организмида учрайдиган ва асос хоссасига эга бўлган азотли органик бирикмаларни ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Алкалоидлар-ўсимликларда, камдан-кам ҳолларда ҳайвонот организмида учрайдиган ва асос хоссасига эга бўлган азотли органик бирикмалар. Шулар жумласидан морфинни биринчи марта (1806) немис аптекари Сертюрнер кўкнори шираси (афюн)дан ажратиб олди. Шундан кейин олимлар ўсимликлар танасида нейтрал ва кислота хоссасига эга бўлган кимёвий бирикмаларгина эмас, балки асос хоссасига эга бўлган моддалар ҳам мавжуд деган хуносага келдилар. XIX асрда стрихнин, хинин, кофеин, атропин, эфедрин ва бошқа ажратиб олинди. XX асрнинг 60-йилларда 1000 дан зиёд табиий ва сунъий йўл билан олинган алкалоидлар маълум эди. Алкалоидлар ўсимликлар ҳаётини бошқариб турадиган фаол моддалардир. Аксарият алкалоидлар рангсиз кристалл моддалар бўлиб, кимёвий табиатига кўра ҳалқасида азот атомлари бўлган гетероциклик бирикмалар ҳисобланади. Оддий алкалоидлар таркибида 10 га яқин, мураккабларида 50 дан зиёд углерод атомлари бўлади. Алкалоидлар сулфат, хлорид, салицилат, оксалат ва бошқа кислоталар билан кристалл тузлар ҳосил қиласи; бу жараёндан уларни тозалаш ва олишда фойдаланилади. Алкалоидларга ишқорий хосса берадиган элемент азотдир. Алкалоидлар соҳасида Ўзбекистон олимларидан акад.лар С.Ю. Юнусов ва О.С. Содиковнинг ўз шогирдлари билан бу соҳада қилган ишлари анча салмоқлидир. С.Ю. Юнусов кашф этган қонуниятга кўра, алкалоидлар эрта баҳорда ўсимликнинг ер усти қисмларига, куз фаслида бир йиллик ўсимликларнинг уруғига, кўп йиллик ўсимликларнинг эса пиёзи, илдизи ва уруғига микдор жиҳатидан энг кўп йигилади. 1943-93 йилларда Ўзбекистон ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида С.Ю. Юнусов раҳбарлигида 29 оила-345га мансуб 266 ўсимлик тури ўрганилиб, улардан 913 алкалоид ажратиб олинди. Турли гурухларга киравчи 518 янги алкалоиднинг тузилиши

аниқланди. Цитизин, галантамин, ликорин каби препаратларнинг ишлаб чиқариш технологияси кўрсатиб берилди, холинестеразага қарши дезоксипеганин гидрохlorид препарати Тошкент кимё фармацевтика заводида ишлаб чиқарила бошланди. Аритмияга қарши дитерпин алкалоиди асосида препаратлар олишнинг янги йўналишлари очилди. Бу препаратлардан аллапинин тиббиёт амалиётида қўллана бошлади. Тиббиёт-биология тадқиқотлари учун бир қатор биореактив препаратлар (бибулини, аконитин, гелиотрин, империалин) олишга муваффақ бўлинди.

Айни вақтда яна бир янги йўналиш - заҳарли замбуруғлардан алкалоидлар ажратиб олиш устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тиббиётда турли касалликларни даволашда юздан ортиқ алкалоидлар (морфин, кодеин, кофеин, эфедрин, стрихнин, колхамин, атропин, кокаин, галантамин, цитизин ва қ.к.) қўлланилмоқда. Алкалоидларнинг баъзилари (мас, анабазин ва никотин сулфат) қишлоқ хўжалигига инсектицид сифатида ишлатилади. Кашандалик ва бангиликнинг "сабабчиси" ҳам алкалоидлардир. Таркибида алкалоидлар бўлган бегона ўсимликларнинг баъзилари (мас, кукмараз ва кампирчопон) ғалла экинлари орасида ўсади, дон бу ўсимликлар уруғидан тозаланмай истеъмол қилинса, одам ва ҳайвонлар оғир касалликларга чалиниши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Алкалоидлар ўсимликлар ҳаётини бошқариб турадиган фаол моддалардир, уларнинг кандай турларини биласиз?
2. ЎзР ФА нинг қайси институтлари алкалоидлар билан ишлайди, бу бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида умумий маълумотлар беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Garry G. Azgaldov. Applied qualimetry: its origins errors and misconceptions. Emerald Group Publishing Limited. 2011.
- 2.Integrating Green Chemistry and Green Engineering into the Revitalization of the Toxic Substances Control Act Kira JM Matus, Evan Beach, Julie B Zimmerman1 Center for Green Chemistry and Green Engineering, Yale University June 2010

## 10-амалий машғулот:

### Нанокимёнинг истиқболлари ва муаммолари.


#### Фуллерен ва нанотрубкаларни олиш.

**Ишдан мақсад:** Углероднинг янги шакли бўлмиш фуллерен ва нанотрубкаларнинг кашф этилиши

**Масаланинг қўйилиши:** Углероднинг янги шакли бўлмиш фуллерен ва нанотрубкаларнинг кашф этилишининг илмий ва амалий аҳамияти шу қадар каттаки, хаттоки уларни кашф этганлар Нобель мукофоти билан тақдирландилар.

Мана бугун эса ҳар хил ўлчамли ва хоссали углерод наноструктураларни олишнинг кўпгина услублари ўйлаб топилган. Лекин уларнинг туб моҳияти бор: нанотрубкалар ва фуллеренлар углероди бор материалларнинг юқори температурада кимёвий ўзгаришлари натижасида олинади. Биз бир нечта услубни кўриб чиқамиз.

1. Графитни электрдугали парлатиш (буғлатиш). Бу методни Кречмер деган олим ишлаб чиқкан. Япон олими Сумио Ииджима ана шу услубдан фойдаланиб 1991 йилда биринчи марта нанотрубкаларни олган эди. Услубнинг маъноси расм 7 да келтирилгагн. Камерага инерт газ тўлдирилган. Графитдан қилдирилган анод ва катод ўртасида электр разряди ҳосил қилинади, бу разряд газ атомларини ионизация қиласи. Катод ва камера деворлари сув ёки суюқ азот билан совутилади.




Расм 24. Кречмер услубида нанотрубка ва фуллеренларни олиш схемаси  
Ток қиймати 100А га чиқсанда газ босими атмосфера босимидан бир неча марта кичик ва электродлардаги кучланиш  $\approx 30$  В бўлганда икки электрод

үртасида ҳосил бўлган плазманинг температураси 4000 К га чиқади. Бундай температурада анод юзасидан углерод интенсив равишда буғланади. Шундан сўнг буғланган атомлар плазманинг температураси паст қисмларига диффузия бўла бошлайди ва камера деворларига ва катод юзасига конденсация бўлади.

Агар конденсация бўлган углерод пленкасига электрон микроскоп орқали қарасак қора куя билан бир қаторда фуллерен ва нанотрубкаларни ҳам кўриш мумкин. Бунда қора куя ва фуллеренлар асосан камеранинг деворларига, графит ва нанотрубкалар эса катодга ўтирар экан.

### **Графитни лазер билан буғлантириш.**


Бу услубда лазер нури билан нурлатилаётган графит совутилаётган коллекторда конденсация бўлади.



Графитдан ясалган нишон цилиндричесмон печка ичида жойлашган узун кварц трубка ичида тахминан  $1000^{\circ}$  ҳароратда туради. Трубкани ичи бўйлаб кичик тезлик билан инерт газ (гелий ёки аргон) коллектор томонга қараб ҳайдалиб туради. Нишон энергияси бир неча юз миллиоул, давомати  $10 \div 20$  н сек, фокусдаги диаметри  $\sim 1\text{-}2$  мм бўлган нур оқими билан нурлатилади. Фокусда нур ютилиб 10н сек ичида графит юзи эрийди ва катта босим таъсирида портлатиб атрофга сочилиб кетади ва у совуқ коллекторга ўтириб конденсация бўлади. Ўтирган маҳсулот ичида графит нанозаррачаларидан ташқари фуллеренлар ва нанотрубкалар бўлади.

Лазер услубининг яхши тарафларидан бири – нанотрубкаларнинг параметрлари лазер нурининг параметрларига боғлиқ бўлишлiği. Масалан, нанотрубкалар диаметри лазернинг қувватига боғлиқ. Демак, қувватни ўзгартириб ҳар хил керакли диаметрли нанотрубкаларни олиш мумкин.

Ҳозирги кунларда нанотрубкаларнинг кичик миқдорини олиш кўп лабораторияларда одатий ҳол бўлиб қолди. Лекин бу трубкаларни саноат шароитида кўп миқдорда олиш ва уларнинг баҳосини тушириш катта муаммо бўлиб турибди. Бу талабга қисман жавоб бера оладиган услуг – буғдан кимёвий ўтириш услуги. Бу услуг углероди бор газни қизиб турган металл катализаторнинг юзига термокимёвий ўтказишга асосланган. Бу услуг бошқа номга ҳам эга – углеводородларни каталитик парчалаш услуги.



Углеродли газ аралашмаси (одатда ацетилен  $C_2H_2$  ёки метан  $CH_4$  азот билан аралашган ҳолда) печка ичидан кварц трубкасига хайдалади (расмга қаранг). Печка температураси  $700 \div 1000^\circ C$ . Трубкада (печка ичиди) керамикан қилинган тигель ичиди катализатор бўлади (катализатор металл кукуни кўринишида бўлади). Углеводород металл атомлари билан газ атомлари ўртасида бўладиган кимёвий реакция таъсирида парчаланади ва катализатор юзасида фуллерен ва нанотрубкаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Уларнинг диаметри 10 нм, узунлиги бир неча ўн микрон бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1.Углероднинг янги шакли бўлмиш фуллерен ва нанотрубкаларнинг кашф этилишининг илмий ва амалий аҳамияти нимадан иборат?

2.Нанокимёнинг истиқболлари ва муаммолари ҳақида умумий маълумотлар беринг?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Paul T. Anastas, Julie B. Zimmerman. Innovations in Green Chemistry and Green Engineering. Hardcover, Springer. Germany, 2013.

2.A. Valavanidis and T. Vlachogianni GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING ATHENS, 2012. 117-120

3.Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006, 684

## **11-амалий машғулот:**

**Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари, истиқболлари.**

**Ишдан мақсад:** Ўсимлик моддалари кимёси ва Биоорганик кимё институтлари жамоалари Аллапинин, Рагосин, Гозалидон, Эқдистен, Рутан, Медамин, Госситан каби элликдан ортиқ дори воситаларини яратди. Уларнинг катта қисми фармацевтика саноатида ўзлаштирилди ва дорихоналарда сотилмоқда. Қатор препаратлар эса чет элга экспорт қилиниши.

**Масаланинг қўйилиши:** Ўсимлик моддалари кимёси ва Биоорганик кимё институтлари жамоалари Аллапинин, Рагосин, Гозалидон, Эқдистен, Рутан, Медамин, Госситан каби элликдан ортиқ дори воситаларини яратди. Уларнинг катта қисми фармацевтика саноатида ўзлаштирилди ва дорихоналарда сотилмоқда. Қатор препаратлар эса чет элга экспорт қилинаётир.

Инсоннинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятини оширадиган “Эқдистен” препарати – муваффақиятли инновацион ишланмалардан биридир. Шу билан бирга, “Жистенин” препаратидан кўп йиллардан буён “Кристиан Диор” компанияси бир неча ўн турдаги пардоз маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланиб келмоқда. Институтимиз олимлари яратган “Флатерон” препарати эса қонда холестерин миқдорини камайтиради, липид алмашинуви бузилган одамларда инсульт ва инфаркт миокардининг ривожланиш хавфини камайтиради. Истиқлол йилларида неврологияда кенг қўлланиладиган галантамин субстансиясини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. “Радикс” корхонасида ундан “Радалин” савдо белгиси остида ампула ва таблетка шаклида тайёр препаратлар ишлаб чиқарилмоқда.

Жигарнинг функционал ҳолатини қайта тиклайдиган “Фланорин”, кекса ёшда физиологик бузилишларни тузатадиган “Герофитол”, “Кавергал” антигипоксик препаратлари энг сўнгги ишланмадир. Институтда ишлаб чиқарилаётган, қувватни оширувчи, адаптоген ва иммунитетни кучайтирадиган “Эксумид” – таомга биологик фаол қўшимча ҳам кенг қўлланилмоқда.

Бундай ютуқларга олимлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги натижасида эришилди. Фундаментал тадқиқотлар, амалий ишланмалар ва инновацион лойиҳалар натижаларини саноатда ўзлаштириш механизми йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 2008-йил 15-июлда имзоланган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбик этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ти қарорига биноан мунтазам ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркалари мамлакатимиз бозорига янги дори воситаларини чиқариш имконини бераётир. Жорий йил ўтказилган ярмаркада фармацевтика тармоғи вакиллари билан умумий қиймати икки миллиард сўмдан зиёд аллапинин, албендазол, галантанин ва бошқа препаратларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди. Ҳар йили экспорт қилинаётган ўсимлик субстанциялари қиймати 1,5 миллион долларга етди.

Асосий вазифамиз импорт ўрнини босадиган дори воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортга мўлжалланган препаратлар тайёрлашни ташкил қилишдир. Ички бозорда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган доридармонлар улушини кўпайтириш устида ишламоқдамиз. Шу мақсадда айни пайтда институтимиз томонидан субстанцияларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқарадиган корхонани модернизация ва реконструксия қилиш, бу борада халқаро талабларга мувофиқ тадқиқотлар ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда толиқиши ҳолатининг олдини оловчи воситани олиш усули ихтиро қилинди. Мазкур усул Республикаси Фанлар академияси академик С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан таклиф этилди. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлигининг ахборот хизмати маълум қилди.

Ундан кимё-фармацевтика саноати, клиник ва спорт тиббиёт соҳасида фойдаланиш мумкин. Ихтиронинг вазифаси толиқиши ҳолатининг олдини оладиган ва организмнинг асосий ҳаётий функцияларига салбий таъсир кўрсатмайдиган воситани олиш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳаммуалилар- М.Т.Турахожанев, А.У.Маматханов, И.Т.Абдукадиров, В.Н.Сиров, З.А.Хушбактова ва Ш.Ш.Сагдуллауевга ушбу усул учун ИАП 05078 рақамли патент берилди.

**Назорат саволлари:**

1. Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари, истиқболлари нимадан иборат?
2. Ўсимлик моддалари кимёси, Биоорганик кимё ва Фармацевтика институтларида дори препаратларини олиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда, улар ҳақида умумий маълумотлар беринг?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Integrating Green Chemistry and Green Engineering into the Revitalization of the Toxic Substances Control Act Kira JM Matus, Evan Beach, Julie B Zimmerman1 Center for Green Chemistry and Green Engineering, Yale University June 2010
2. Robert A., Hoffman Organic chemistry New Mexico State University,2004 Darrell Ebbing), Steven D. Gammon, General Chemistry 11th Edition, USA, 2016
3. Jonathan Clayden, Nick Geeves, Stuart WarrenOrganic Chemistry, 2nd Edition Oxford University Press, United Kingdom, 2012

**12-амалий машғулот:**  
**Инсон экологиясининг долзарб муаммолари ва амалга**  
**оширилаётган тадбирлар.**

**Ишдан мақсад:** Инсон жамиятининг ривожланиши учун кимё саноатини тарихини ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:** XVIII-асрнинг саноат инқилоби эмас, балки факат бир сабаб драматик иқтисодий ўсиш ва илм-фан ва технологиялар ривожланиши, балки табиий ресурсларини истеъмол кенгайтирилган фойдаланишга ёйдилар.

Инсон жамиятининг ривожланиши учун кимё саноатини тарихини аввалги асрлардан бери биламиз. Уй-жой, транспорт, алоқа, фармацевтика, яхши озиқ-овқат сақлаш, тиббий ютуқлар, умум таълим ва бошқа технологик янгиликлар сезиларли даражада инсон ҳаётининг сифатини яхшилади. Сайёранинг миллиард аҳолиси учун янги технологик стандартлар жорий этилиб, уларни яхши ҳаёт кечириши учун кўпчилик озиқ-овқатлар маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда кимё саноати жуда тезлик билан муҳим ютуқларга эриша борди. Бу бўйича яхши маълум бўлган ижобий фактларни келтириш мумкин. Лекин бир вақтнинг ўзида инсоннинг эҳтиёжларини ва интилишларини қамраш орқали глобал вазиятлар вужудга келди. Шаҳарлар кенгайиб, табиий ресурслардан кескин фойдаланиш оқибатида саноатдан ва шаҳардан чиқаётган чиқиндилар атроф-муҳитни ифлосланишига олиб келди. Иқтисодий тизимларни қайта қўриш мақсадида янги лойиҳалар ишлаб чиқарилиб, қайта тикланадиган табиий ресурслар, янги саноат маҳсулотлари, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик масалалари, табиий хомашё, энергияни тежаш, қайта ишлаш ва инновацион технологиялар асосида илм-фан ва техникадан яхшироқ фойдаланиш масалалари қўйилди.

Биокимёгарларнинг олдига қўйган мақсадларига кўра, барқарор тараққиёт ғояларини тарғиб этиб, хомашёларни сотиб олиб, кимёвий

технологиялар асосида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тасарруф қилиш бўлиши керак, лекин бу муҳим экологик муаммо бўлмоқда.

Барча ишлаб чиқариш босқичларни баҳолаш учун олимлар бир яхлит ёндашувга келишди. Ҳаётнинг айланиш таҳлили (LCA) деб номланган илмий усул белгиланган. LCA бу усул бундан ташқари, ҳаёт-айланишининг экобаланси сифатида ҳам танилган. Бундаҳаётнинг барча босқичларида маҳсулотни (яъни, хомашё қазиб олиш, ишлаб чиқариш, тарқатиш, фойдаланиш, таъмирлаш, тасарруф ёки қайта ишлаш) назарда тутилади ва у билан боғлиқ экологик таъсир ўрганилади<sup>10</sup>.

LCA таърифи: инсон эҳтиёжи учун керак бўладиган маҳсулотлар у билан боғлиқ мавжуд таъсирлар жараён ёки хизматлар, тегишли энергия ва материалларни инвентаризацияси компиляция томонидан киришлари ва экологик релизлар салоҳияти экологик баҳолаш аниқланган киришлар ва версиялар билан боғлиқ таъсирларни талқин қилиш натижаларини кўпроқ онгли қарор қабул қилиш орқали ҳаёт айланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш (LCA) тартиби ҳисобланади.


Ҳаёт циклининг барча босқичларида бир маҳсулотнинг хомашё материаллари, уни қазиб олиш, ишлаб чиқариш ва унинг бутун ҳаёт айланиши оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланишига таъсири ўрганилиши муҳим вазифа бўлиб қолди.



<sup>10</sup> A. Valavanidis and T. Vlachogianni GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING ATHENS, 2012, 97-116

Инсоннинг яхши ҳаёт кечириши учун кундалик фаолиятида иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ахборот-коммуникациядан оқилона фойдалана олишга сазовор бўлиши керак. Улар маҳсулотларни сотиб олишлари ва улардан фойдаланишлари, уларнинг таъсир фаолиятини ўрганишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Олимлар олдиндан баҳолаш учун LCA ташаббуси билан тегишли ишлаб чиқариш ва фойдаланиш пайтида бир маҳсулотнинг таъсирини ўрганишни айтиб ўтишди. Атроф-Токсикологияси ва кимё жамиятининг фикрига кўра, (СЕТАС), LCA экологик баҳолаш учун жуда муҳим усули ҳисобланади. Унинг бутун ҳаёт айланиши ёки хизмат пайтида бир маҳсулот таъсири жараёни ўрганиш методологияси илмий асосланиб, янги маҳсулотлар ва хизматлар дизайнни учун жуда фойдали бўлиши исботланди.




Бир маҳсулот ҳаёт айланиши таҳлил ( LCA ) схематик диаграммаси .

Бугунги кунда кўп ўзгарувчилар орқали маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳаёт даврининг глобал иқтисодиётида жуда рақобатдош истеъмол маҳсулотлари ва хизматлардан сифатли фойдаланиш ҳам маҳсулотнинг нарх ва узоқ муддатли таҳлил, ҳамда баҳолашнинг фойдаси бор. Шу билан бирга, табиий ресурслардан истеъмолчи оқилана фойдаланиши натижасида ортиқча энергия ишлатишга йўл қўймайди ва маҳаллий маҳсулотларнинг хавфли сабаблари ва глобал экологик муаммоларини ўрганади.

LCA жараён тизимли, босқичма-босқич ёндашув ва тўрт таркибий қисмлардан иборат: мақсад белгилаш, инвентаризация таҳлил қилиш, таъсирни баҳолаш ва натижалар талқини:

- а) Маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнининг мақсади, фаолиятни баҳолаш нуқтаи назардан ташкил этиш чегаралари ва экологик оқибатларини аниқлаш, таҳлил чегараларини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга;
- б) тўлиқ инвентаризация таҳлили - сув ва материалларни аниқлаш ва энергияни ўлчаш, атроф-муҳитдан фойдаланиш. Ассимуляция техникаси ва дастурлаш учун компьютер орқали (ўхшаш ёки тенг маҳсулотлар учун) экологик натижалар дастурлаш таҳлил қилишнинг муҳим қисмидир.
- с) таъсирни баҳолаш –инсон салоҳияти ва энергия, сувдан фойдаланишни таҳлили ва атроф-муҳитни экологик оқибатларини баҳолаш, инвентаризациясини таҳлил қилиш белгиланган.
- д) инвентаризация таҳлили ва таъсири натижаларини талқини- аниқлик билан афзал маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини баҳолаш.



2-расм. Европа пластик ҳаёт айланишининг таҳлили (хом ашё, энергия, ишлаб чиқариш, чиқиндилар)

LCA ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар учун янги устувор йуналишларини белгилаб беради.



Сайёрамизда экологик муаммолар қўлами кенгайиб, у ёки бу минтикадаги экологик хавф-хатарлар тобора глобаллашиб бораётган бутун дунёда аҳолининг экологик билими ва саводхонлигини оширишни давр талабига айлантириди. Жаҳон ҳамжамияти 15 апрель санасини Халкаро экологик билимлар куни деб эълон килганлиги бу масалага эътибор канчалик кучайиб бораётганлигидан ёрқин далолатдир.

Инсоният XX аср охирлариға келибгина ғоят мураккаб муаммолар қаршисида турганлигини тушуниб етди 1992 йилнинг 15 апрель санасида БМТ томонидан ташкил этилган Конференция айнан шу масалага қаратилиб, жамоатчиликнинг диққат-эътиборини табиатда содир бўлаётган муаммоларга қаратишга чақириди ва аҳолининг экологик билим даражасини ошириш масаласини олға сурди. Ушбу кунда экологик муаммоларни ёритиши мақсадида жойларда семинарлар, давра суҳбати ўтказилади, экологик билимларни ошириш билан шуғулланувчи илмий ходимлар томонидан маъruzalар ўқиб эшииттирилади. Натижада, тингловчилар табиат билан уйғунликда яшашнинг аҳамияти ҳақида билиб оладилар. Маъruzадан сўнг боғ ҳудудлари тозаланиб, дарахт қўчатлари экилади. Шу тариқа ўтказиладиган тадбирлар аҳолининг экологик билим даражаси ошишига ёрдам беради.

5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан юртимизда экология ҳафталиги ўтказилмоқда.



Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТ Таракқиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Анъанавий тарзда ўтказилаётган экология ҳафталигига табиатни асрарга оид тадбирларда кенг жамоатчилик, хусусан, ёшларнинг фаоллигини кучайтириш, жамиятимизнинг барча соҳаларида табиий барқарорликка хизмат қиласидиган яшил технологияларни жорий этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳафталик доирасида юртимизнинг барча ҳудудида турли акциялар, оммавий тадбирлар, кўргазмалар ташкил этиш кўзда тутилган. Пойтахтимиз ва вилоятлардаги бир қатор олий ўқув юртлари ва академик лицейларда экологик қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари, барқарор ривожланишга хизмат қиласидиган замонавий технологиялар ва уларни амалиётга тадбиқ этиш масалаларига оид илмий анжуманлар, семинарлар, давра сухбатлари, ёш ижодкорлар танловлари ўтказиш режалаштирилган. Тадбир доирасида замонавий саноат корхоналарида қўлланилаётган яшил технологиялар намойишига оид экологик медиатурлар уюштирилади.

Тошкент кимё-технология институтида экологик барқарорликни таъминлашга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш истиқболларига бағишлиланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, эколог мутахассислар, ёш тадқиқотчилар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Д.Файзиева, Тошкент кимё-технология институти ректори

С.Туробжонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимида илм-фан фаолиятини жадал ривожлантириш, замонавий ихтиrolарни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, атроф-муҳитга безарап, экологик соғ технологияларни жорий этишга қаратилаётган доимий эътибор барқарор ривожланишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ҳозирги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари, илм-фан муассасалари томонидан мазкур йўналишдаги лойиҳаларни бажариш юзасидан изчил чоратадбирлар амалга оширилаётир. Хусусан, Тошкент кимё-технология институтида кимё, нефть-газ, қурилиш, металлургия, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган экологик соғ технологияларни яратиш юзасидан қирқдан зиёд илмий ихтиrolар ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бу борада йигирмага яқин саноат корхоналари, ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Олимлар ва ёш тадқиқотчилар томонидан яратилаётган янги илмий ишланмалар амалиётга жорий этилаётгани табиий ресурсларни тежаш, атроф-муҳитга ташланаётган чиқиндиларни камайтириш, экологик мувозанатни барқарорлаштириш, иш унумдорлигини ошириш имконини бермоқда.

Саноат корхоналаридан чиқаётган оқоваларни тозалаш ва улардан иккиласми усулда қайта фойдаланиш илм-фан олдида турган долзарб вазифалардан, – дейди институтнинг "Саноат экологияси" кафедраси мудири, техника фанлари номзоди Хайрулла Пўлатов. – Олимларимиз давлат гранти асосида тўқимачилик саноатида ушбу масала юзасидан илмий изланиш олиб бормоқда. Илмий лойиҳамиз натижасида яратиладиган янги технология экологик муаммоларни бартараф этиш баробарида саноат корхоналарини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, инновацион лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш, экология соҳасида малакали мутахassisлар тайёрлаш масалалари хусусида фикр алмашилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Бутун жаҳонда инсон экологиясининг долзарб муаммолари нималардан иборат?
2. Инсон экологиясининг муаммолари бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ақида умумий маълумотлар беринг?
3. Ҳозирги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари, илм-фан муассасалари томонидан экология соҳаси юзасида қандай изчил чоратадбирлар амалга оширилмоқда?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Valavanidis and T. Vlachogianni GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING ATHENS, 2012. 117-120
2. Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006, 684
3. A.K. Haggi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1. Кейс.

**Муаммоли вазият.** Муаммоли вазиятда ўқитувчи талабаларни муаммони ҳал қилишга ундаиди ва талабаларни изланишига, мантиқан тӯғри хулосалар чиқариш жараёнига чақиради. Вужудга келган муаммони ҳал қилиш жараёнида талабаларнинг фикрлаш қобилияти кенгайиб боради. Масалан ўқитувчи “Кимё фанини ривожланниш тарихи”ни амалиётдаги аҳамиятини ўрганинг. Кимёвий элементларни дунёда келтириб чиқараётган муаммоларни олдини олиш йўлларни аниқланг.

Амалиётда кимёвий элементларининг авзаллик ва камчилик томонлирини ўрганинг ва Т-жадвалида уни ифодаланг.

Т-жадвали	
Авзаллик томонлари	Камчилик томонлари

### 2-Кейс.

**Муаммоли вазият.** Фан - техника инқилоби даврида қишлоқ хўжалик экинларини етиширишда кимёвий воситалар, механизациялаш, мелиорациялашдан юқори даражада фойдаланиш, биосферани ифлосланишига, тупроқни шўрланишига, эрозия жараёнларини ривожланишига, маълум миқдордаги (ц, т) маҳсулотни етиширишда харажатларни, меҳнат воситаларининг нархини ошиб кетишига, сув ва энергия ресурсларини тақчиллигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам қишлоқ хўжалик экинларини етиширишда мўл ва сифатли ҳосил олиш билан биргаликда тупроқ унумдорлигини ошириш, кимё воситаларидан фойдаланишини оптималлаштириш, сувдан тежаб фойдаланиш, сугоришнинг янги усувларини (ёмғирлатиб, томчилатиб, тупроқ ости) ишлаб чиқаришга жорий этиш, қурғоқчиликка, шўрга, касалликлар, заарқунандаларга, табиатнинг бошқа ноқулай омилларига чидамли навларини амалиётга жорий этиш, органик ва маъданли ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш лозим бўлади.

Юқорида келтирилган муаммоли вазиятларни таҳлил қилининг ва бартараф этиш йўлларини аниқларнинг.

Муаммони тасдиқловчи далиллари	Муаммони келиб чиқиши сабаблари	Муаммони бартараф этиши йўллари

### **3- Кейс.**

Республика худудида фермер хўжаликларни оптималлаштириш ва ер ҳолатини рганишда олиб бориладиган чора тадбирлар ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар (ёзма буйруклар) берилиши зарур.

Айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарлика тортиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича даъволар тақдим этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза килиш органларига тақдимномалар юбориш билан кафолатланади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб кўйиш, шу жумладан ижарага бериш шартномаларини муддатдан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ерлардан фойдаланишни чеклаб ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасига, маҳаллий давлат хокимияти органларига ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига тақдим этиш кузда тутилган.

Ер участкаларидан белгиланган мақсадда фойдаланишни, ер эгалари, тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишни белгиланган тартибда текширилади ва йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар қуришлари ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза килиш билан боғлик тадбирлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар беришлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин, агар давлат органлари томонидан ерлардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофаза қилмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақлидир.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Амалий вазиятни боскичма-боскич таҳлил килиш ва ҳал этиш бўйича тингловчиларга услубий кўрсатмалар

Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1. Аввало кейс-стади билан танишинг.  
2. Кейс-стадини ўқинг. Ўқиганингизда қўйидаги белгиларни ҳошияга қўйинг.

- “Д”-муаммони тасдиқловчи далиллар;
- “С”-муаммонинг келиб чиқиш сабаби;
- “ЕУ”- муаллиф томонидан тавсия этилган муаммони ечиш усувлари.

4. Сизнинг фикрингизча муаллиф қандай муаммони ўз мақсадида кўтарган.

<b>Далил</b>	<b>Сабаб</b>	<b>Ечиш усуллари</b>

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Координацион бирикмалар кимёси фани бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори
2. Полимерлар кимёси фани бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори
3. Биоорганик бирикмалар кимёси фани бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори
4. Органик кимё соҳаси бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва инновацияларнинг умумий обзори
5. Инсон экологиясининг долзарб муаммолари ва амалга оширилаётган тадбирлар.
6. Ҳорижий мамлакатлар ва республикамиз олимлари томонидан фан тараққиётига қўшган ҳиссалари, ишлаб чиқилган инновацион лойиҳаларни ўрганинг.
7. Координацион кимёнинг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини ўрганинг.
8. Биоорганик кимёнинг тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновацияларни ўрганинг.
9. Полимерлар кимёсининг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини ўрганинг.
10. Табиий ва синтетик йўл билан полимерлар синтези, қўлга киритилаётган ютуқлар, инновациялар ва амалий тадбиқи мавзуси бўйича кейс-стади ишлаб чиқинг.
11. Ўсимлик моддалари кимёсининг тараққиёт йўналишлари, шу йўналиш бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар ва инновациялар. Алкалоидлар ва уларнинг амалий аҳамияти мавзусида ўқув лойиҳа топширигини ишлаб чиқинг.
12. Фармацевтик кимё, унинг тараққиёт йўналишлари, истиқболлари, муаммолари ва инновацияларини ўрганинг.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Терминлар</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Кимё</b>	моддаларнинг тузилиши ва ўзгаришини ўрганадиган фан	Changes in the chemical structure of substances and science
<b>Атом</b>	мусбат зарядланган ядро ва унинг атрофида харакатланадиган манфий зарядлардан ташкил топган электронейтрал заррача	moving around the positively charged nucleus and negatively charged particle that elektroneutral
<b>Оддий модда</b>	кимёвий элементнинг эркин холда мавжуд була оладиган тури	Simple type, which stipulates that the chemical elements were freely available and stripes
<b>Молекула</b>	айни модда таркибини ва кимёвий хоссаларини ифодаловчи энг кичик заррачадир	The same material composition and chemical properties of the molecule represents the smallest speck
<b>Полимерлар-</b>	бир неча минг мономерлар йиғиндисидан ташкил топган моддалар	a few thousand consists of the sum of the monomers
<b>Пластмассалар</b>	таркиби асосан полимер моддалардир	especially polymeric substances
<b>Термопластиклик</b>	моддалар	material cooled to form

	киздырылганда уз шаклини йукотиб, совутилганда узгартирилган шаклини саклаб колиш хоссаси	kizdirilganda problems altered shape conservation property
<b>Ионланиш энергияси</b>	нормал холатда турган атомдан битта электроннинг ажралиб чикиши учун сарф килинган энергия	The ionization energy in the normal case have been spent for the exit from the energy of the electron from the atom
<b>Изомерия ходисаси</b>	таркиби ва молекуляр массалари бир хил аммо тузилиши ёки атомларнинг фазода хар хил жойлашиши натижасида хоссалари билан фаркланувчи моддалар	Isomeric structure - and molecular masses in the same space, but the structure of atoms, or a result of the location of the various properties folding
<b>Кимёвий боғланиш</b>	молекулада атомларни узаро тутиб турувчи кучлар йифиндиси	The sum of the atoms in the molecule chemical bonds holding forces
<b>Комплекс бирикмалар</b>	марказий атом ва ионлардан тузилган моддалар	Complex compounds - the central atoms and ions created
<b>Валентлик</b>	элемент ташки поғонасидаги ток электронлар сони	Stress element dish layer the number of electrons in the current
<b>Катализатор</b>	реакцияни тезлаштириб узи иштирок этмайдиган модда	Article not participate in the catalytic reaction speed uzi

<b>Углеводородлар</b>	углерод ва водороддан ташкил топган бирикмалар	Hydrocarbons - compounds composed of carbon and hydrogen
<b>Углеводлар</b>	таркибида углерод, водород ва кислороддан иборат моддалар	Carbohydrates contain carbon, hydrogen and oxygen

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. A. Valavanidis and T. Vlachogianni GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING ATHENS, 2012. 117-120
2. A.K. Haghi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011.
3. Stevanovic, M. Digital media in education system-review of international practice. Models of creative teaching. Available from <http://infoz.ffzg.hrINFuture>. New York, USA, 2011.
4. Garry G. Azgaldov. Applied qualimetry: its origins errors and misconceptions. Emerald Group Publishing Limited. 2011.
5. Integrating Green Chemistry and Green Engineering into the Revitalization of the Toxic Substances Control Act Kira JM Matus, Evan Beach, Julie B Zimmerman1 Center for Green Chemistry and Green Engineering, Yale University June 2010
6. Robert A., Hoffman Organic chemistry New Mexico State University, 2004
7. Jonathan Clayden, Nick Greeves, Stuart WarrenOrganic Chemistry, 2nd Edition Oxford University Press, United Kingdom, 2012
8. E.Charles, Jr.Carraher, Polymer Chemistry, Ninth Edition, USA, 2013
9. Собиров З. Органик кимё / Тошкент. Алоқачи, 2005. - 403 бет
10. Махсумов А.Ғ., Жўраев А.Ш. Биоорганик кимё / Тошкент. 2007.
11. Н.А.Парпиев, А.Муфтахов, Х.Р.Рахимов Анорганик кимё назарий асослари, Т. 2003
12. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
13. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хуқуқий асослари. - Тошкент: “Университет”. 2015. – 2456.
14. Darrell Ebbing, Steven D. Gammon, General Chemistry 11th Edition, USA, 2016

15. Raymond CHANG Williams College GENERAL CHEMISTRY, 2006, 684
16. Paul T. Anastas, Julie B. Zimmerman. Innovations in Green Chemistry and Green Engineering. Hardcover, Springer. Germany, 2013.
17. .P.L.Soni, Vandna Soni, Coordination Chemistry, United Kingdom, 2012

### **Интернет ресурслар**

1. [www.tdpu.Uz](http://www.tdpu.Uz)
2. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
3. [tdpu-INTRANET.Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
4. [http://www.referat.ru;](http://www.referat.ru)
5. [www.inter-pedagogika.ru;](http://www.inter-pedagogika.ru)
6. [www.school.edu.ru;](http://www.school.edu.ru)
7. [www.inter-nastavnik.iatp.bu](http://www.inter-nastavnik.iatp.bu)